

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№4/2025





Буюк
уйғониш

АБДУЛЛА
ОРИПОВ
ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР
2

АБДУЛЛА
ОРИПОВ
ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР
1

ТОҒ
БУРГУТИ

ТОҒ
БУРГУТИ

Pirimqul Qodirov
Yulduzli
tunlar

Абу Али
ибн Сино

Тоҳир
Малик

АНВАР ОВЕРДЖОҚ



Ислоҳотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги кунда биз Конституциямизнинг ҳар бир нормасини давлат ва жамият ҳаётида амалий фаолият мезонига айлантиришимиз зарур. Айниқса, ёшларимизга Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш, уларни конституциявий қадриятлар асосида юксак онгли ва ватанпарвар фуқаролар, сиёсий тафаккур ва ҳуқуқий маданият эгалари этиб тарбиялаш олдимизда турган ғоят муҳим вазифадир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

(Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригидан.)

МУНДАРИЖА

36

10

18

56

88

46

4. МАЪНАВИЯТЧИ БЎЛСАМ...

Эшиклар ўз-ўзидан очилмайди

10. ТИЛГА ЭЪТИБОР

Миллатнинг таянч нуқтаси

18. КАРВОН ҚЎНФИРОҒИ

Нима қилмоқ керак?

22. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

Қалтис саволларга
нозик жавоблар

28. ШАРҚДАН НУР

Имом Абу Мансур Мотуридий
исломий эътиқод устози

36. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ



Хўжақўрсинми, жўжақўрсин?

46. БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Мавжлар, тинимсиз мавжлар

56. БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ


Олмонча ҳалоллик





76

28




62



4



70



96

62. НИГОҲ

Ашула билан қўшиқнинг фарқи нимада?

70. ИЛДИЗ

Тиш ва туш ораси

76. ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

Хазинага йўлиққан ўн олтинчи фарзанд

82. МИЛЛАТ ХАРИТАСИ

Тил тубидаги ганжа

88. ИНСОН ЎЗИНГ

Ўзлик моҳияти

96. ЭЛ ОДАМЛАРИ

Собиқ ҳарф терувчи ва кўрғошин сири

104. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ

Тарбия қилгувчилар табиб кабидир

Қалб тасдиғи, тил иқрори

Глобаллашув: макон ва замон

Оилавий низолар... Замонавий ечимлар

■ МАЪНАВИЯТЧИ БЎЛСАМ...



ЭШИКЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ОЧИЛМАЙДИ

М – Маънавият тушунчасига изоҳ берсангиз...

– Тушунчага изоҳ беришдан олдин сўзининг келиб чиқишига эътибор қаратсак. «Маънавият» арабчада «маъно», «маъни» сўзларининг жамловчи шакли ҳисобланади. Истилоҳда олий ахлоқий тушунчалар мажмуи. Моддий дунёдан ташқаридаги руҳий олам ҳам маънавият билан изоҳланади. Қаердадир маънавият ҳақида гап кетдимиз, ўша ерда аввало инсоннинг ички дунёси, кўнгил гўзаллигини ҳаёлга келтириш керак. Демак, маънавият дегани «ҳаётингдан маъно топ» ёки «маъно касб этган ҳаёт» дегани.

Собиқ Совет иттифоқи мафкураси фақат моддиятга урғу берди ва одамларни меҳнат машинасининг мурвати-

га айлантирди. Бу қандай разилликлар келтириб чиқаргани барчага аён. Энг катта касофат шундаки, аҳоли ёппасига кўнгил инқирозини бошдан кечириб, сунъий ватанпарварлик, сохта фидойилик ниқобини кийишга мажбур бўлди. Шу сабабдан узоқ йиллик бирёқлама қараш оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистонда маънавият масаласи сиёсат даражасига кўтарилди. Яна бир ҳақиқатни айтиш керакки, бизда маънавият исломдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Аслида бу икки хазина бир-бирини тўлдиради. Ислом қоидалари, ҳадислар минг йиллик маънавиятимиз асосидир.

Бой маънавият ҳеч бир халққа зиён келтирмаган. Фақат уни тўғри тарғиб қилиш, одамларни бездириб қўймаслик керак.



– Сиз туман ё вилоятда, давлатнинг бошқа бир идорасида маънавият тарғиботчиси лавозимида ишласангиз, қандай услубни йўлга қўйган бўлардингиз? Умуман, маънавият вакилини қандай тасаввур қиласиз?

– Маънавият марказининг вакили бўлиши мумкин, лекин маънавият вакили бўлмайди. Маънавиятли киши бўлиши мумкин. У қандай бўлади? Бизнинг ҳолатда маънавиятли киши дунёвий билимларнинг ҳеч бўлмаганда биттасини чуқур ўзлаштирган, касб-корли, миллий ва диний қадриятларни ҳурмат қиладиган, қонундан оғишмайдиган, фуқаролик бурчини англаган, ҳушёр, фидойи ва бошқа фазилатлар соҳиби. Лекин у беайб фаришта эмас. Комилликка интилаётган инсон.

Маънавият тарғиботчисининг муайян вазифаси йўқ. У завод ишчиси эмас. Ҳар ким ўз савиясида тарғибот олиб боради. Аммо умумий қоидалар бор: ўзи ҳар томонлама ўрнатилган бўла оладиган, Ўзбекистон ва жаҳондаги сиёсий жараёнлардан ҳабардор, таҳлил қобилиятига эга, нотик ва ташкилотчи. Ана шунда қайси ташкилотда бўлмасин, у мақсадига эриша олади. Йўқса, хат-хужжатчи кадрдан фарқи қолмайди.

Агар мен маънавият тарғиботчиси бўлиб ишласам, аввало атрофимга халқ ҳурмат қиладиган, самимий, ҳалол одамларни йиғардим. Маърузалардан, қуруқ тарғиботдан қочиб, ҳар бир оилага оддий меҳмон ёки ижодкор сифатида кириб боришга ҳаракат қилардим. Яъни, ҳозир Отабек Ҳасанов олиб бораётган фаолиятга мувофиқ иш тутган бўлардим.

– «Халқимизнинг жуда бой маънавий мероси бор». Бу гапни доим ишлатамиз. Бу чин гап аслида. Аммо бу мерос асли нималардан иборат, уни бугун қандай истифода этаяпмиз? Бу жараёндан қониқасизми?

– Саволингизда енгил киноя сезилаяпти, бошқаларда ҳам шундай. Бу соҳадаги кўп ишларнинг орқага кетишига ҳам шу сабаб бўлади.

Аслида мустамлакачилик оқибатида аждодлардан қўлимизда фақат маънавий мерос қолган. Моддий меросларнинг аксарияти ва энг қимматбаҳолари Эрмитаж, Лувр музейларида, кимларнингдир шахсий коллекциясида сақланмоқда. Маънавий меросимиздан салмоқли улуш Россия, АҚШ, Буюк Британия, Миср, Покистон, Ҳиндистон, Туркия кутубхоналари ва архивлари хазинасининг беагаи бўлиб турибди.

Сўнгги йилларда уларни топиш, аниқлаш, тўплам ҳолида чоп этиш, нусха кўчириш ва ўрганиш бўйича қатор ишлар қилинди ва жараён давом этаяпти.

Саволга қайтсак, маънавий меросимиз кўламини дафъатан тасаввур қила олмаймиз. Жоиз бўлса, исломгача бўлган даврдаги тарихнинг ўзи алоҳида бир тармоқ. «Авесто» каби муҳташам диний-бадиий обида ҳам ҳали очилмаган кўриққа ўхшайди. Тошбитикларимиз, Ўрхун-Энасой атиқалари ва Мўғулистон ҳамда Хитойдан топилаётган тарихий битикларимиз... Буларнинг бари бемисл бойликларимиз. Афсуски, уни тадқиқ ва тарғиб этиш масаласи ҳануз кўнгилдагидек эмас. Умуман, биз тарихий ёдгорликлар уёқда турсин, ўз оталаримиздан қолган ашёларни, содда ифода қилганда, китоб-дафтар, буюм-дашқолларни ҳам эҳтиёт қилмаймиз. Яқинда яшаб ўтган замондош устозлар уй-музейига кирсангиз, ғариблиқдан кўнглингиз увушади. Шоирдан на ёзув машинкаси, на қўлёзма, на кийим-кечак, на арзирли сурат

қолганини кўп кўрганман. Шунақа кўнгли кенг, парвойи палак, дарё халқимиз бор. Ҳа, майли, яхши бўп кетар...

Ислон кириб келгандан кейин минтақамиз илм-фани, адабиёти ва санъати, меъморчилиги ва бошқа соҳалари янги босқичга кўтарилди. Олимларимиз дунёвий ва диний илмларни шунчаки қабул қилмай, уларни бойитди, янги тармоқлар очди ва дунёга тақдим этди.

Жадидлар даври мероси ҳам мубҳам ҳолда эди. Мана энди, эътибор сабаб аён бўлдики, улар ўз давридан илгарилаб кетган алломалар экан. Астойдил ўрганилмоқда, халқимизга етказилмоқда.

Балки ғалати туюлар, лекин ҳатто совет даврида ҳам олиму адибларимиз халқ учун маънавий мерос қолдирган. Гарчи бу мерос узра узилмас қизил чизиқ кесиб ўтган бўлса-да, ҳар ҳолда бугунги ўзбек фани, адабиёти ва санъати ривожига ҳисса қўшган. Узоқ вақт ўзбекистонлик олимларнинг ютуқлари умумсовет фани тараққиётига қўшиб юборилди.

Бугун бекорга Ислон цивилизацияси маркази иш бошламади. Ҳар йили янги бир илмий марказ очилади, Ўзбекистонда халқаро илмий конференциялар, бахшичилик фестиваллари ва бошқа тадбирлар ўтказилаяпти. Буларнинг барчаси ана шу бой меросни халққа етказиш учун.

Х – Халқимиз сизни аввало катта ижодкор, эл дардини ўзиники ҳисоблаган зиёли деб билади. Эл севган шоирнинг битганлари, айтганлари эса барча учун, жумладан, маънавият ходими учун ҳам захира, қувват манбаи. Демак, ижодкор ҳам биринчи ўриндаги маънавиятчи экан-да...

– Албатта! Маъно оламининг султонларидан бири Алишер Навоий эканини ҳисобга олсак, шоирлар ҳам маънавият тарғиботчиси. Фақат шунга лойиқ бўлиш керак. Аслида қадимда шоирлик алоҳида мартаба бўлган. Замонасининг қатор илмларида бехабар одамлар адабиётга яқинлаштирилмаган. Шунинг учун ҳам Шарқда буюк олимларнинг деярли барчаси шоир бўлган: Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём ва бошқалар.

Ижодкорнинг халқ олдида елкасига олган мажбурияти бўлади. Улардан бири ўқувчининг маънавиятини бойитиш, унинг ички дунёсини гўзаллаштириш, руҳиятига қувват бағишлаш. Шунинг учун ҳам Шарқ шоирларидан ҳеч бўлмаганда биттадан панднома руҳидаги асарлар қолган.

Биргина хамсачиликнинг ўзи ҳам ана шу мақсадда яратилмаганмиди? Жамиятнинг турли қатламлари ахлоқини шакллантириш, оғишган нуқталарини босқичма-босқич тузатиш асносида муҳташам санъат асарлари яратилган.

Бугунги ижодкор олдида ҳам шу масала туради. Бу атайин қилинадиган иш эмас. Аввало илҳом самараси ва давр эҳтиёжига айланиши керак. Замонамиз кишилари қисқалик тарафдори. Уларга қисқа, аммо тушунарли, теран ва таъсирли шеър, ҳикоя, асар бериш керак.

Уни етказишда ҳам замонавий барча технологияни ишга солган маъқул. Энди фақат баннер чиқариб қўйиш билан иш битмайди. Бугунги маънавият тарғиботчиси ижтимоий тармоқларда, керак бўлса, «Тикток», «Инстаграм»да ҳам фаол бўлиши шарт.



М

– Миллий ғурур тушунчасини бугун айримлар кибр билан адаштираётганга ўхшайди. Инсон учун ўзидан, ўзлигидан ғурурланиш аслида фазилат эмасми?

– Миллий ғурурни кибрга ўхшатаётганлар халқнинг уйғониши, тараққий этиши, жаҳонга бўйлашига қарши бўлган душманлар, хоинлар ёки жоҳиллар.

Миллий ғурур кибрга айланиши ҳам мумкин. Меъёрни унутмаслик керак. Ўз халқи ё миллатини бошқалардан устун қўйиш, қолганларни камситиш, ерга уриш, менсимаслик, беҳурмат қилиш... бу энди нафақат кибр, балки умуминсоний жиноятдир. Унинг оқибати уруш ва ички низолар.

Лекин ҳар бир халқ ўз тарихи, тили, қадриятлари, аجدодлари, моддий ва маънавий меросидан фахрланишга ҳақли. Буни ҳеч ким чеклаб қўя олмайди. Кўп келтирилган бўлса-да, Расул Ҳамзатов ўз Доғистонидан ғурур туймаганда «Менинг Доғистоним» каби асар яратмаган бўларди. Агар Чингиз Айтматов қирғиз халқига мансублигидан мағрурланмаганида дунёни лол қиладиган асарлар ярата олмасди.

Ҳазрат Чўлпон-чи? Агар миллатини севмаганида туркий тилнинг софлиги учун бу қадар курашга кирган бўлармиди?

Шу маънода бошқаларнинг ғурурига тегинмаган ҳолда ҳар бир халқ ўзлигидан фахр туюшга ҳақли.



И

– Иқбол ака, ўзбекнинг феъли, ютуғи-ю нуқсони, умуман, миллий менталитети яхлит акс этадиган илмий асосга эга асарга эҳтиёж бордек туюлади. Сиз қандай қарайсиз бу фикрга?

– Бундай асарга ҳар доим эҳтиёж бўлган. Фирдавсий ўттиз йилда «Шоҳнома» ёзиб Эрон тарихини улуғлаганидан завқланган Навоий ўттиз ойда туркий тилда беназир дурдона яратди.

Гап шундаки, ҳар бир давр ёзувчи олдига ўз саволини қўяди. Ана шу саволга жавоб бўла оладиган асар яратиш учун халқ тарихини чуқур билиш, ўрганиш, бугунни таҳлил қилиш, устозларнинг услубларини ўзлаштириш, жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, ўқувчи савияси ва эҳтиёжини ҳам ҳисобга олиш керак.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси ва Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеъри ана шу эҳтиёж ўлароқ дунёга келган эди.



“

Миллий ғурур кибрга айланиши ҳам мумкин. Меъёрни унутмаслик керак.

“

Эшикни тақиллатмай
туриб, ўз-ўзидан
очишлишини кутиш
ярамайди.



Б – Бугун халқни, ёшларимизни ортидан эргаштирадиган йўлчи юлдузлар, илғор мутафаккирлар йўқолиб бора-япти деган гапларга тез-тез дуч келаяпмиз. Бу замон талабими ёки тутумлар ўзгардими?

– Бугунги ёшлар олиму мутафаккирларга кумир сифатида қарармикан ўзи? Уларнинг хаёлида инстаблогерлар, шоу бизнес вакиллари, қандайдир мотиватору чала психологлар...

Лекин фақат салбий томонга оғиб кетиш яхшимас. Сўнгги йилларда ёшлар орасида кумир компаси сезиларли даражада бошқа қутбларга ўтмоқда.

Олимпиада ғолиблари, гроссмейстерлар, футболчилар, халқаро фан олимпиадаси ғолиблари – буларга ҳам қизиқиш кучли. Бугунги ёшлар чет эл спортчиларини эмас, ўзимизникиларни айтадиган даражага етдик.

Диёра Келдиёрова, Асила Мирзаёрова, Баҳодир Жалолов, Улуғбек Рашидов, Нодирбек Абдусатторов, Абдуқодир Ҳусанов, Аббос Файзуллаев, Элдор Шому-

родов... Мана улар! Ёшларнинг ижтимоий тармоқ саҳифаларига кирсангиз маълум бўлади постлардан.

Қолаверса, «Ёш китобхон» танлови ғолиблари ҳам бугун тенгдошларининг кумирига айланмоқда.

Бу жараёни сунъий ташкил қилиб бўлмайди. Ёшлар ўзлари танлайди қаҳрамонни.

Энди сиз айтган олимлар масаласига келсак, демак, Ўзбекистон илм-фани даргаларини тарғиб қилиш зарур. Бунинг учун ижтимоий тармоқлар кучидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Нега ёшлар математик Шавкат Аюпов, тарихчи Аҳмадали Асқаров, ўзбек тили жонкуяри Шуҳрат Си-рожиддиновни танимаслиги керак?

Энди тарғиботда юқоридагиларга ҳам эътибор қаратилса, кейин натижа кутиш мумкин. Эшикни тақиллатмай туриб, ўз-ўзидан очишлишини кутиш ярамайди. Ёшларни ҳам айбдор қила олмаймиз. Гёте айтганидек, улар биринчи марта яшамоқда.

Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

Миллатнинг таянч нуқтаси

Гулом БОБОЖОНОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент



Х аётда инсонга ай-
рим нарсаларни тан-
лаш ҳуқуқи берилма-
ган. Улар инсоннинг
истак ва иродасига
боғлиқ бўлмаган неъ-
матлар ҳисобланади.

Уларнинг шукрини қилиш керак, холос.
Чунки уларнинг асл қиймати инсон ўз их-
тиёри билан танлаганлардан анча юқори.
Улардан воз кечиш ҳам инсон измидан
ташқарида. Шундай неъматлардан бири
Она тилдир.

Илм-фан ривож, техника тараққиёти,
рақамли технологиялар инкишофидан
қатъи назар, тил муомала воситаси си-
фатидаги мавқеини барқарор сақлаб
келмоқда.

Мутахассисларнинг аниқлашича, ҳо-
зир дунёда 5621 та тил ва шева бўлиб,
улардан 500 тасигина ўрганилган хо-
лос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви
йўқ. 1400 тилнинг йўқолиб кетиш хавфи
бор. Фақат 40 та тилгина оғзаки ва ёзма
жиҳатдан мукамал шаклланиб бўлган,
деб ҳисобланади¹. Муҳими шундаки,
ўзбек тили ҳам шу қирқталиқ ичида муно-
сиб ўрин эгаллаб турибди.

Она тилимизнинг бундай мавқега
кўтарилиши кўп асрлик ижтимоий, сиё-
сий, илмий, назарий ва тарихий асослар-
га эга. Ўзбек тили тарих саҳнасида, ай-
рим тадқиқотларда кўрсатилганидек,
XVI ёки XX асрда пайдо бўлиб қолган
ҳодиса эмас. Туркий қавмлар яшаган
худудлардан топилган ноёб битиктош-
лар, жуда кўп ёзма манбалар, хорижлик
сайёҳ ва олимларнинг ёдномалари ти-
лимиз минг йиллар оша туркий тил
сифатида яшаб келганидан далолат
беради. Бу масалани чуқур тадқиқ
қилиш жаҳон илм-фани ривожига
катта янгилик ва нодир маълумотларни
тақдим этиши шубҳасиз.

¹ <https://ziyouz.uz/zha-on-tillari-a-ida>.

“
Ҳозир
дунёда
5621 та
тил ва шева
бўлиб,
улардан
500
тасигина
ўрганилган
холос.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари туркий тил мавқеини ҳам илмий, ҳам ижтимоий-тарихий жиҳатдан асослаб берган илк буюк қомусий асар эди². Унинг аҳамиятини чуқур ўрганиш энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Шунингдек, илмий ва бадий ижодда арабий-форсий тиллар ҳукмрон бўлган бир даврда туркий тилни афзал кўрган Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг ижодий фаолияти ҳам алоҳида эътирофга муносиб. У анъанавий равишда араб ёки форс тилларида яратиб келинаётган тарихнавислик ишида туркий тил имкониятидан маҳорат билан фойдалана олди. Гарчи, ундан кейин ҳам туркий тилда соҳага оид бир қанча асарлар ёзилган ёки таржима қилинган бўлса ҳам, «Қисаси Рабғузий» асарининг аҳамияти қарийб етти юз йилдан бери заррача камайгани йўқ. У қайта-қайта нашр этилиб, илмий тадқиқотларга сабаб бўлаётгани шундай дейиш учун тўла асос беради.

Охирги минг йилда туркийда яратилган минглаб сара китоблар – илмий, тарихий, бадий асарлар бу тилнинг мутасил такомиллашиб борганини кўрсатади. Аллома аждодларимиз туркий тилдаги ҳар бир сўз ва иборанинг мустаҳкам асосларга эга эканини теран ҳис қилган ва англаб етган. Авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий этишига улкан ҳисса қўшган. Улар, гарчи, араб, форс, ҳинд, хитой, лотин, юнон, санскрит, урду каби ўнлаб тиллар бўйича мукаммал билим ва кўникмага эга бўлишса-да, туркий тилнинг она тили сифатидаги мавқеини ҳамиша юқори тутганлар.

«Миллатни миллат сифатида тутиб турадиган устунлар бор. Булар миллий тафаккур, миллий маънавият, миллий дид, миллий маданият каби тарихий ақлимиз

ва салоҳиятимизнинг мажмуаларидир. Лекин буларнинг барчасининг заминиди катта ганжина ётадики, усиз ҳеч бир устун ўзини тик тутиб туrolмайди. Бу миллий тилдир»³. Миллий тил хусусида мулоҳаза юритиш айниқса бугунги глобаллашув шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Юқорида таъкидланганидек, бир ярим мингга яқин тилнинг бугунги кунда таназзул ёқасида тургани ибрат сифатида кўриш учун етарли бўлса керак.

Тилларнинг йўқолиши, унутилиб кетиши, муомаладан чиқиши ўша тил эгаларининг бошқа тилларни ўз она тилидан устун санагани, она тилига нисбатан ҳурмат ва ифтихор туйғусини йўқотгани билан боғлиқ.

Тил тадқиқига бағишланган аждодлар меросига муносиб ворислик барча даврларда уларни ўрганиш, татбиқ қилиш ва ўргатиш орқали давом этади. Бунда бизга илмий, маърифий, бадий асарлар асосий манба бўлади.

Илмий таҳлил ва кузатишларга асослансак, она тилимиз сўз бойлиги жиҳатидан дунёдаги энг етакчи тиллар сафида туради. Аммо XX асрда, СССР даврида бу масалага холис қаралмади. Бир қанча сўзлар эскириб қолган, умумистеъмолдан чиққан ё шева унсури деган бирёқлама қараш билан луғат таркибидан чиқариб ташланди. Натижада, сўз бойлигимиз бир неча баробар камайтирилиб, тилимизнинг луғат бойлиги бор-йўғи 60-80 минг атрофидаги сўздан иборат дея ҳисобланадиган бўлди.

Аслида, тилшунос олимлар тилимизнинг сўз ва маъно кўлами бошқа тилларникидан асло кам эмаслигини илмий исботлаб беришган. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий туркий тил имкониятларини биринчи бўлиб бундан минг йил олдин илмий тадқиқ этган буюк қомусий олим саналгани бежиз эмас. Бугун фақат

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. – Т.: F.Фулом, 2017. – 3-6.

³ Эшқобил Шукур. Бобосўз изидан. – Т.: Адабиёт, 2022. – 535-6.

муайян ҳудудлар шевасига хос деб қаралаётган *инак, қопу, чалғай, тўнг, керага, ал, ушоқ* каби юзлаб сўзларимиз тилимизнинг ҳақиқий аъзоси эканини кўрсатиб берган.

Тилимизга қашшоқ, ночор каби сифатларни тиркаш фақат мафкура нуқтаи назаридан тўқиб чиқарилган ва сингдирилган қараш деб тушуниш ҳам ўзини тугал оқламайди. Бу ўринда бошқа бир жиҳат борки, ҳазрат Навоий «Муҳокаматуллуғатайн»да ўқувчи диққатини шу муҳим нуқтага қаратади.

Навоий даврида форс тили катта нуфуз ва устунликка эга эди. Давр кишилари ўз асарларини шу тилда яратишга интиланган. Рисолада бунинг ўзига хос бир қанча сабаблари келтириб ўтилади. Улар қаторида талайгина туркийларнинг ўз тилини йирик илмий ёки бадий асар яратиш учун салоҳиятли эмас деб ҳисоблашлари, мазкур тилда сўз ва иборалар кам деб даъво қилишлари ҳам алоҳида таъкидланган.

Бир неча асрлик анъанага кўра, асосий асарлар форсийда ёзилгани ҳам бу тил ҳақидаги нотўғри қарашларни шакллантирган. Шунингдек, яна бир қанча ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра туркийлар ўз тилида ижод қилиш масаласига у қадар жиддий қарамагани кузатилади. Алишер Навоий мазкур рисолада бу сабабларнинг барчасига ўринли илмий муносабат билдиради. Туркий тилнинг етарлича эътибор ва эъзоз топмаётганига энг катта сабаб сифатида у қуйидаги фикрни келтиради:

«Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, букунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур»⁴.

Навоийнинг фикрича, она тилининг қадри, унга бўлган самимий муносабат ҳамда ифтихор тил дақоиқлари



“

Бугун фақат муайян ҳудудлар шевасига хос деб қаралаётган *инак, қопу, чалғай, тўнг, керага, ал, ушоқ* каби юзлаб сўзларимиз тилимизнинг ҳақиқий аъзоси эканини кўрсатиб берган.



⁴ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – 19-б.

ҳақиқатидан хабардор бўлиш, билиш ва англаб етиш орқали юзага келади. Акс ҳолда, бу тил воқеликда мавжуд ва устувор бўлган бошқа тиллар таъсирида қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ўринда ҳазрат Навоий ўзини мисол сифатида келтириб, болаликда форс шеъриятини чуқур ўзлаштиргани, унга ҳавас билан қараб, бир муддат ўша тилда ижод қилганини ёдга олган.

Нафақат оддий инсонлар, балки ижодкор ёки олим кишилар ҳам ўзга тилнинг нуфузи ва жозибасига мафтун бўлиб, унинг таъсирида қолишига инсонда тил билан боғлиқ кўникмалар ҳосил бўлиш жараёнидаги дастлабки босқич сифатида қаралиши мумкин. Кейинчалик инсоннинг тафаккури уйғониб, дунёқараши кенгайиб, воқеликдаги асл ҳақиқатни тўғри қабул қила бошлагач, бошқа бир барқарор фикрга келиш ҳаётини эҳтиёжга айланади. Чунки зиёли инсон, айниқса ижодкор ва олим киши бутун умр болаликда мулоҳаза қилинмасдан, шунчаки ҳавас орқасидан шаклланган фикрга таянган ҳолда иш кўролмайди. Тафаккурининг муайян босқичида тақлиддан воз кечиб, ўз илмий асосланган қарашини қабул қилади. Шу йўл билан асл ҳақиқатни англаб етади. Ундан кейин бу йўлдан шон, мансаб, дунё каби кўплаб омиллар таъсирида юз ўгириб, ўз қарашлари ва ҳақиқатга хилоф иш қилмайди.

Алишер Навоий бу борада ҳам инсониятга катта намуна кўрсата олган. Унинг «Хамса»дай буюк асарини ўз она тили бўлган туркийда яратгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ғарб халқлари ўша кезларда араб-форс тилларида яратилган асарлардан кенг фойдаланган ва шундай асарлар дунёга танилиб, жуда машҳур бўлиб кетган. Ҳазрат Навоийда ўз асарларини даврининг устувор тилларида яратиш, катта обрў қозониш имкони бўла туриб, бундай

йўлни танламагани авлодларга буюк дарс бўладиган ҳодисадир.

Ҳазрат Навоийдай жаҳоншумул миқёсда фикрлайдиган ва уни энг мақбул тарзда ифода эта оладиган ижодкор, эҳтимол, дунёда бошқа топилмас. Она тилга муҳаббат ва садоқат, уни пухта ўрганиш ва имкониятидан кенг фойдаланиш Навоий тимсолида энг юксак чўққига етган. Зеро, ўз тилини пухта билиш ҳар бир инсоннинг доимий вазифаси ҳисобланади.

«Муҳокаматул-луғатайн» Навоийнинг туркий тилни қанчалик теран билиши-ю севишини очиқ кўрсатиб туради. Шу билан бирга, мутафаккирнинг бошқа тилларни билиш, эҳтиром кўрсатишда ўзига хос йўриғи бор. Хусусан, у шундай ёзади: «...Форсий алфоз истийфосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпроқ қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркин...». «Хамса»да араб тили қоидаларини ўрганишни худди пири ва устози Абдурахмон Жомий каби кундалик машғулоти – вирдга айлантириб олганини таъкидлаб ўтган. Бошқа тилларни ҳатто ўз аҳлидан ҳам кўра чуқурроқ билган инсоннинг ўз она тилига муносабати инсониятни ҳайратга соладиган даражада гўзалдир.

Бугунги воқелигимизга назар ташладиган бўлсак, ўтган асрда кечган етмиш йиллик мустамлака даврида она тилимиз ҳукмрон тил – ўрис тили таъсири ва тазйиқи остида қолиб, не кўйларга тушгани аён. Ажабланарлиси, тилимизнинг шундай аҳволга тушишида оддий халқнинг эмас, илмли зиёлиларнинг ҳиссаси салмоқлироқ.

Рисолада айниқса «таъб ва салоҳият аҳли» – бугунги тил билан айтганда халқнинг пешволари, зиёлилар ўз она тилига бошқалардан кўра эътиборлироқ бўлиши кераклиги ғояси илгари сурилади. «...Турк тилининг жо-



**“
Она тилининг
қадри, унга бўлган
самимий муносабат
ҳамда ифтихор
тил дақоиқлари
ҳақиқатидан хабардор
бўлиш, билиш ва
англаб етиш орқали
юзага келади.**



меияти мунча далоил била собит бўлди. Керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлгон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғон ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрма-салар эрди...»⁵. Бу гаплар тил борасида билдирилган шунчаки фикрлар эмас, ҳазрат Навоийнинг йиллар давомида кўриб-кузатиб юрган дарди, қалбини ўртаб ётган изтироби эди. Бу билан ўз тилини қўйиб, ўзга тилларни ишлатиш она тил учун таҳликали ҳодиса эканига аҳамият қаратилади.

Ўз даврининг зиёлилари нима сабабдан она тилида ижод қилишга рўйхушлик кўрсатмаётгани сабаби яна қуйидагича очиқланади: «Ва ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур, керакким, мунда ҳар навъ суҳангузорлиғ ва фасиҳғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур»⁶.

Ҳазрат Навоий таъкидига мувофиқ, «ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари» ўз она тилининг бошқа тиллар таъсирида қолиб, зойил бўлмаслиги учун ҳаракат қилмоғи муҳимдир. Улар ўз тилига нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиромни сақлаши, уни пухта ўрганишга ҳаракат қилиши, она тилининг сўз бойлиги, қоида ва қонуниятларини чуқур ўзлаштиришда бошқаларга намуна бўлиши ва, энг муҳими, она тилни худди она каби севиб ардоқлаши ниҳоятда зарур.

Афсуски, она тилимизга бугунги муносабат улуғ аждодларга издошлик мақомида бўлмаяпти. Ўз тилимизга беэтиборлик туфайли бир қанча бебаҳо

⁵ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – 20-б.

⁶ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – 20-б.

сўзлар унутилиб бораяпти. Айрим сўзларнинг ўз тилимиздаги муқобилидан кўра ўзга тилдаги шаклини ишлатишга одатланиб қолдик. Масалан, бозор, гўшт, гувоҳ, беҳи, дунё, супермаркет, свежий, пайнет, колл-центр каби юзлаб сўзларнинг тилимизда муқобили борлигини кўпчилигимиз ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Оқибатда, ўз сўзларимиз ўзимиздан узоқлашиб бормоқда. Ҳолбуки, аجدодларимиз ўз тилида учрамайдиган нарсаларга ҳам тил имкониятидан келиб чиқиб янги номлар беришган. Уларнинг бу тажрибаси бугунги кунимиз учун ҳам қадрли.

Тилимизга кириб келаётган ҳар бир сўз учун аввало янги шакл топиш эҳтиёжи бор. Агар бунга имкон бўлмаса, ўша сўзни тилимизнинг имло ва талаффуз қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилиш зарур. Аммо ҳар қандай ёт сўзни ўйламасдан тилга кўчиравериш она тилимизнинг бузилиши ва қашшоқлашишига сабаб бўлиши аниқ.

Юзаки қараганда тилимизга кўп хорижий сўзлар кириб қолгандай туюлади. Албатта, ўзлашган сўзлардан фойдаланиш деярли барча тилларда кузатилади. Шу билан бирга, кўп ўзбекча сўзлар бошқа тилларга ҳам кўчган. Масалан, беҳини форсча номи билан атаймиз. Аслида, бу сўзнинг ўзбекчаси *ҳайва* бўлиб, бу ҳақда Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида маълумот берган. Ўз тилимиздаги ана шу сўздан ўзимиз фойдаланмаймиз, лекин бу сўз ўрис тилида фаол қўлланиб келаяпти. Фақат ўрислар уни ўз тили хусусиятларига мослаштириб, «х» товуши уларда йўқ бўлгани учун, *айва* тарзида қабул қилган. *Кўшк* сўзи ҳам дунёни бир айланиб, охири *киоска* тарзида ўзимизга қайтиб келди. *Тобаки* сўзимиз *табака*га айланиб, ўзлигини йўқотган ҳолда ўз уйига қайтди. Тилимизда бундай сўзлар жуда кўп.



“

**Бозор, гўшт,
гувоҳ, беҳи, дунё,
супермаркет,
свежий, пайнет,
колл-центр каби
юзлаб сўзларнинг
тилимизда муқобили
борлигини
кўпчилигимиз
ҳатто ўйлаб ҳам
кўрмаймиз.**




Кейинги пайтларда кенг тарқалаётган оммавий маданият каби чегара билмас жараёнлар халқларнинг тилига ҳам катта хавф солаётганга ўхшайди. Миллий тил – миллат тириклигининг рамзи. Миллий тилни йўқотиш миллат қудратининг емирилишига олиб келади.

Ўзбек тили бугун кенг истеъмолда бўлиб келаётган тиллардан бири. Дунёда 50 миллиондан ортиқ киши шу тилда гаплашади. Она тилимизнинг софлигини сақлаш, кенг истеъмолини таъминлаш учун фарзандларимизда унга ҳурмат ҳиссини шакллантириб, тарбиялаб боришимиз зарур. Бунинг учун тилимиз билан боғлиқ ҳам фойдали, ҳам қизиқарли, энг муҳими, тушуниш қулай бўлган китобларни тавсия ва тарғиб қилиб туриш керак.

Айниқса бугунги глобаллашув жараёнида хорижий тилларни яхши ўрганиш давр талаби бўлаётган бир паллада аввало ўз тилимизга ҳурмат кўрсатиш ҳар доимгидан ҳам муҳимдир. Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» рисоласи эса дунё аҳли ана шу ҳақиқатни англаб етишида энг зарур восита бўла олади.

“

Тилимизга кириб келаётган ҳар бир сўз учун аввало янги шакл топиш эҳтиёжи бор. Агар бунга имкон бўлмаса, ўша сўзни тилимизнинг имло ва талаффуз қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилиш зарур.



Нима қилмок керак?



Кўздек қўшнимиз ўлди. Ён қўшни эса истиҳола қилмади. Ҳали тобут чиқмай, бешик тўйини етти маҳалла эшитгудек қилиб бошлаб юборди. Маҳалла кайвониси карнай овозини пастлатинг деб танбеҳ берган эди, «Бобойники тўй-ку...» дея киприк қоқмай тиржайди. Илгариям шундаймидик? Назаримда, азиятли кунларда кўнгилга ёруғлик инмасди. Маҳалла-кўйда аза чиқиб қолса, йигирма-ўттиз кунгача ҳеч ким тўй қилмасди. Тўйга тайёргарлик бошлангунча азадор яқинимизнинг олдидан ўтиб, изн сўралар, тўйдан олдин албатта азадорлар чақирилиб, дастурхон тузалар эди. Азали хонадонга эшитилмасин деб теле-

визор овозини ҳам пастлатганимиз ёдимда.

Рўзғор ташвишида беғона юртга ишга кетган бир қўшни аёлнинг ўн олти яшар қизи эрга тегмай туғди. Чақалоқнинг отаси кимлиги билан қизиққанларга «бойвачча, тадбиркор одам» дейишса, кўпчилик ҳеч нарса бўлмагандай, шундай бўлиши керак дегандай жимгина кетишди.

Биз кичкиналигимизда бундай масалалар бутун маҳалла, оила учун иснод эди, ор эди...

Эсимда, бир пайтлар, ҳатто яқин йигирма йилликда ҳам оиладаги арзимас келишмовчиликлар важдан ота уйига келинмас, қиз учун отанинг шаъни муҳимроқ эди.

Бугун-чи? Рўзгорини ташлаб, ойлаб, йиллаб, ҳатто ота уйига ҳам келмай, ёлғиз боши билан ижарада яшаётган аёллар ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Ҳолбуки, бир пайтлар эрли аёлнинг ёлғиз яшашини тасаввур ҳам қилолмас эдик.

Кундан-кун кўпайиб бораётган ажримлар, оталикни белгилаш, эрта туғруқлар, зўравонликлар, жиноятлар, гиёҳвандлигу ичкиликка берилиб кетаётган авлод... Сабаблар қидирилаяпти, тўхтовсиз бонг урилаяпти, аммо буларнинг таъсири сезилмаяпти, ечим топилмаяпти. Оқибат эса ўзингизга аён.

Бир оила бузилса, Арш ларзага келади. Авваллари ажримлар асосан қайнона-келин муносабатлари, фарзандсизлик, ёш оилаларнинг ўз уйига, даромадга эга эмаслиги, рашк юзасидан бўларди. Оқсоқолларимизнинг тушунтиришларидан кейин бесабаб ажрашаётган кўп оилалар тикланарди. Лекин кейинги йилларда оилани тиклашга имкон қолдирмас яна бир сабаб – аёллар хиёлати авж олди.

*Ота ўлса кўнгил сўрарлар,
Она ўлса кўнгил сўрарлар,
Ёр хиёлат қилса-чи?*

Шоир Муҳаммад Раҳмон бу сатрларни нақадар топиб ёзган деб ўйлаб қоламан. Ҳамма жим, ҳар одамнинг боши эгик. Таскину юпатмоққа сўз йўқ...

Эрининг топганига қаноат қилмаган ёш аёл ҳавас кўйида бегона юртга йўл олди. Вояга етмаган икки қизини эрига ташлади-ю кетди. Ота аламзада, бир вақтлар ичкиликдан ҳазар қилган одам бора-бора усиз яшай олмайдиган даражага етди. Натижада ўн тўрт яшар қиз уйдан чиқиб кетди. Мактабга ҳам бормади. Ачинарлиси, на ота-она, на мактабдагилар ва на қариндош-уруғ «Онаси қандай яшайсан?» деб сўрайди. Қиз ўн беш ёшида туғди. Ана энди ҳамма оёққа турди.

Мактаб, маҳалла, ёшлар ташкилоти, «меҳрибон» қариндошлар пайдо бўлади. Мактаб раҳбарлари «биздан кетган эди» деб ўзини оқлаб, қулоч-қулоч қоғоз кўрсатади, маҳалла раиси «тинч оила эди-ку, онаси қачон кетган экан-а?» деб хотин-қизлар фаолига қарайди. Қариндошлар жим, кўни-қўшнига муҳокама учун янги мавзу. Ҳамма оппоқ, масъулиятни ҳеч ким бўйнига олмайди, ҳеч ким бу фожиада менинг айбим бор-ку демайди. Онага телефон қилишади. Вояга етмаган қизларини ташлаб кетган онага! Нима деб жавоб қилади, ишонасизми? «Мен эрга тегдим, отаси йиғиштириб олсин».

“

Ота аламзада, бир вақтлар ичкиликдан ҳазар қилган одам бора-бора усиз яшай олмайдиган даражага етди.

Ана онанинг жавоби! Демак, аввало онадан путур кетган. Онанинг тарбияси кемтик бўлгандан кейин... Она хато қилди, қизи давом эттирди. Бу хато яна давом этмаслигига ким кафолат беради?

Луқмони ҳакимдан «Насиҳатларингизнинг кўпини ёшларга қаратасиз, ёши каттароқларга камроқ насиҳат қиласиз, бунинг сабабини билсак бўладими?» деб сўрашганида у «Боғбон ерни юмшатиб, сўнг кўчат ўтқазса, унинг атрофини хас-хашакдан, ёввойи ўтлардан тозалаб, вақтида сув ва ўғит бериб турса, ниҳол тезда бақувват, адл дарахтга айланади, серҳосил бўлади. Бола ҳам ёшлигидан тарбия қилинса, гўзал ахлоқли бўлиб вояга етади. У нафақат ўзига, ота-онасига ҳам бахт келтиради, жамият учун фойдали, керакли инсон бўлиб етишади» деб жавоб берган экан.

“

2025 йилнинг 9 ойида
Қашқадарёда 12 056 та никоҳ,
1966 та ажрим, 2016 та оталикни
белгилаш қайд этилган.

Хўш, яхши тарбиянинг омиллари нима? «Китоб» деган жавобни берамиз. Китоб бизнинг нафақат дўстимиз, балки тарбиячимиз ҳамдир. Катталарга ҳурмат, оилага муҳаббатни китоб қаҳрамонларидан ўрганадик.

Ўттиз-қирқ йил аввал Ўзбекистон ажралиш камлиги, оилани муқаддас тутувчи мамлакат сифатида ибрат эди. Хорижлик экспертлар ўзбек оилаларидаги барқарорлик сабаблари бўйича тадқиқот ўтказгани ёдимда. Хулоса шу бўлдики, фарзандларимизни одобли, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, оилага ҳурмат руҳида тарбиялаш ажримларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутган.



2025 йилнинг 9 ойида Қашқадарёда 12 056 та никоҳ, 1966 та ажрим, 2016 та оталикни белгилаш қайд этилган. Рақамларни кўриб яна кўп саволлар билан юзлашамиз, шу кетишда оила аталмиш муқаддас кўрғонни қандай сақлаймиз деган ҳақли хавотир пайдо бўлади.

Сир эмас, кўпчилик, айниқса ёшлар китобдан кўра виртуал оламини афзал билаяпти. «Уч ёшли болам телефоннинг уёғидан кириб буёғидан чиқади» деб мақтанамиз. Компютер олдида тундан тонгача ўтириб, ранги сомон, асабий бўлиб қолган фарзандимиз билан ишимиз йўқ. Кўлига телефонни тутқазиб, у қандай фойдаланаётганини назорат қилмаймиз. Шу матоҳга ўзимиз ҳам ёпишиб қолганмиз. Бу замонавий ахборот воситасининг салбий оқибатлари ҳам борлиги ёдимиздан кўтарилди. Ким нимани хоҳласа айтаяпти, чинми, ёлғонми, уятми, орланаётгани йўқ. Таҳририятда ишлаганимизда бир фактни

юз бора текширар эдик. Газетада хато чиқмаслиги, исботланмаган, далилсиз воқеа-ҳодисалар эълон қилинмаслиги учун жонимиз ҳалак эди. Ҳар бир сўзимиз тарбиявий аҳамиятга эга бўлсин деб ватанпарварликни, андишани тарғиб этардик. Бугун эса ижтимоий тармоқларда уятсизлик, миллий қадриятларимизни топтовчи, ахлоқсизликни тарғиб этувчи яланғоч сўзлар бемалол айтилмоқда. Турмушга чиқмаган қизлар, оила қурмаган йигитлар, мактаб ўқувчилари кўраепти бу ахлоқсизликни. Ота қизини зўрлагани, сингил акасидан бола кўргани, қайнота келинини севиб қолгани ҳақидаги чиркин тафсилотлару савиясиз сериаллар оммага тақдим этилаётир... Фаҳш, уятсизлик қачондан бу қадар очик намоиш этиладиган бўлди? Ўйлаб қоламан. Китобхонликни қанча тарғиб этмайлик, рағбатлантирмайлик, маърифий тадбирларни қанча кўп ўтказмайлик, турли сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали ахлоқсизлик тарғиб этилаверса, барча ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Яқинда бир оилани тиклаш мақсадида куёвнинг уйига бордик. Унинг айтишича, келиннинг қўлидан телефон тушмайди. Ҳатто эрини ишга кузатмайди, кутиб ҳам олмайди. Келиндан сўрасам, «хоҳласа шу» дейди. Телефон ҳаётининг мазмуни эканини тан олиб, оиласи бузилаётганига ачинмади. Таъсирли жиҳати – келиннинг муаллим экани, мактабда дарс ўтаётгани.

Хайриятки, телефонга қарамликдан қутулганлар илму ҳунар бобида муваффақият пиллапояларидан юқорилаб бормоқда. Турли фан олимпиадаларида Ўзбекистоннинг ғолиб ёшлари сафи кенгаётгани албатта кишини қувонтиради. Ўқув марказларида тўққиз-ўн ёшли юзлаб болаларни учратаман. «Ўқиган ўзар» дейди кўзлари порлаб. Шу ўт ўчмаслиги, билимга интилиш сўнмаслиги учун бугун уларни эҳтиёт қилишга ҳар қачонгидан ҳам кўп эътибор қаратишимиз керак.

Имом Ғаззолий шундай деган: «Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, дунё ва охиратда саодатли бўлади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади». Бу ўғит ҳаммамизга тегишли. Демак, интернет сайтларини, ижтимоий тармоқларни ҳам назорат қилиш вақти келди. Ошкоралик, демократия, сўз эркинлиги ниқобида ахлоқсизлик урчишига йўл қўймайлик. Менталитетимиз, шарқона андиша-ю миллий ўзлигимизга зид, «замонавийлик» ниқобидаги одатлар, андишасизликнинг олдини олиш учун қонунчиликда белгиланган нормалар ишлаши керак. Қадриятларимизни қўриқламасак, эртага қадримиз бўлмайди.



Комила КАРОМОВА,
Республика Маънавият
ва маърифат маркази
Қашқадарё вилояти
бўлими раҳбари, сенатор

ҚАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР

1

– Биламизки, динимизда эркаклар ипак матодан кийим кийиши ман қилинган. Бир шим сотиб олгандим. Унинг қозоғида 70 фоиз матоси сунъий ипак деб ёзилибди. Шу шимни кийиш жоизми?

– Бисмиллаҳир роҳманир раҳим. Сунъий ипак ҳақиқий ипакка муқобил равишда ишлаб чиқарилган мато тури, холос. Унга ҳақиқий ипакнинг ҳукми берилмайди. Ундан тикилган кийимларни кийиш эркакларга жоиз. Ҳадисларда тақиқлангани айтилган ипак ҳақиқий, табиий ипакдир.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам “Ипак кийим ва тилла умматимнинг эркакларига ҳаром қилинди, аёлларига ҳалол қилинди” деди» (Имом Термизий ривояти).

Ипакнинг эркакларга ҳаром қилиниши ҳикмати шундаки, бу мато жуда нафис ва мулойим бўлиб, аёллик табиати ҳамда латофатига мос келади. Эркакларнинг табиатига эса мувофиқ келмайди. Валлоҳу аълам.



Саволларга
Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво
маркази бош
мутахассиси

**Абдуғафур домла
НИЁЗҲУЛОВ**
жавоб берди

2

– Ҳайвонларнинг қонини паррандаларга озуқа сифатида сотса ёки сотиб олса бўладими?

– Қон каби нажосат ҳисобланган нарсалар шариат қоидаларига кўра мол ҳисобланмайди ва уларни сотиш ёки сотиб олиш жоиз эмас. Чунки савдонинг шартларидан бири – сотилаётган нарса шариат назарида қийматга эга мол бўлиши шарт. Қон, ўлимтик каби нарсалар нажосат бўлиб, шаръан мол ҳисобланмайди ва Қуръони каримда ҳаром қилинган. Аллоҳ таоло Моида сурасининг 3-оятида бундай деган: «Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти ва Аллоҳдан бошқанинг номи ила сўйилган ...ҳайвонлар ҳаром қилинди».

Шариатда истеъмоли тақиқланган нарсанинг савдоси ҳам тақиқланади. Бу ҳақда «ал-Важийз» китобида бундай дейилган: «Қайсидир жиҳатдан ейиш ва фойдаланиш мумкин бўлмаган нарсани сотиш ҳам, сотиб олиш ҳам мумкин эмас. Фойдаланиш мумкин бўлган нарсанинг савдоси жоиздир». Қолаверса, ҳайвонларга нажосатни озуқа сифатидан бериш дуруст эмас. Юқоридаги масалада қон деганда ҳайвонни сўйганда бўғзидан отилиб чиққан қон тушунилади. Лекин ҳайвон қонни ўзи топиб еса, бу билан унинг гўшти ҳаром бўлиб қолмайди. Валлоҳу аълам.

“

Бирор нарсани ҳадя қилишнинг шартларидан бири шу нарса ҳадя қилувчининг мулки бўлиши керак.



3

– Ўғил уйланаётган вақтда келинга маҳр сифатида отасининг уйини бериши мумкинми? Бу маҳрга ўтадимми?

– Агар уй отанинг мулки бўлса, ўғил уни маҳр сифатида хотинига бера олмади. Чунки у бировнинг мулки, бировнинг мулкини эса бошқага сотиш, ҳадя қилиш ёки маҳр сифатида бериш дуруст эмас. Бу борада фикҳий манбаларда шундай баён қилинган: «Бирор нарсани ҳадя қилишнинг шартларидан бири шу нарса ҳадя қилувчининг мулки бўлиши керак. Бошқанинг молини унинг изнисиз ҳадя қилиш мумкин эмас. Чунки ҳадя қилувчининг мулки бўлмаган нарсани бошқага бериш имконсиздир («Фатовои Оламғирия»).

Аммо отаси уйни ўғлига ҳадя қилган бўлса, шунда ўғил уйни хотинига маҳр сифатида бериши мумкин. Уй келинга маҳр бўлиб ўтгандан кейин бутунлай унинг ҳақиқага айланади. Валлоҳу аълам.

4


– Ранги ўзгарган ариқ суви нажосат ҳисобланадими?

– Сувда учта сифат бўлади: ранг, ҳид ва таъм. Агар оқар сувга нажосат тушиб, мазкур уч сифатнинг бирини ўзгартирса, сув нажосатга айланади. Агар пок нарса тушиши туфайли ўзгарса, нажосат бўлмайди. Масалан, барг, тупроқ, лой каби нарсаларнинг тушиши билан ўзгарса, бундай сувни нажосат бўлди дейилмайди. Бу ҳақида фикҳий манбаларда батафсил жавоб берилган. Жумладан, «Мухтасарул-виқоя» китобида бундай дейилган:

«Агар сувга нажосат тушса ва бу сув оқар сув ёки ўн газга ўн газ ҳажмдаги ҳовуз бўлиб, ҳовучлаб сув олиш туфайли остидаги ер очилиб қолмаса, сув нажосат бўлмайди. Аммо нажосат сувнинг таъми, ранги ёки ҳидини ўзгартириб юборса, сув нажосатга айланади. Агар нажосат тушган сув оқар сув ёки ўн газга ўн газли ҳовуз бўлмаса ва унга нажосат тушса, сувнинг сифатларида ўзгариш бўлмаса ҳам сув нажосатга айланади». Валлоҳу аълам.

“

Нажосат сувнинг таъми, ранги ёки ҳидини ўзгартириб юборса, сув нажосатга айланади.



5

– Бир маърузада «Ярмингиз сояда, ярмингиз қуёшда бўлган ҳолда ўтирманглар» деган мазмунда ҳадис эшитиб қолдим. Шундай ҳадис борми?

– Ҳа, шундай маънода ҳадислар бор. Улардан бирини Имом Абу Довуд раҳимахуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган: «Абулқосим соллаллоху алайҳи ва саллам “Бирор киши сояда ўтирган бўлса, соя қисқариб, унинг ярми офтобда, ярми сояда бўлиб қолса, ўрнидан турсин” деди» (Имом Абу Довуд ривояти).

Мазкур ҳадисни Мулла Али Қори раҳимахуллоҳ «Мирқотул-масобих» китобида қуйидагича шарҳлаган: «Ўрнидан турсин, яъни танасининг ҳамма жойи қуёшда ёки сояда бўладиган бошқа жойга ўтиб олсин. Чунки инсон соя ва қуёшли жойда ўтирса, бири иккинчисига зид бўлган икки нарсанинг таъсиридан баданнинг аҳволи ўзгариб, мижози бузилади. Бу гапни кўплаб шориҳлар ҳам айтган».

Бу ҳадиси шарифда мазкур ҳолатда ўтиришнинг тиббий жиҳатдан зарари борлиги учун қайтарилган. Яъни, ярми соя ва қолган ярми қуёшда бўлган одам қаттиқ гуноҳкор бўлмаса-да, тиббий жиҳатдан мижози бузилиб, танасига зарар етади.

«Мавсуъатул-фикҳия» китобида бундай ҳолда ўтириш юқоридаги каби ҳадисларда келган қайтариқ борлиги учун макруҳ бўлади дейилган: «Қуёш ва соя орасида ўтириш макруҳдир». Валлоху аълам.

“
Яъни, ярми соя
ва қолган ярми
қуёшда бўлган
одам қаттиқ
гуноҳкор бўлма-
са-да, тиббий
жиҳатдан мижози
бузилиб, танасига
зарар етади.



6

– Қизимга Ноила деб исм қўйганмиз. Бир танишим «бундай исм динимизда ножоиз исмлардан, чунки бу аввалги замонларда бир бутнинг номи бўлган» деди. Мен қизимнинг исмини ўзгартиришим керакми?

– Қиз фарзандга Ноила деб исм қўйиш жоиз ва бу исмни ўзгартиришга зарурат йўқ. Ноила араб тилида «туҳфа», «совға» каби маъноларни англатади. Уни «Аллоҳнинг туҳфаси» деб талқин қилиш ҳам мумкин.

Тўғри, жоҳилият даврида Маккадаги Сафо ва Марва тоғи оралиғида мушрикларнинг Ноила деб номланган санами бўлган. Лекин бу Ноила исмининг ножоиз эканига далолат қилмайди. Чунки бугунги кунда ҳеч бир мусулмон киши ўзининг қизига Ноила деб ўша бутни улуғлаш мақсадида исм қўймайди.

Қолаверса, бу исм Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврида саҳобалар орасида маълум ва машҳур бўлган. Жумладан:

1. Ноила бинти Фарофиса. Машҳур саҳоба ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг хотини.

2. Ноила бинти Робиъ ибн Қайс ибн Омир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломга байъат қилган саҳобия аёллардан.

3. Ноила бинти Саъд ибн Молик ал-Ансория.

4. Ноила бинти Салома Ансория. Ибн Саъд ўзининг «Табақотул-кубро» китоби-

“

Пайғамбаримиз алайҳиссалом одатда номақбул ва шариатга зид исмларни ўзгартирар эди. Масалан, Осия (гуноҳкор) исмини Жамила (чиройли, гўзал), Ҳарб (уруш) исмини Силм (тинчлик) деб ўзгартирган.

да унинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга байъат қилган саҳобия аёллардан эканини зикр қилган.

5. Ноила бинти Убайд ибн ал-Хур ал-Ансория («Ал-Исоба фи тамйизис саҳоба» китоби).

Шунингдек, саҳобалардан Абу Ноила – Ноиланинг отаси дея куня билан танилган саҳобалар ҳам бўлган. Масалан, Бадр ғазотида қатнашган саҳобалардан – Силкон ибн Салома ал-Ашҳалийнинг ҳам куняси Абу Ноила эди (Абу Нуаймнинг «Маърифатус-саҳоба» китоби).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом одатда номақбул ва шариатга зид исмларни ўзгартирар эди. Масалан, Осия (гуноҳкор) исмини Жамила (чиройли, гўзал), Ҳарб (уруш) исмини Силм (тинчлик) деб ўзгартирган. Лекин мазкур Ноила исмли саҳобияларнинг исмларини ўзгартирганга маълум эмас.


Шундан келиб чиқиб, қизингизнинг исмини ўзгартиришга ҳожат йўқ. Валлоҳу аълам.

– Турли мессенжерлар орқали ёзилган саломларга оғзаки алик олиб қўйса кифоями ёки ёзма жавоб юбориш керакми?

– Турли мессенжерлар («Телеграм», «Ватсап» ва бошқалар) ҳамда электрон почта ёки SMS хизматлари орқали ёзилган саломларга оғзаки алик олиш вожиб бўлади. Ёзма алик олиб, жавоб қайтариш мустаҳаб саналади. Бу борада Аллома ибн Обидийн раҳимахуллох шундай деган: «Мактуб орқали келган саломга алик олиш вожиб бўлади. Чунки ғойиб кишидан келган мактуб гўёки ёнида турган кишининг оғзаки хитоби кабидир (*«Мужтабо» китоби*). Одамлар эса бунга бепарводирлар. Шунга кўра айтаманки, мактуб орқали келган саломга оғзаки алик олиш вожиб бўлади, ёзма жавоб қайтариш эмас» (*«Раддул-мухтор» китоби*).

Шунингдек, «Кувайт фикҳ энциклопедияси»да ушбу масала тафсилот билан зикр қилинган:

«Шунингдек, бир кишига ғойиб – бошқа жойдаги одамдан мактубга ёзилган салом етиб келса, унга ўқиган заҳоти дарҳол сўз



орқали алик олиш вожиб бўлади. Зеро, “Икки саҳиҳ тўплам”да ворид бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо “Менга Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Жаброил фаришта сенга салом айтмоқда” деди. Мен айтдим: “У зотга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*). Ушбу ҳолатда саломни етказувчига ҳам “Сизга ва унга ҳам салом бўлсин” каби иборалар билан алик олиш мустаҳаб саналади».

Бугунги кунда мессенжерлар орқали ёзилган саломларнинг мактубда ёзилган салом билан ҳукми бир хил. Шунга кўра ғойиб одамдан келган салом хоҳ ёзма бўлсин, хоҳ бирор элчи орқали бўлсин, уни қабул қилган кимса дарҳол оғзаки алик олиши вожиб бўлади ва шунинг ўзи кифоя қилади. Лекин ёзма алик олиб, жавоб қайтарса, янада зиёда ажру савобга эга бўлади. Валлоҳу аълам.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.



Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙ



ИСЛОМИЙ
ЭЪТИКОД
УСТОЗИ

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар му-
раббийси, Бобур номи-
даги халқаро мукофот
соҳиби

Яшаб
ўтган
йиллари

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Аллоҳ таолога чексиз ҳамду сано бўлсин. Севиқли пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафога (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўнгсиз салоту салом бўлсин.

Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ оламининг равнақига улкан ҳисса қўшган улуғ аллома Абу Мансур Мотуридий ҳижрий 256, милодий 870 йилда Самарқанд вилоятининг Регистонга туташ Мотурид маҳалласида таваллуд топди.

Вафоти – ҳижрий 333, милодий 944 йил. Қабри Самарқанд шаҳридаги машҳур Чокардиза қабристонидадир. У зотнинг шаънига муносиб мақбара барпо қилинган.

1999 йилда юртимизда Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди, бу тадбир халқимиз ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди, хусусан, Имом Мотуридий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид асарларни чоп этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Исм-насаби ва унвонларининг шарҳи

Тўлиқ номи: Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий. «Имом ал-худо» («Тўғри йўл имоми»), «Аълам ал-худо» («Тўғри йўл билимдони») «Имом ал-мутакаллимийн» («Мутакаллимлар имоми») каби шарафли номлар билан улуғланган.

Имом – бир қавм, бир миллатнинг олдингиси, илғори, пешқадами, муайян илм-маърифат соҳасидаги улуғи, йўлбошчиси демакдир. Жомеъ масжидлардаги жамоатга намозларни ўқиб берадиган мухтарам олим-қори киши ҳам имом дейилади, лекин у масжид жамоатининг имомидир.

«Имом» унвони бу ўринда Мотуридий ҳазратларининг исломий эътиқод мазҳабининг йўлбошчиси, асосчиси, улуғи эканига далолат қилади. Масалан, ҳадис илмида Имом Бухорий, Имом Термизий, фикҳда Имом Марғиноний, тафсирда Имом Насафий улуғ йўлбошчи бўлганидек, эътиқод илмида Имом Мотуридий раҳнамодир.

Абу Мансур у зотнинг куняси бўлиб, Мансурнинг отаси деганидир. Муҳаммад – исми, Ибн Маҳмуд – Маҳмуднинг ўғли дегани. Бу исмлар Имом ҳазратларининг насаби равшан, шунингдек, оилали, фарзандли зот бўлиб, бош фарзандининг исми Мансур эканини билдиради.

Ал-Ҳанафий – бу унвон у зотнинг Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабига мансуб эканига ишорадир. Жаҳон мусулмонлари-

нинг эътиқод имоми бўлган бир зот фикҳ соҳасида Имоми Аъзам мазҳабига мансуб бўлиши кўпчиликни қизиқтиради, албатта.

Билмоғимиз зарурки, ер юзи мусулмонлари эътиқод борасида икки имомга эргашган: 1. Самарқандлик Имом Абу Мансур Мотуридий. 2. Басралик Имом Абулҳасан Ашъарий (бу икки зот ҳамда мисрлик Имом Таҳовий замондош бўлган). Бу икки имом таълимотида асосий эътиқодий масалаларда ихтилоф йўқ. Тафсилотга оид баъзи масалаларда ва ифодаларда айрим фарқлар бор.

Амал, яъни ибодат турларини бажаришдаги фикҳий масалаларда дунё мусулмонлари тўрт имомга эргашилар: 1. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа. 2. Имом Муҳаммад Шофий. 3. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал. 4. Имом Молик ибн Анас (Аллоҳ таоло ҳаммаларини раҳмат айласин). Бу азиз зотларнинг йўллари Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабини ташкил этувчи фикҳ мактабларидир.

Имоми Аъзам фикҳи энг пишиқ, мазҳаби муқаддам ва афзалдир. У зот эътиқодни «ал-фикҳул-акбар», яъни «улуғ фикҳ» деб атаб, «Ал-Фикҳул-акбар» номли китоб ёзиб, эътиқод асосларини баён қилган. Шунинг учун Мотуридийдек зот ҳам бу мазҳабга эргаши ва «ал-Ҳанафий» деб номланди.

Аълам ал-худо – тўғри йўл билимдони, ҳидоят йўлининг донишманди. Бу ном Имом Мотуридийнинг эътиқод таълимидаги мавқе ва мартабаси юксаклигини билдиради.

Ал-Мутакаллим – лугатда: сўзловчи, гапирувчи, баён қилувчи, нутқ айтувчи – нотиқ дегани. Истилоҳда эса исломий эътиқодни нафақат нақлий далиллар билан, балки ақлий далиллар ҳам қўшиб исбот қилувчи, ақида борасидаги шубҳаларни ўртадан бартараф қилувчи аллома дегани (ал-Мутакаллим Аллоҳ таолонинг исми сифатида қўлланганида алоҳида, хос илоҳий маъно касб этади. Аммо бундай ўринларда эса олим зотларнинг унвони бўлиб қўлланади). Айни пайтда Мотуридий ҳазратларининг калом илми, яъни исломий эътиқод илми имоми, асосчиси эканига ҳам бу ном далолат қилади. Илми калом – эътиқод илми деган маънони касб этган.

Ал-Мотуридий ас-Самарқандий – имомнинг ватанига ишора. Мотурид Самарқанд шаҳрига қарашли қасаба. Дунёдаги, айниқса мусулмон оламидаги кўп улуғ зотларнинг номи туғилган ёки фаолият кўрсатган ватанлари номидан олинган: Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насафий, Абу Лайс Самарқандий, Фарғоний, Хоразмий сингари...

Мусулмон оламини парокан- даликдан сақлаб қолиши

Имом Мотуридий яшаган давр (IX аср) эътиқод масалаларида бир-бирига қарама-қарши турли қарашлар авж олган палла эди. Бир томондан қадарийлар, жаҳмийлар, муътазилийлар каби тўғри йўлдан тойган оқимлар ноҳақ тортишувларни кучайтирса, иккинчи томондан дин ғанимлари исломни ичдан емиришга уринар эди. 816 – 832-йилларда

аҳли суннатдан ажралиб чиққан эгри эътиқодли тоифа – муътазилийлар ҳукмрон табақага айланди. Улар энди аҳли суннат валжамоат олимларига қарши кураш очдилар. Лекин IX аср охирига келиб муътазилийлар ҳукмронлиги барҳам топди. Ана шундай можаролар даврида Имом Мотуридий мусулмонларни тарқоқликка олиб келаётган оқимларга қарши улуғ илм-маърифат ва далил-ҳужжат билан курашиб, мусулмон оламини парокандалик ва эътиқодий бузилишдан сақлаб қолди. Ана шу сабабдан «Мусахҳиҳу ақидатил-муслимийн» – «Мусулмонлар эътиқодини тузатувчи» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Эътиқод нима? Илми калом нима учун зарур?

Илми калом нима? «Калом» сўзи лугатда сўз, лафз, гап, нутқ, баён, тил, лаҳжа деган маъноларни билдиради. Аммо исломий илмда илоҳий сўз, илоҳий калом деган маънода ҳам қўлланади. Масалан, Қуръони карим «Каломуллоҳ» дейилади. Бу Аллоҳнинг каломи – Аллоҳнинг сўзи деганидир.

Истилоҳ сифатида эса «калом» сўзи нақлий далиллар билан бирга ақлий далилларни ҳам қўшиб, мусаффо исломий

эътиқодни исбот қилиш, ўртадан шубҳаларни даф этиш деган маънода қўлланади. Шунга кўра «илми калом» эътиқод илми деганидир.

Эътиқод истилоҳ сифатида ислом динидаги ишонилиши шарт бўлган заруриятдир. Барча илоҳий динларнинг тамалини, асосини эътиқод ташкил этган. Аммо Аллоҳга бўлаган эътиқоднинг тўғри бўлиши шартдир. Мирзо Бедил ёзади:

*Гар қийшиқ қўйилса бошдан пойдевор,
Осмонга етса ҳам қийшиқдир девор...*

Яна Сўфи Оллоёр ҳазратлари эътиқод илмининг зарурлигини бундай ифодалаган:

*Ақида билмаган шайтона элдур,
Агар минг йил амал деб қилса, елдур!*

Яъни, инсон тўғри ишонч-эътиқодда бўлмаса, минг йил ибодат қилса ҳам фойдаси йўқ – елга кетади! Чунки ибодатларда хато қилса, тузатиш, қайта адо этиш имконияти бор, аммо эътиқод бузуқ бўлса, кечирилмайди. Диндаги айрим ҳукмлар ўзгариши мумкин. Лекин соф исломий эътиқод ўзгармайди ва мансух бўлмайди. Одам алайҳиссаломдан буён келган динларда Аллоҳнинг бирлиги, пайғамбарлар юборилиши, фаришталар, жаннат ва дўзах сингари эътиқодга тааллуқли қарашлар ўзгармай келган. Мотуридия эътиқоди ҳақидаги мўътабар манба бўлмиш «Жомиъул-мутун» китобида Имом Насафийнинг «Баҳрул-калом» асаридан маърифат, иймон, ислом ва дин истилоҳларига доир ушбу иқтибослар келтирилади:

«1. Маърифат, Аллоҳ таолонинг зотида ва сифатларида бир эканлигини билмоқ, мислсиз ва шериксиз эканлигига ишонмоқдир.

2. Иймон, Аллоҳнинг бирлигини ва ҳазрат Муҳаммад(с.а.в.)нинг пайғамбарлигини тил билан иқрор қилиб, қалб билан тасдиқ этмоқдир.

3. Ислом эса Аллоҳнинг ваҳдониятига (якка-ю ягоналигига) иймон келтириш билан бирга, ибодат вазифаларини адо этмоқдир.

4. Дин эса шу хислатлар устида то ўлгунча сабот кўрсатмоқдир» («Жомиъул-мутун», 40-саҳифа).

Иймонда шубҳа бўлиши жоиз эмас

Имом Мотуридий билан Имом Ашъарий таълимотида баъзи ифода-ларда жузъий фарқлар бор дедик. Ана шу фарқлардан иймон қатъияти ва инсон эрку ихтиёрига доир икки нуқтани баён қиламиз.

Имом Ашъарий қавлида «Иншооллоҳ, мен мўминман» деган ифода жоиз саналади. «Иншооллоҳ» – худо хоҳласа дегани бўлиб, ҳали амалга ошмаган хайрли ишни билдиради. Бу сўз илмда истисно дейилади. Имом Ашъарий бу ифодани жоиз санаганининг боиси шуки, албатта, яратган зот бандаларининг иймонга келишини, мўмин бўлишини хоҳлайди.

Мотуридия эътиқод илмида эса истисно (иймон борасида бир нарсани мустасно қилиб гапириш) жоиз эмас. Имом Мотуридий айтади: «Иймон, Аллоҳ ва унинг расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етказган нарсалардан зарурий тарзда билиш керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қалб билан тасдиқ этиб, тил билан иқрор қилмоқдир. Амал иймондан бир жуз (қисм) эмас. Бу иқрор ва

тасдиқдан кейин ҳар бир инсон «мен мўминман» дея олади.

Аммо «иншооллоҳ, мен муслмонман» деб бўлмайди. Барча мўминлар иймонда (ишонишда) ва тавҳидда (Аллоҳни ягона деб билишда) баробардир. Фақат амали жиҳатидан фарқлидирлар» («Жомиъул-мутун»).

Аждодлари Бухорои шарифдан бўлган атоқли аллома, хожагон-нақшбандия шайхи Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий «Жомиъул-мутун» китобининг «Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги кенг изоҳоти» бўлимида бу матнни шарҳлаб айтади:

«Иймонда истисно бўлмайди. Бир киши «Аллоҳ хоҳласа, мен мўминман» деса, иймони саҳиҳ эмас. Чунки бу бир шубҳадир. Иймонда эса шубҳа жоиз эмас. Бу хусус билан боғлиқ ояти жалила ушбур – Ҳужурот сураси 15-ояти (маъноси):

«Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳга ва Расулига иймон келтириб, кейин (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган кишилардир. Ана ўшалар (ўз иймонида) содиқ бўлган зотлардир».



Инсоннинг жузъий ихтиёри

Мотуридия эътиқодига доир «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» китобининг муаллифи Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий ҳазратлари ёзади: «Феълларнинг бандалардан содир бўлиши Ҳақ таолонинг иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири билан бўлади... Бандаларнинг ишларида ўз ихтиёрлари ҳам бор. Уларга савоб ва иқоб (жазо) бўлгайдир».

Бу Аллоҳнинг тақдири, хоҳиш-иродасига доир нуқта бўлиб, бу хусусни ҳазрати Алишер Навоий бундай ифодалаган:

*Ҳеч иш ўлмас айру Холиқ амридин,
Илтижо махлуққа келтурма кўп!..*

«Махлуқ» – яратилган, халқ этилган нарсалар, жумладан, инсонлардир. Яна бир асарда Алишер Навоий ёзади:

*Ки, Ҳақ тақдириндур олам ичра
Ёмону яхшининг яхши ёмони!..*

Бу тақдирга – яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолодан эканига ишонмоқ ҳақидадир... Ана шу тақдирот масаласида ашъарийлар инсоннинг эрку ихтиёрига ҳеч қандай ўрин қолдирмайдилар.

Мотуридия эътиқодида эса иймон ва куфр, яхшилик ва ёмонлик йўлини танлашда банданинг «иродаи жузъия»си, яъни жузъий хоҳиш-ихтиёри борлиги уқтирилади. Бурсавий ҳазратлари бунга мисол келтириб, «Масалан, Зайднинг исломга киришида ва Амрнинг куфр келтиришида мажбуриятлари йўқ. Балки Зайд ўз ихтиёри билан исломни қабул қилди, Амр эса ўз ихтиёри билан куфрни танлади» дейди. Тақдир Аллоҳдан, «Банда ўз жузъий ихтиёри билан косибдир, бажарувчидир» дейилади.

Иродаи жузъиянинг шарҳи

Иродаи жузъия (инсоннинг жузъий ихтиёри) Ҳақ таолонинг чексиз хоҳиш-иродаси олида жузъийдир – кичик бир қисмдир. Лекин инсон учун бу буюк имконият ва чексиз саодат омилдир. Бу жузъий ихтиёр бир инсоннинг абадий ҳалокатдан қутулиб, абадий саодатга эришмоғига сабаб бўладиган ихтиёрдир. Чунки иймон ва куфр, ҳақ ва ботил, яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром, тўғрилиқ ва эгрилик – бу нарсаларни танлаш ихтиёри ҳақиқатан одамзод учун буюк ихтиёрдир.



Иродаи жузъиянинг далиллари

Мавлоно Жалолиддин Румий «Иродаи жузъиянинг, яъни жузъий ихтиёрнинг энг улуғ далили Қуръони каримдир» деган. Ҳақ таоло муқаддас Қуръони каримни нозил қилиб, бандаларига бир йўлни танлаш

ихтиёрини берди. Лекин иймон йўлини танлаган инсонлар учун охиратда улуғ неъматлар: Аллоҳнинг раҳмати, мағфирати, жаннати ва жамоли борлигидан хушхабар бериб, куфр йўлини танлаганларга чексиз азоблар борлигини эълон қилиб, уларни хабардор қилди ва огоҳлантирди. Чунончи, Ҳақ таоло айтади:

«Айтинг: «Ҳақ (бўлмиш бу Қуръон) Раббингиздандир. Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган киши куфр келтирсин (кофир бўлсин). Шубҳасиз, Биз (кофир бўлган бу) золимларга (алангали) чодирлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйдик» (Каҳф сурасининг 29-ояти).

Аллоҳ таоло иймон ва куфрни танлаш борасида инсонларга эрк ва ихтиёр бериб қўйганини бу ояти каримада равшан баён этган. Аммо куфрга унинг асло ризоси йўқдир.

Яна Бақара сураси 256-оятида ҳам банданинг ихтиёри маълум қилинган (маъноси):

«Дин(га киришда – иймон келтириш)да мажбурлаш йўқ. Тўғрилиқ билан эгрилик (иймон билан куфр, ҳақ билан ботил) очиқ-аён бўлди. Бас, кимки тоғутни (Аллоҳдан узоқлаштирувчи ва унинг амрларини бажаришдан ман этувчиларни) инкор қилса ва Аллоҳга иймон келтирса, бас, у ҳеч узилиши (мумкин) бўлмаган мустаҳкам ҳалқага ёпишгандир. Аллоҳ (ҳамма нарса-ни) ҳаққоний эшитгувчидир, билгувчидир».

Ислом дини иймон келтириш борасида мажбурлашни эмас, етказишни, даъватни ва иршодни асос қилиб олади, иймон келтириш-келтирмасликни ҳар кимнинг ўз хоҳиши-ирода ва виждонига ҳавола этади (Имом Абу Довуд).

Яна Инсон сураси 3-оятида айтилади (маъноси):

«Шубҳасиз, Биз унга (инсонга) тўғри йўлни кўрсатдик: хоҳ шукр қилгувчи (бўлиб, бандалик вазифаларини бажарар), хоҳ (куфр келтиргувчи) нонкўр-ношукр бўлур».

Имом Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг инсоннинг жузъий ихтиёри борлиги ҳақидаги ҳукмлари муқаддас ва муборак Қуръони каримнинг ана шундай улуғ оятларига асосланган.

Ана шу – инсоннинг эрки-ихтиёри масаласида Имом Ашъарийнинг кейинги тарафдорлари ҳам Имом Мотуридий фикрини қабул қилганлар ва эътиқодда мотуридий бўлиб кетганлар. Бу жиҳатдан Имом Мотуридий бутун дунёда эътиқод таълимининг устози ҳисобланади.

Имом Мотуридий- нинг шараф ва мавқелари

Абу Тоҳирхожа Самарқандий айтади: «(Ислом оламидаги) Ножия (нажот топувчи) фирқаким, уларни аҳли суннат вал-жамоат дерлар, эътиқод масалаларида икки қисмга бўлинадилар. Шайх Абулҳасан ал-Ашъарийга қарашлиларни *ашоъира* (ашъарийлар) ва ҳазрати Абу Мансур Мотуридийга қарашлиларни *мотуридия* (мотуридийлар) деб атайдилар.

Рум, Бухоро, Балх, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва Ҳиндистондек катта мусулмон ўлкаларининг барча халқи ва Туркистон ҳамда Кошғар каби мамлакатларда яшовчи эллар ҳаммаси (эътиқодда) мотуридия мазҳабидадирлар» («Самария»).

Демак, жаҳон мусулмонларининг кўпчилиги қисми ҳазрати Имом Мотуридий таълимотига эргашишдир.

Мотуридийнинг асарлари

Имом Мотуридий асарлари тавҳид ва эътиқод мавзусини қамраган ҳолда асосан ўз давридаги муътазила фирқасига, шунингдек, қарматийлар ва рофизийлар каби тўғри йўлдан оған фирқаларга раддия сифатида ёзилган. У зотнинг асарлари қуйидагилар:

«Китобат-тавҳид» («Тавҳид китоби», яъни Аллоҳ таолонинг якка-ю ягоналиги ҳақидаги китоб. Ҳозир мавжуд).

«Китобал-мақолот» (мақолалар, яъни эътиқод борасидаги нутқлар, сўзлар, мақолалар, баёнлар китоби).

«Китоб радди авоил ал-адилла лил-Каъбий» (Каъбийнинг аввалги китобларига раддия китоби).

«Китоб баён ваҳм ал-Муътазила» (Муътазила фирқаси хатоларини фош қилувчи китоб).

«Китоб таъвилот ал-Қуръон» (Қуръони карим оятларини таъвил қилувчи – муайян маъноларини очиб берувчи китоб). Ҳозир мавжуд бўлган асарлари орасида энг биринчи бўлиб шу китоб – «Китоб таъвилот ал-Қуръон» туради. Истанбул кутубхоналарида бир қанча нусхалари бор.

Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг машҳур «Ал-Фикҳул-акбар» китобининг Имом Мотуридийга нисбат берилган бир шарҳи ҳозир мавжуд (Ҳайдаробод, 1321).

Бундан ташқари яна кўп асарлар битганлари баъзи манбаларда зикр қилинган. Масалан, Абулмоъин Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг «Табширот ал-адилла» асарида бир муносабат билан Мотуридийнинг қуйидаги асарлари зикр қилинган:

«Радд таҳзиб ал-жадал лил-Каъбий».

«Радд китоб ал-Каъбий фий вайд ал-фуссоқ».

«Радд ал-усулал-хамса ли-Абу Умар ал-Бохилий».

«Радд китоб ал-имомат ли-баъзи ал-усул равофиз».

«Ар-радд ъалал-Қаромита». 1-китоб, асослар баён этилган.

«Ар-радд ъалал-Қаромита». 2-китоб, унда фуруъ – асл-асослари рад этилган.

«Маъхаз аш-шаройи».

«Ал-жадал» (бу фикҳ усулига доир китоб).

Булардан ташқари «Рисола фил-ақоид» китоби ҳам у зотга нисбат берилган.

Бу асарларнинг ҳаммасида Имом Мотуридий исломий эътиқод масалаларини қамраган.

Дарду ҳасрат изҳор этиладиган зиёратгоҳ

«Шайх Абу Мансур Мотуридий мазори Чокарди-зададир. Ушбу қабристон (Чокардиза) шаҳар ичида, кунчиқар томонда шаҳарнинг бир чеккасидадир. У ер тубда имоми зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Саммоси Мутаваъийнинг боғи экан ва ўзи ҳам ўша ерда кўмилган экан. Шу қабристоннинг ўртасида бир масжид бор. Шайх Абу Мансурнинг мазори шу масжиднинг жануб томонида ва яқинидадир. Қабр узоридаги кўк тусдаги соғона тоши масжид деворидан беш газ чамаси олисроқдадир» («Самария»).

«Бу масжид (Самарқанд) шаҳар(и) ичида, шаҳар дарвозаси ва шаҳар кўрғонининг яқинида – кунчиқар томонда, Чокардиза қабристонининг ўртасида, Шайхнинг (Мотуридийнинг) қабри устидадир».

Абу Тоҳирхожа Самарқандий яна айтади: «Эски одатимни қилиб, бир куни ўша мақбара зиёратига бордим. У ерда бир кишининг боши кўринди, қарасам, бир кўр киши экан. Унга салом бердим. У менга «Ажабо, бу ер ҳасратхонага ўхшайди, унинг ҳар тарафидан ҳасрат маъниси кишининг хотирига келади. Бу аҳвол ўзга мазорларда йўқдир» деди. Менинг хотирамга ҳеч қандай жавоб келмади. У киши ҳам бошқа бир нима демади» («Самария»).

Бу ерда келтирилган ҳасратхонанинг маъноси шуки, ҳазрати Абу Мансур Мотуридий қабри зиёратида дуо ижобат бўлади, одамлар Яратган зотга ўз дарду ҳасратларини айтиб, дуо қиладилар ва ижобатни топадилар. Бу ҳолни Абу Тоҳирхожа қуйидагича тушунтирган: «Эски замонларда бу шаҳарга вабо ёки бирор бошқа бало келса, зоҳид, обид ва олимлар шу масжидга йиғилишиб, дуо қилар эканлар. Шунинг билан тикилган бало кўтарилар экан. Бу даргоҳ дуо қабул бўлиб, уламонинг кўнглини очадиган бир ўриндир» («Самария»).

Ҳазрат Алишер Навоий дуо ижобат бўладиган бундай табаррук зиёратгоҳларни «Қиблаи дуо» деб тавсиф этган.


Хулоса

Ҳазрати Абу Мансур Мотуридий илм ва маърифатда замон раҳнамоси, эътиқод борасида дунёнинг имоми, Қуръони карим муфасссири, беназир аллома, шайх, соҳибкаромат валий зот бўлган. У киши нақлий далилларни – Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилинган ҳақиқатларни ақлий далиллар билан қувватлаган, инсон ақлининг юксак чўққиларини кашф этган, нақлий далилга таянган ақлий далилни камол нуқтасига кўтарган ориф зотдир. У зот ҳақидаги ҳар бир асаримиз, ҳар бир сўзимиз ўзининг шаън ва шарафига муносиб бўлмоғи лозим.

Имом Мотуридий ҳазратларининг маънавий меросини халқимизга қайтариш, китобларини таржима қилиб нашр этиш, у зотнинг илмларидан, маноқибларидан инсонларни баҳраманд этиш Ўзбекистон олимларининг шарафли вазифаларидандир.

ХУЖАКУРСИНМИ,

Хайнрих Хайне



Бир маҳаллар Хайнрих Хайне айтган эди: «Бемъаза одамлар ҳамма замонларда ҳам ўз қабих ишларини эътиқод, одоб-ахлоқ ва ватанпарварлик гоёлари билан ниқоблашга уринган». Марк Аврелийдан эса бундай гап қолган: «Жангчи ўз жасорати, дониш ўз донишлиги ҳақида гапирмайди. Одамнинг қанчалар фазилатли эканини унинг ҳаёт мезонига айланган одатий савъ-ҳаракатлари белгилайди. У бирор катта ишни бажаргудек бўлса, бу ҳақда ўзининг нақадар буюк инсон эканини кўрсатиш учун жар солмаслиги керак. Яъни, ўзи табиатан тўғри бўлиши, тўғрилинишга муҳтож бўлмаслиги лозим. Аниқроғи, фалондек кўриниш эмас, ўшандек бўлиш керак, холос». Лотинча «Esse quam videri» нақлининг маъноси ҳам шу.

Марк Аврелий



Деҳқон биров мақтаса-мақтамаса даласида эрта-ю кеч ўз ишини қилаверади. Жарроҳ ҳар сменасида бир неча соат тикка туриб, беморнинг ҳаётини сақлаб қолади, бунинг учун ойлик олади, мукофотни ўйламайди. Юрт сарҳадини бузиб, хуфиёна кириб келмоқчи бўлган наркосавдогарни тўхтатиб қолган чегарачи ўзини кўкка кўтаришларини ҳаёлига ҳам келтирмайди, казармасига бориб одатдагидан мамнунроқ ҳолда дам олади-да, вақти келганда яна назорат нуқтасига кетади. Хуллас, ҳамма ўз ишини қилади ва бунинг учун тегишли ҳаққини олади, ортиқча нимадир талаб қилмайди. Булар – Марк Аврелий таъриф берган одамлар.



Норман Борлоугни бугун ҳеч ким эсламаса керак. Кўпчилик танимайди ҳам. Ваҳоланки, у миллиардлаб инсонларни очликдан қутқариб қолган. Йўқ, у сиёсатчи, ҳарбий қўмондон ё миллиардер бўлмаган. Қилган иши шуки, буғдойнинг касалликларга бардошли ва яхши ҳосил берадиган навларини кашф этган. Унинг кашфиёти ўз даврида кўплаб мамлакатларда «яшил инқилоб» ясаган. Айниқса, бир вақтлар озиқ-овқат муаммоси анча кескинлашган Ҳиндистон ва Мексикада. Тўғри, 1970 йили унга Нобел мукофоти берилган, лекин кенг афкор омма барибир уни танимайди. Чунки олим шуҳрат кетидан қувмаган, башарият фаровонлиги учун бир чеккадаги лабораториясида жимгина ишлаб, синов далаларида буғдой навларини яратган, холос. Унинг номини ҳар эҳтимолга қарши эслаб қолинг. Норман Борлоуг – ёш авлодга, у ёғини сўрасангиз, катталарга ҳам ибрат сифатида келтириш учун энг арзигулик шахслардан.




Жонас Солк

Жонас Солк 1955 йили ўз вакцинасини патентлашдан бош тортди. Шу билан у етти миллиард АҚШ долларига тенг маблағдан воз кечди. Нима учун? Бутун дунёдаги полиомиелит билан оғриган болалар бу вакцинага имкон қадар осон етишсин учун. Унинг кашфиёти туфайли жаҳонда бу касаллик 96 фоиз қисқарди. Бу исмни ҳам эслаб қолиш керак. Тўғри, унга Нобел мукофоти берилмаган, лекин шундай бўлса ҳам Жонас Солкнинг инсоният олдидаги хизмати Норман Борлоугникидан кўп бўлса кўпдир, сираям кам эмас. Фарзанди сал иситма қилса, фиғони кўкка етадиган ота-оналар Жонас Солкнинг ихтиросидан олдин полиомиелит туфайли ўз жигаргўшасини тупроққа қўйган миллионлаб одамларнинг ичидан нималар кечганини тасаввур қилиб кўрсин-а!



Игнац Земмелвайс



Игнац Земмелвайс шифокорлар қўлларини ювса, туғруқхоналардаги аёллар орасида ўлим кескин камайишини аниқлаган ва бу ҳақда роса жар солганда, ҳамкасблари уни изза қилганди. У бечора ҳокимият одамларига аламли мактублар ёзиб, ислоҳот талаб қилган ва охири... ишдан бўшатишган, кейин эси ҳам оғиб қолган. Клиникада қони захарланиб (ҳамширалар қўлини ювмаган бўлса керак!) вафот этган. Бугун уни «оналар халоскори» деб аташади.

“

**Януш бобо бундай хотира билан
яшагандан ўлимни афзал кўради
ва болалар билан гулханга кетади.
Айтишларича, ўшанда у иккита
гўдакни қўлига кўтариб олиб, қулоғига
эртак айтиб борган экан.**

Януш Корчак




Полшалик Януш Корчак ажойиб педагог, истеъдодли адиб, яхши шифокор ва таниқли жамоат арбоби эди. Немис фашистлари Варшавани эгаллаганда, у «Етимлар уйи»даги болалар билан бирга геттога бориб жойлашади. Болаларни оташхонага киритиш тўғрисида буйруқ келганда, босқинчилар уни қўйиб юбормоқчи бўлади. Лекин Януш бобо бундай хотира билан яшагандан ўлимни афзал кўради ва болалар билан гулханга кетади. Айтишларича, ўшанда у иккита гўдакни қўлига кўтариб олиб, қулоғига эртак айтиб борган экан, бундан бошқалар ҳам анча овунган бўлиши керак. Гўдакларни сўнгги тасаллидан айиргиси келмаган Януш Корчакнинг ҳаёти шундай якун топган.



“Януш Корчак ва болалар” ёдгорлиги.
Қуддус шаҳри, Яд Вашем хотира мажмуаси.

1990 йилда
полшалик
режиссёр Анджей
Вайда суратга
олган “Корчак”
филмидан лавҳа.





Ўз адибимиз
Машраб Бобоевдан
«сизнингча, бугунги
кун қаҳрамони ким?»
деб сўрашганда, «бирор
нарса илинж қилмасдан
талабага тўғри баҳо
қўйган домла, ка-
сални унинг чўн-
тагига қарамасдан

даволаган шифокор, по-
ра олмай туриб адолатни
қарор топтирган проку-
рор...» деб санаб кетганди.
Бу гап ҳам қадимги дунё-
нинг кучли императорла-
ридан бири айтган сўзларни
эслатади.

Шундайликка шундайку-я, лекин
кейинги пайтлар ҳаётимизда фақат
Марк Аврелийнинг фикрини эмас, бал-
ки Ҳайнрих Ҳайне айтган гапнинг ҳам
тасдиғини кўп кузатмоқдамиз. Юқори
технологиялар ривожланиб, ахборот
алмашиш ва тарқатиш имконияти кен-
гайганининг хайрли жиҳатлари кўп. Шу
билан бирга, бу тараққиёт риёкорлик,
юзаки бахтиёрлик, хўжақўрсинга ҳаракат
қилиш, сохта уддабуронлик каби иллат-
лар авж олишига ҳам хизмат қиляпти.

Риёни нимада кўрамиз? Бир-икки
халта озиқ-овқат олиб, ночор қолган
оилага олиб бориш ва буни ижтимоий
тармоқларда кўз-кўз қилиш мисоли етар-
лидир-а?! Ҳа, шундай «валломатлар» кў-
пайди. Аслида, хомчўт қилсангиз, халта-
ни тўлдиришга кетган харажат «саховат»
тўғрисидаги видеолавҳани тарқатишга
сарфланган пулнинг олдида ҳеч нарса
бўлмай қолади.



Машраб Бобоев

Марк Аврелий



Ижтимоий тармоқлар
ва «сариқ матбуот»да ҳам
юзаки бахтиёрликка ми-
сол тиқилиб ётибди. «Юл-
дуз»лардан биттаси эрталаб
контраст душ қилиб, авока-
до ва смузи билан нонушта
қилиши, кейин продюсер
билан янги лойиҳаларни
муҳокама қилиши, ун-
дан сўнг промоутери
билан нималарнидир
гаплашишини ёзади.
Косметолог ва дерма-
толог хузурида нима-
лар бўлганини, сўнг эса
тушликка сёмга шўрваси ва
қовурилган ўрдак қанотини
ейиши, кейин сиеста
(қайлула) қилиши, уйқудан
тургач, фитнес хонасига
боришини сўзлаб беради.
Кечқурун дўсти билан учра-
шиши, яна кимлар билан-
дир дискотека, кинотеатр ё
яна бир жойларга бориши,
уйга қайтгач, нарзан суви
билан озгина суши «қабул
қилиши»ни баён қилади.
Куни ўта мазмунли ўтга-
нини ўйлаб, уйқуга кетга-
нини ҳам билмай қолган
бўлади. Интернет фойда-
ланувчиси буни «киборлар
ҳаёти» деб билади ва ҳавас
қилиб, шундай яшашга ин-
тилади. Эрталаб онаси (ё
хотини) қовуриб берган
тухумга қарагиси келмай
қолади. Тушликка кўнгли
беданадан қозонкабоб ту-
сайди. Кечқурун уйдаги
«қолоқларнинг овқати»ни
емаслик учун кўчадан нима
биландир қорнини тўйди-
риб келади.

Америкалик ковбой, қизиқчи, актёр ва журналист Уилл Рожерс бир аср олдин айтган гап бугунимизга жуда ҳам тўғри келади: «Кўплар ўзига ёқмаган одамларга ёқиш учун ўз машаққатли меҳнати билан топган пулини ўзига кераксиз нарсаларни сотиб олишга сарфлайди». Ҳа, кўпинча одамнинг хурмача қилиқлари ўзига билинмайди ёки у ўзини осонгина оқлаб олади. Буюклик сингари айб ҳам ташқаридан, кенгроқ қараганда билинади. Бежиз айтишмаганки, «айбли ишларимизни бошқалар содир этса қанча даҳшатли кўринади-я!».

Хўжакўрсин ишлар оми одамларда нотўғри тасаввур уйғотиши, шу қаторда уларнинг ахлоқи ва турмуш тарзига ёмон таъсир қилиши билан ҳам хавфли. Узоққа борманг, мана оддий машмаша – «Фалончи дугонам янги билагузук билан янги зирак олибди, яқинда бошқасиям олганди, менга ҳам олиб берасиз, уларнинг олдида боролмаяпман, уялиб кетаяпман!». Бошқачаси: «Фалончи дўстимнинг туғилган кунига отаси янги русумдаги фалон автомобилни совға қилибди, писмадончи жўрам газ-бензин емайдиган машинада юради, уларнинг олдида гап гапиролмай қолганман!».

Кўп идора ва ташкилотларга борсангиз, раҳбарнинг кабинети жойлашган қават анча озода, шинам ва ўзгача жиҳозланганини, бошқа қаватлар «эл қатори» эканини кўргансиз. Албатта, келган меҳмон бошлиқнинг қаватини кўриб кетади. Ҳавас қилади. Ичиқора бўлса, айбли жойларини топиб, сездирмай кулган бўлади, бошқаларга ҳам айтиб берар балки. Лекин шу идоранинг ходими мутлақо бошқа ҳаёлда юради: «бошлиқ – эгоист, ўта манман, димоғдор. Кабинети ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади. Ўзи тўнка бўлса ҳам!».



Уилл Рожерс



**Кўплар ўзига ёқмаган
одамларга ёқиш учун ўз
машаққатли меҳнати билан
топган пулини ўзига кераксиз
нарсаларни сотиб олишга
сарфлайди.**

Худо ишини ўнглаб, шу ходим кўтарилиб кетса, ўзи шундай қилмайди, қўлидагиларни ўйлайди дейсизми?! Эҳтимол. Лекин камдан-кам ҳолларда. Аксарият одамлар мартабаси кўтарилгандан кейин янаям ҳашамли манзарани истаб қолади. Аввалги бошлиқнинг «сассиқ» курсиси, «чириган» гилами, «исқирт» мебели ва бошқа нарсаларидан жирканади ва ҳаммасини янгилашга киришади.

Хўжакўрсин ишлар одамлар билан бошқарув органлари ўртасидаги му-

носабатларни йўқ жойдан бузишга хизмат қилади. Буни очиқ тан олиш керак. Мана, дейлик, «фалон мактабга душанба куни туман ҳокими келаркан» воқеаси. Дам олиш кунларидан воз кечишга мажбур бўлган директор ва ўқитувчилар, навбатдан ташқари ҳашарга чақирилган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари – ҳаммаси бурнини жийиради. Туман ҳокими ҳеч кимни безовта қилишни истамайди, улар ўзи ўзини сарсон қилади. Чунки аслида озодалик ва батартибликни юқоридан кимдир келишига боғлаб қўйган ҳоким эмас, уларнинг ўзи. Янада аянчли томони шуки, бу экстраординар ташвишлар поғонама-поғона ҳамма босқичда учрайди. Шу тариқа ҳамма бирининг кўзини шамғалат қилади.

Обрў-эътибор дарди ҳам бор. Ҳаммамиз яхши биламизки, ким қандай тўй-ҳашам қилмасин, одамлар узоғи билан уч кун гапиради. Чунки ҳаётда бошқа воқеа-ҳодисалар кўп. Ўн йиллар аввал россиялик бир миллиардер Сочи шаҳрида денгиз бўйига катта тўйхона қуриб, «миллионли» хонандаларни олиб келиб, мисли кўрилмаган даражада катта никоҳ базми уюштирди. Бунинг видеотасвири интернет орқали минглаб километр масофаларга тарқалди. Кимдир «барака топсин, отасига раҳмат!» дедими?! Йўқ. Видеони кўрган йигитлар хаёли бузилиб, «келин яхшигина экан» деди, қизлар ҳасадини ичига ютиб, «шунинг нимасига учибди экан куёвбола» деб ясама таҳайюр қилди. Шу билан вассалом.

Ўзимизда «зотдор» автомобилларни турнақатор қилиб, хонандаларни навбатда турғазиб қўйиб, дастурхони билан дунё кўрган энг нозик дидли хўрандани ҳам лол қолдириб базм ташкил қилаётганлар йўқ эмас. Келин-куёвнинг «муҳаббат тарихи»ни намойиш этиш, икки ёшнинг валс тушиши ва бошқа бемаъни қилғиликлар ўша оний лаҳзаларда кимларнидир романтик энтикишга со-

лиши мумкиндир. Лекин буларнинг ҳаммаси оний, холос. Моҳият эса шундан иборатки, уялмай-нетмай янги келинни кўпчиликка кўз-кўз қиламиз. Унга биров ҳавас билан қараса, биров ҳирс билан, яна биров ҳасад билан қарайди. «Менталитетимизга тўғри келмайди», «ҳаммамиз ҳам мусулмонмиз» деган гапларнинг таъсири қолмади ҳисоб. Шунинг учун бўлса керак, тўй қанча дабдабали бўлса, ўша никоҳнинг умри шунча қисқа бўлаяпти. Чунки дабдабадан кейин кундалик қувонч ва ташвишлар бошланади. Сурурли томонини ҳамма кўтаради, лекин оғир юкига ҳар ким ҳам дош беролмайди. Айниқса, умрида «йўқ», «мумкин эмас», «уят бўлади» деган сўзларни эшитиб ўрганмаган ёшларга қийин. Ҳаёт романтика эмас. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлади. Бу ҳаётда бойлар ҳам йиғлайди.



Бошлиқ – эгоист, ўта манман,

димоғдор. Кабинети ёзда

салқин, қишда иссиқ бўлади.

Ўзи тўнка бўлса ҳам!

Ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган чақалоқни туғруқхонадан уйга лимузинда олиб келганимиздан, боғчасида тарбиячисини, мактабида ўқитувчисини тобе қилиб қўйганимиздан, пул билан ўқитиб дипломли қилганимиздан, салоҳияти етмаса ҳам яхшигина ишга жойлаб қўйганимиздан, жонини оғритмасин деб уй-жойини тайёрлаб берганимиздан, кўнгли нима тусаса муҳайё қилаверганимиздан кейин бу бола ўз-ўзидан инфантилизмга дучор бўлмасинми?!

Компютер ва интернетнинг фойдалари катта, бениҳоя катта. Лекин зарари ҳам оз эмас. Баъзилар излаб-излаб, ўзига керак-

ли маълумотни топади. Бошқалар ниманидир қидирувга беради-да, топилган нарсани ўқиб ҳам кўрмасдан мақоласига, илмий ишига, маърузасига тиркаб юбораверади. Компютернинг «айби» шуки, ҳар нарсани сўрайверадиган бу матоҳ нусха кўчиришда «ишончингиз комилми?» деб ўтирмайди. Оқибатда кўчирмачилар матндан хатоси-ю мантиқсизлиги билан бус-бутун нусха олади. Шунинг учун, масалан, филологларнинг «диссертация»ларида ғализ жумлалар пайдо бўлади (*«Ўйлаймизки, фалон-фалон деб хулоса қилсак бўлади деб ҳисоблаймиз»*). Баъзи «тадқиқотчилар» шу қадар масъулиятсизки, ўзининг асл башарасини очиб бераётганини ҳам сезмайди (*«Италиянинг бу тажрибасини бизнинг Урал томонларда, Волгабўйи ва Карпатorti минтақаларида қўллаш мумкин»*). Бир сиёсатшунос ёзишга эриниб, илмий ишининг матнини котибасига айтиб тердирганми ё кўчирган жойида шундай бўлганми, хуллас, «тикланиш» сўзини «чекланиш» деб ёзворганига нима дейсиз! Ўзимиздаги бир партиянинг номини ёзаётганда шундай қилингани янаям ажабланарли. Тасаввур ақлни мазах қилади: бу сиёсатшунос енгил тамадди қилаётган ҳолида айтиб турган, оғзида овқати билан чирс-чирс қилиб, «тикланиш» деган бўлса, котибаси «чекланиш» деб эшитган-да.

Буларни одамлар олим деб ҳурмат қилади, давранинг тўридан жой беради, бунақалар ортидан талабалар домла-домла деб югуриб юради. Бу олимнинг асл мақсади замирида аввал PhD, кейин DSc гувоҳномасини олиш, шу орқали кўтарилиш, номуносиб тарзда устама олиш, асос-устунсиз обрў орттириш каби тубан шахсий манфаатлар ётишини, илм-фан ривожига ҳисса қўшиш, янгилик яратиш деган гаплар хаёлига ҳам келмаслигини улар қаердан билсин! Тажриба тариқасида биринчи учраган PhD соҳибидан илмий ишининг мавзуси, бобларининг номлари, фойдаланган адабиётлари ҳақида сўрасак,

жавоб бера оладимикан деган ўй кечади беихтиёр. Ҳақиқий тадқиқотчи ҳар бир сатрни ўйлаб, ҳар бир фикрни ақл тарозисида ўлчаб ёзади. «Бобни бундай номласам аниқроқ бўлади, сарлавҳа – материалнинг ярми» дейди масалан. Бу изланиш ва ижод изтироби бўлиб, хулоса ва қарорлари умрининг охиригача хотирида қолади. Лекин бо-ягидек йўл тутган бўлса, бошини қашиб, «шундай-шундай нарсалар-да, энди анча вақт ўтиб кетди, эсда қолармиди» дейди. Илм-фанимизни бундай удда-бурунлардан ҳимоя қилиш ҳам керак.



Бир сиёсатшунос ёзишга

эриниб, илмий ишининг матнини

котибасига айтиб тердирганми

ё кўчирган жойида шундай

бўлганми, хуллас, «тикланиш»

сўзини «чекланиш» деб


ёзворганига нима дейсиз!

Мен турли идораларда ишлаб, бу жараёнда шундай чалкаш ҳолатларга кўп дуч келганман, шунинг учун бор гапни айтаяпман, ишонаверинг. Кимдир бўҳтонга ўхшатиши мумкин, лекин билингки, бунақа бўҳтонни ўйлаб топишнинг сира иложи йўқ. Ҳар ҳолда камина шу фикрда. Ўзбекистонлик бўла туриб, «бизнинг Урал

томонлар» деганнинг, бошқа «тадқиқотчилар»нинг айби ўзига кўрсатилганда нима бўлганига қизиқаяпсиз-а! Ҳеч бири пинагини бузмаган (*«энди бир ўтиб кетибди-да, кимлардан ўтиб кетмайди-ей!»*). Донишлар ярим ҳазил қилиб, *«бетнинг қалинлиги ҳам ярим бахт»* дегани шу бўлса керак.

Сиз билган ҳар бир инсоннинг ботинида сиз билмаган яна бир инсон бўлади. Қаршингиздаги одам – рўпарадами, интернетдами, телевизордами, қай ҳолатда бўлса ҳам – ҳақида бирор фикрга бориш олдидан шунини ўйлаб кўриш керак экан. Домла ҳақиқатан олимми, ишбилармон ростдан ҳам бизнес одамими, раҳбар чиндан ҳам лаёқатли бошлиқми ва ҳоказо. Албатта, ёппасига ҳаммадан шубҳаланиш керак эмас. Бир-икки гапини тинглаб кўришга, феълига қарашга тўғри келади. *«Кўп ёлғон гапирма, ҳаммасини эслаб қололмайсан»* дейдилар. Ёлғончи унга уни, бунга буни гапириб, охири кимга нима деганини эслаёлмай, чалкашиб, ўзини фош қилиб қўяди.

Айрим уддабуронлар ўзини эмас, уларга ёрдам берганларни уялтириб қўяди. Уларнинг уддабуронлиги юкини бошқалар зиммасига ортишдан иборат бўлади – ундан угина, бундан бугина. Тўрига тушиб қолган одам чиқиб кетиши қийин бўлади. Ота-боболаримиз билиб айтган: *«Юз марта ёрдам бер – унутишади, бир марта ёрдам қилма – бир умр эслаб юришади»*. Мазахўрақлик – уддабуронлик эмас.



Маҳмуд Саъдий

Маънавий устозимиз Маҳмуд Саъдий баъзиларни тилга олганда, исми олдидан «рахматли» сўзини қўшиб қўярди. *«У киши тирик-ку!»* десак, «майли-да» дерди. Ҳа, ўлмаган одамдан жудо бўлиш оғирроқ. Чунки кетган – кетди, ҳаёт бўла туриб ўзини ўликдек тутадиган, аниқроғи, қўлини ҳеч нарсага урмайдиган одам билан нима қилишни билмай қолади киши. Меҳнат жамоаларида бошлиқнинг пинжиги кириб олиб, бевосита вазифасини бажармай, сохта фаоллик билан ҳеч кимга гап бермай юрадиганлар учраб туради. Бундайлар риёкорнинг олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Хушомадгўйлар ясама жонкуярлик билан нимадир қилса керак, риёкор нимадир қилиб, ҳеч нарса қилмайди. Гап ана шунда.

Биз риё ҳақида кўп гапирамиз, лекин сумъа деган тушунчани кам тилга оламиз. Риё одамлар кўриши учун бўлса, сумъа – ҳамма эшитиши учун. Бунинг қамрови кенгроқ. *«Фалончи ўнта камбағал оилага бир қопдан ун берибди»* воқеасини санокли одам кўради, эшитганлар кўпроқ бўлади. Бизнесда ҳам, фанда ҳам, таълимда ҳам, тиббиётда ҳам, бошқарувда ҳам – ҳамма соҳада риё ва сумъани кўриш мумкин (авж олаяпти демасак).

Биз дунёга очилдик, лекин ташқи оламдан бўлар-бўлмас ҳар нарсани кўчиравериш керак эмас экан. Машҳур ҳадис тўпламларининг барчаси қандай ривоят билан бошланишини кўпчилик яхши билади: *Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам "Амаллар фақат ниятларга кўради" деди»*. Инсоннинг амалини унинг нияти билан қиёсласак, саховат билан риёнинг, чинакам валинеъматлик билан сумъанинг фарқи кўринади. Одам ҳақиқатан саховат қилмоқчи бўлса, буни кўз-кўз ҳам, овоза ҳам қилмайди. Ўзини бахтли кўрсатмоқчи бўлган одам аллақандай номдор ресторанга бориб, кейин суратларини оммавий томошага қўймайди. Яқин кишиси ўлган одам савоби марҳумга етиб бориши учун эҳсон беради, маъракага ҳашаматлироқ жой танлаяптими, қанча одам келганини, улар орасида кимлар борлигини ҳисоб-китоб қилаяптими, демак, элга ошни ўзи учун бераётган бўлади. Шунинг учун худойининг таклифномасида манзилни бемалол «базмгоҳ», «тўйхона», «ресторан» деб кўрсатаверади. Аслида чақириқ хатидаги «марҳумнинг хотирасига» деган гапни «ўзимнинг обрўм учун» деб қўйса ҳам бўлаверади.

Ислом таълимотига кўра фақат намоз ва рўза каби ибодатлар эмас, балки ҳар қандай амал Яратганнинг номи билан холис ниятда бажарилса савоб бўлади. Ҳатто ухлаш ё овқатланиш ҳам. Риёда ўша холислик бўлмайди. Айримлар одам узоқ вақт иккиюзламачи бўлиб қола олмаслигини, вақти келиб ҳақиқий юзи очилиб қолишини билмаса керак. Шунинг учун кимдир бетартиб соқол ўстиради ва ўз феъли мисолида соқол қўйган бошқаларга нисбатан жамият аро нотўғри тасаввур уйғотади. Баъзилар ҳижобда бўла туриб ҳижобнинг ҳурматини қилмайди ва бошқа ҳижоблиларни маломатга қолдиришини англаб етмайди. Шундай

қилиб, риёкор фақат ўзини алдагани етмаганидек, бошқаларнинг ҳам тинчини бузади. Ният бошқа-да. Масалан, «бели боғлиқнинг дили боғлиқ» нақлига кўра азадор одам ҳақиқатан мотам тутади ва бежо қилиқ қилмайди. Бу – ҳақиқий манзара. Лекин юқоридаги ҳолатларда самимият йўқ, чунки ният холис эмас, аниқроғи – бошқача.



Адолф Ҳитлер

Адолф Ҳитлернинг бир ҳарбий қисмга бориб, зобитлар билан суҳбатдан кейин оддий аскарлар билан тушлик қилгани, Ҳерман Гўринг кўча юзида оддий одамлар билан овқатлангани тасвирланган тарихий кинокадрлар бор. Улар фақат кадрга тушиш (оддий популизм) учун шундай қилгани яхши маълум. Ё бирор ким шубҳа қиладими!



Ёлғончи унга уни,

бунга буни гапириб,

охири кимга нима


деганини эслаёлмай,

чалкашиб, ўзини фoш

қилиб қўяди.

Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази ходими ижозатингиз билан яна бир ҳадисга мурожаат қилади: Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам "Ҳеч бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди" деди». Ҳақиқий саховат мана шунда намоён бўлади. Риё учун қилинган яхшиликни том маънода саховат деб бўлмайди. Тарихдан маълумки, саҳобалар бозордан ўзларига ёққан нарсаларни сотиб олиб муҳтожларга улашган. «Пулини бериб қўя қолмайсизми, ўзлари керагини олавермайдими?» дейишганда, «ўзим яхши кўрган нарсани бераяпман» деган.

Корней Чуковский



Яқин тарихдан бир мисол. Корней Чуковский бундай ёзган: «Алексей Толстойникига бордим. (Тузилган куним эканини билиб қолиб) жудаям ажойиб Паркер ручкасини совға қилди. "Кўзингиз қиймайдиган нарсани бераяпсиз-а?!" дедим. "Фақат кўз қиймайдиган нарсаларни ҳадя қилиш керак" деди у».




Алексей Толстой

Чингизхондан кўп афоризм қолмаган, лекин биттаси бизнинг кунларгача етиб келган: «Душман устидан голиб бўлмоқчимисан, оиласини тарбияла. Бугун – фарзандлари, эртага – халқи (измингда бўлади)». Ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг натижаси ҳам худди шундай бўлади. Шунинг учун четнинг фойдасини олиб, зарарини, хатарини улоқтиришни ўрганишимиз керак.



Чингизхон

Румий



Мавлоно Румий «Суйганинг қадар суюлажаксан» деган. Чин кўнгилдан қилинган хайрли иш ўз эгасини ҳар томонлама юксалтиради. Сохтакорлик, хўжакўрсин ишлар охир-оқибат иззат-нуфузга путур етказиб, бошни ҳам қилади. Қадимги Римда «Сиздан Фортуна юз ўгирса, Фемидида қизиқиб қолиши мумкин» деган нақл бўлган. Шунинг унутмайлик.

Анвар БОБОЕВ,
Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази илмий ходими

Мавжлар, тинимсиз мавжлар

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири



Г. Раҳмонова
"Шоир Усмон
Азим портрети".



урналга мақола ёзиб бериш мажбурияти зиммамга юклатилгандан сўнг анча ўйга толдим. Ёзишим керак бўлган мақола мавзуси менга жуда қийин туюлди. Нимаси қийинлигини тушунтирай.

Бу мавзу барибир ўзим ҳақимда эканлигини биламан. Бунинг эса бир хавотирли жойи бор. Гап шундаки, ҳаётимда кечган баъзи ўринларни эслашга тўғри келади. Бу хотираларнинг эса одам ўзи билан олиб кетадиган жойлари бордай туюлади менга...

Ҳа, ҳозир ёзаётган ҳаёт лавҳаларининг кўпининг улар кечган пайтдаёқ маъносини чаққаним йўқ. Бу воқеалардан кейин – ёшим бир жойда етганда – маълум бир хулосалар чиқарганман...

Ω

Ҳақиқий ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва айниқса ижод жараёни четдан қараганда бир-бирига ўхшаш – жуда содда, аниқдай туюлади... Ҳа энди, каллага нимадир келгач, столга ўтирасан-да, ёзиб ташлайсан. Тамом.

Аммо ҳар бир ижодкорнинг ижод йўли ўзига хос изланишларга тўла ноёб ҳодисаким, у маълум бир кишининг ҳаёти доирасида қолиб кетмаслиги билан ажралиб туради. Унинг дунёга ўзгача кўз билан қараши (ўзига хослик деймизми?), сўзлар мутаносиблигини юксак даражада ҳис қилишдан келиб чиқадиган алоҳида инжалик, асарларидаги тушунтириш мушкул аллақандай сеҳр, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиши туфайли кундалик ташвишларнинг гўзал, теран, кулгили, драматик ва баъзан фожиали тус олиши алоҳида бир тажрибаким, бу тажриба ижодкорнинг яратувчилик қобилияти сабабидан кўпчиликни ром этади. Тулкидай қилпиллаган, бўридай ириллаган бу дунёда инсон қадри борлигини қайта ҳис қилдиради. Адо-

латталаблик, ор-номус, миллатпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби улуғ хислатларини китобхонларга юқтиради. Ватанни севишга ўргатади.

Бизда кам айтиладиган бир гап: ҳақиқий ижодкор Парвардигор мукаммал яратган дунёнинг ҳар бир жилвасидан ҳайратга тушади. Бу ҳайрат унинг онгини, руҳини, бору йўғини туйраб ўтади. Мана шу маҳобатли ҳайратни қоғозга тушира олиш маҳорати эса жуда нодир ва ноёб бир ҳодисаким, бу мақомга кўтарилиш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Кўтарилиш насиб этганлар эса дунёнинг мукаммаллигини ва ўз ҳайратининг манбасини ич-ичдан сезади. «Воҳ, тангрим!» деб ногаҳон пичирлайди у бир кунмас-бир кун. Бу пичирлаш барча ҳайқириқлардан баланд янграйди...

**Ҳақиқий
ижодкор
Парвардигор
мукаммал
яратган
дунёнинг ҳар
бир жилвасидан
ҳайратга
тушади.**



Хуллас, буюк адибларнинг барчаси ўртаниб ёзиш унга бекор насиб этмаганини англайди. У ёлғондан, хушомаддан, майда манфаатлардан озод – инсон руҳини майдалаб ташлайдиган минг турфа иллатларга нафрат билан қарайдиган, адолат ва ҳақиқат тарафидаги улкан шахсга айланади.

Мен Шарқ адабиётидан эмас, четроқдан бир мисол келтириб ўтаман.

Мудом оғриқли изланишда бўлган Лев Толстой умрининг охирида православ черковининг қотиб қолган ақидаларини рад этган. Бу қарашлари учун черков раҳнамолари уни «лаънат»лаган ва... уни черковдан – христианликдан «махрум» этганлар. Ҳолбуки, Толстой насроний ақидасининг тамал тоши – учлик («троица»)дан воз кечиб, ўз ақли ва руҳи билан яккахудоликка – исломга жуда яқинлашиб келган эди. Рус адабиётшунослиги Толстойнинг бу кечинмаларини эслашни хуш кўрмайди. Аммо ҳақиқат худди шундай.



**ЙИҒИ МУДОМ
ТОМОҒИМГА
ТИҚИЛИБ ТУРГАН.**



енгил-елпи асарлар ёзишга мойиллик кўпайиб кетаётган ҳозирги пайтда бу ҳол ҳам ўша улуг жадид Беҳбудий кўзда тутган «масхарабозлик»нинг бир кўриниши эканлигини эслатиб турмоғимиз лозим.

Ёзишда илоҳийлик борлигини таъкидлашдан толмаслигимиз керак. Ёзиш (рост туйғулар, ўртанишлар) ибодат эканлигини англамоғимиз зарур. Бу ҳол – ҳақиқий адабиётнинг муҳим бир рукни сифатида – адабиётга қарашни шакллантиришга кўмак берадиган адабиётшунослигимизда ҳам акс этиши лозимдай туюлади менга...

Биз ҳақиқий шоиру ёзувчилар асарида муҳим бу фазилатни мудом пайқаганмиз...

Аммо бу илоҳийлик қачон ижодкорга ҳамроҳлик қила бошлайди?

Энди гапни яна ҳў-ў-ў бошдан бошлашга тўғри келади.

Ўзбек театрининг асосчиси Маҳмуд-хўжа Беҳбудий ҳам ижоднинг бу йўриғини ҳис қилган. У мақолаларидан бирида «театр масхарабозлик» эмаслигини қатъий таъкидлаб ўтади. Бу ўринда «масхарабозлик» сўзини кенгроқ тушунишимиз лозим. Айниқса, олди-қочди,

Ω

Яқинда Эшқобил Шукур билан бир шоир укамизнинг тўй ошида қатнашдик. Одатдагидай амри маъруф бу сафар одатдагидай амри маъруф бўлмади. Домла билимли, бунинг устига қайси даврада нимани гапиришни биладиган одам экан.

Хуллас, домла... шоирликдан сўз очди! Оббо!..


Мен шоирлик ҳақида амри маъруфни биринчи эшитишим эди.

Рости, дастлаб хавотир ҳам олдим. Одатда амри маъруф одобу ахлоқдан бўлгич эди. Биз ҳам адабиётда айланиб юрган одамлармиз, бу амалнинг пасту баланди бизга маълум... Домла тагин ўзича «ақллилик» қилиб, алжиб қолса нима бўлади?

Аммо домла хавотирга ўрин қолдирмади...

У киши шоирлик ўқиб-ўрганиб етиб бўлмайдиган касб эканлигидан гап бошлади. Шоирликни Парвадигор она қорнидан ўзи сайлаган бандаларига инъом этар экан...

Эшқобил икков кўз уриштириб олдик. Ана! Биз туғма истеъдод деймиз-ку! Шуни гапираяпти! Тўғри! Тўғри!



Домла бу ҳақиқат Қуръонда ҳам борлигидан гап очди. Бир оят билан фикрларини мустаҳкамлади.

Мен учун яхши укамнинг бу тўйидаги энг катта мукофот мана шу амри маъруф бўлди!

Ω

Албатта, шоир вояга етгунча қоғоз билан юзма-юз ҳолда жуда кўп қолу ҳолни бошдан ўтказади. Худо берган истеъдодни йўқотмай, маълум бир даражага олиб чиқиш учун жуда кўп босқичлардан ўтади. Яхши шеърнинг туманлар ортидаги қиёфасини ҳис этгунча неча бир онгорти манзиллар ошади. Руҳи охир-оқибат мудом мавжланиб турадиган бир ҳолга етадиким, камина бу ҳолни ўзимча «узлуксиз илҳом» деб атайман. Бу – шоир истаган пайт шеър ёза олиш ҳолати... Бундай ҳолат бўладими? Бўлади! Менимча, ҳазрат Алишер Навоий шу мақомда ижод қилган. Аниқ.

Ω

Болалигимда, йўғ-э, гўдаклигимда ичимда тиқилиб, вужудимни ўртаб ётган нарсани нима эканлигини тушунмаганман. Тушуниш қайда? Ҳали ёзиш тугул, ўқишни билмайман-ку... Йиғи мудом томоғимга тиқилиб турган. Бу ҳолни ҳозир ҳам жуда аён эслайман.

Менинг йиғлоқи феълимни ўша пайтда бутун қишлоқ билган бўлса кераг-ов. Кейинчалик, юқори синфларда ўқиганимда ҳам, ёши мендан катта қишлоқдошларимга дуч келсам ўша йиғловимни эслаб қолишарди:

– Мунови Усмонми? – дейишарди негадир қувонишиб. – Дўппосдай жигит бўп қопти-я! Э, бунинг болалиқдаги жилашларини!.. Менгнихолойдинг кунини бир тутам қиган эди-я!



Яна менга разм солиб қувонишарди:
– Дуппа-дуруст бўпти!

Кампирларнинг ҳайратлари бошқача эди:

– Бола жилар экан, сиқтар экан, ўлмаса одам бўп кетар экан... Дам олмай жилар эди-я...

Ўйдагилар мени касал деб ўйлаб, қилмаган амали қолмаган. Фол очтиришган. Табибга кўрсатишган. Барча айтилганни сидқидилдан бажаришган. Ҳатто кимнингдир маслаҳати билан ўнг қулоғимни тешдиришган ҳам (ҳозир ҳам ўрни бор). Кор қилмаган.

Раҳматли энам (биз онамизни шундай деймиз) эслар эди:

«Отангнинг давраси бор эди. Бойсуннинг тўрт-беш катта муллasi кечқурун хуфия йиғилиб, китоб ўқирди. Масала талашарди. Нимага яширин дейсанми? Шўро билиб қолишидан қўрққан. Замон ёмон эди, болам... Кўпинча бизникига келишарди. Шаҳардан олис, овлоқроқ жойда-ку ҳовлимиз. Улар келадиган кун алоҳида тайёргарлик кўрар эдик.

Отанг бир жонлиқ сўйдиарди. Мен гўшт қовураман, шўрвани ташлаб қўяман. Туннинг бир маҳали ошга уннайман.

Бир оқшом ошхонада уннаб ётибман. Бир қўлимда капгир, бир қўлимда сен. Тинмай йиғлаяпсан. Меҳмонхонага ҳам изиллаганинг эшитилиб турган бўлса керак. Отанг чидай олмапти. «Ака, – депти отанг Муфти бобога, – шу болани бир ўқиб қўйинг. Илон чаққандай чириллаяпти». Сени кўтариб, меҳмонлар йўқ хонага ўтдим. Муфти бобо кириб келди. Сен тинмай йиғлаяпсан. Ерга қўйишнинг иложи йўқ. Мен сени овутмоқчи бўлиб, юриб турибман. Муфти бобо ҳам юриб ўқияпти... Бир-икки «суф» деганидан кейин бирдан кулиб юборди. «Келин, – деди, – бу бола касал эмас. Кўзини қаранг, топ-тоза. Бу бола худодан бир нарса сўраб йиғлаяпти. Хавотир олманг, худо хоҳласа, катта одам бўлади!»...

Энди ўйлайман... бу гўдакни ўртаган азоб ўша – жону жаҳонингни ҳар лаҳзада, ҳар соат, ҳар кун, йиллар бўйи – умр бўйи тубсиз ҳаяжонда тутиб турадиган дард бўлса керак. Ўша, Машрабни сарсон-саргардон қилган, Бобурни «салтанатдан кечасан» деб талвасага солган... Ўша...

Эсим кирганда бу йиғини ичимга ютишни ўргандим...

Эҳтимол, мен бу хотиротни аслидагидан каттароқ маъно юклаб эслаётгандирман, лекин у рост. Ростлиги билан қалбимга тиргак бўлиб турганини сезаман. Шунинг учун ёздим...

Ω

Олти ёшда мактабга бордим. Ёзишни ўргандим ва... алланималарни қоралашга тушдим. Мактаб дарсликларида ва газеталарда ўқиган шеърлар, «Алпомиш»у «Кунтуғмиш»лар оҳангларида нималарнидир қоғозга тушира бошладим...

Бу ночор сатрларнинг қоғозга кўча бошлаши, назаримда, ижодий таржимаи ҳолимдаги энг катта нуқта – бурилиш эди.

Ω

Бу бурилишдан сўнг кирганим «кўча» бетиним мутолаа натижасида кенгайиб, «ўзимники»га айланиб борди. Йўқ, мен ҳар кун ниманидир ёзиб ташлайвермаганман. Барча тенгдошларим каби рўзғор ташвишининг бир чети менинг ҳам елкамга тушган. Жуда ҳаракатчан бўлганман – ўйинга ҳам вақт топганман.

Ўзимни эплаб олгандан кейин даладашда бир ўзим ялангоёқ кезишни яхши кўрдим. Дунёнинг баҳори-ю кузи негадир мени ҳаяжонга солган. Бу дунёда мендан яширин аллақандай сир бордай туюлаверган. Дарахтларга, майсаларга, тоғу тошлар, ҳатто ҳашоратларга соатлаб термулиб ўтирганман.

Баҳорда, майсалар қулф урган пайтда, ёмғирсиз кунлар бўлади. Қуёш чарақлайди. Турли-туман чумолилар, қўнғизчалар ўрмалаб чиқади. Чумолилар бир зумда инларидан ўтлоқ оралатиб узун йўллар қуради. Уларнинг ҳаракатида тартиб борлигини, бу тартиб жуда мураккаб эканлигини ўшанда сезганман. Ҳатто йўлакчаларидан қарама-қарши келаётган чумолиларнинг баъзилари тўхтаб, бир зум мўйловчаларини қимирлатиб, бир-бири билан «гаплашиб» (менга шундай туюлар эди) олишларини ҳайрат билан томоша қилганман. Ана, туячумолилар!.. Уларнинг инлари майса сийрак жойларда. Йўл ҳам қуриб ўтирмайди. Ҳар биттаси фақат ўзига маълум йўналишда тентирайди. Улар юрмайдилар, югурадилар... Инларига бирор бир егулик ташигларини ҳам кўрмаганман.

Ўтлоққа юзтубан чўзиламан. Офтоб елкамни қиздиради. Майсалар орасида аллақандай майда – игнанинг учидай митти жониворлар кезиб юрганига кўзим тушади. Бу жониворларнинг отини билмайман. Назаримда, ҳеч ким билмайди. Негадир ранжийман. Бу жониворлар бор-ку! Нега оти йўқ?..

Ёз эса тинимсиз меҳнат пайти. Одамлар қишнинг ғамида тентирайди. Сомон, чалма-тезак ташилади, ғалла ўрилади... Иссиқдан лабимиз қовжираб, биз болалар ҳам катталар ортидан бу юмушларга ёрдам берамиз. Бугдой ўрими машаққат. Неча турфа тиканлар ғаллазорни босган. Бир тутам бугдойни тутсанг, уйинг куйгур тиканлар кафтингга аридай ёпишади... Кейин-кейин кафтингу бармоқларинг дағаллашиб, ундай-бундай тикан ўтмайдиган бўлади. Қоронғи тушганда қўшхонага қайтилади.

Қўшхонани бир тепада ташлаганмиз... Катта дошқозондан таралаётган овқат иси димоғимизга урилади. Ҳамманинг қўлида тунука коса. Қозонни ўраб оламиз. Беш-олти тенгкур қур ташлаб ўтира-миз. Бригадир отининг хуржунига тўлдириб келган тандир нонни шўрвага тўғраб, иштаҳа билан еймиз... Шом ўтгач, ўйин бошланади. «Оқсуяк», «Урганни топ»... Бу ўйинларимизда ёшлар тугул, катта-матта ўроқчилар ҳам иштирок этади. Кечаси очиқ ҳавода ўша қозоннинг теграсини айланиб, тўшакка кирамиз. Уйдан биттагина эски кўрпа олиб келганмиз. Бошимга кўрпа тагидан ялпоқ тош қўйиб (ҳа, тош қўйиб!), ёстиқ ясаб олганман. Кўрпанинг ярми устимда, ярми остимда. Тепада юлдуз сиғмаган осмон. Чарақлайди. Тунни чирилловуқлар товуши тутди... Кун бўйи меҳнатда ҳориган одамлар бир пасда ухлаб қоламиз.

Эрталаб тонг отар-отмас уйғотишади. Енгилгина чой ичган бўламиз-да, ўроқни олиб, кеча ўримни тўхтатганимиз дала бошига борамиз. Боев Бозор бобо ногаҳон «ҳа-а!» деб бақиради. У жазаваси тутган одамдай ғужур билан ғаллага ўроқ солади. Тикан-пиканни кўрдим демайди. «Ҳа-а!»... Қатор бўлиб ўримга тушамиз. Файрату шижоат барчага кўчади. Бош кўтармай ишга тушамиз. Манглайларда



тер пайдо бўлади. Кўйлакларнинг елкаси нам... «Ҳа-а-а!». Оптимизда икки-уч киши ҳар-ҳар жойда уйиб қўйилган ғаллани йиғиштириб – боғлаб келаверади. Саратон тафти ҳам сарғайтмаган аллақандай ўсимликлардан бовлиқ ясаб, шундай боғлашадики, атайлаб силкитсанг ҳам, бирор буғдой пояси тўкилмайди. Беш-ўн боғни бир жойга тўплаб кетишади. Кейин далага бир жуфт ҳўкиз қўшилган чиғана киради...

Чиғанани кўрганлар ҳозир кам қолди. Чиғана – ғилдираксиз арава. Бир ўрим фаслигагина етса бўлди деб наридан-бери қурилади. Бақувват толёғочлар тўртбурчак қилиб бирлаштирилади. Бу – чиғананинг асоси. Унинг тўрт буржидан тепага яна тўрт узун хода тикланади. Уларнинг орасига ва асосга кўндаланг қилиб яна тахта қоқилади. Бир томони эса очиқ қолади. Шу очиқ томондан буғдой боғлари шоҳада илиб, чиғанага ташлана-веради. Тўлиб-тошгандан кейин хирмонга элтиб, ағдарилади.

Бу хирмон – махсус эмас, экин экилмайдиган текис жой, холос. Хирмончилар боғларни чиғанадан тушириб, «белбоғ»идан ажратади, айлана шаклда тизза бўйи қилиб тўкишади. Сўнгра чиғанадан бўшаган ҳўкизларни бўйнидан жуфтлаштириб боғлаб, буғдойнинг устига галагов соладилар. Хирмончилар «майда-майда»ни ғайғайлаб айтиб, ҳўкизларга бир зум тиним бермайди. Шу тарзда ғалланинг сомони сомонга, буғдойи буғдойга ажратилади...

Жуда қаттиқ меҳнат.

Яшаш учун одамлар, жумладан, биздай ўспиринлар ҳам бир зум тинмайдиган маҳаллар...

Ўша кунлар машаққати ва... шавқи суяк-суягимга сингиб кетган.

Энг қизиги, мен ўримга ҳам китоб элганман.

Тушликдан сўнг камар тагида соялаб ётганимизда китоб ўқийман. Баъзан Самариддинхон эшон бобо ёнига чақириб олади. У киши кўп дostonларни ёд биладиган одам. Китоб ўқиганим учун бўлса керак, менга алоҳида меҳри бор. Мени сизлаб, ўзининг тенгидай гаплашади. Биз дostonлардан, эртаклардан суҳбат қиламиз. Китоблардан ўқиганим, эшитганим дostonу эртаклардан гаплашсак, у киши тўлдириб боради:

«Бу маталнинг яна бир жойи бор».

«Алпомиш бу жойда яна бундай деган»...

Ўша даврлардан қолган бир одатим бор. Ҳозиргача бирор нарсани ўйлаб турганда бирдан ҳамма нарсани унутиб, ўзимга чўкиб қоламан. Эшон бобо буни ҳам сезиб олган. «Ҳа, келдими?» дейди у киши... Сўнг жиддий қўшиб қўяди: «Ёзишдан қолманг»... Қишлоқда гап ётармиди, у киши менинг бир бало ёзаман деб уннаб ётишимни билади... Эшон бобо жуда зўр одам эди! У киши шоир деб ном чиқарган кунларимни ҳам кўрди. Жойи жаннатда бўлсин!

Кейин куз келади. Дунё ҳувуллайди... Юрагим зимиллаб дашту тоққа қараб ўтиравераман. Худойим!..

Бу ҳувуллашни қандай ёзаман?

Мен кўрган-кечирганларим ва атрофимдаги чексиз-чегарасиз дунёда шеър борлигини аниқ биламан. Аммо уларни қоғозга туширишни удда қилгунимча узоқ, жуда узоқ йўл борлигини ҳам англайман.

Ёзининг ваҳимаси ҳам бор. Аммо жаҳд билан киришгунингча... Ёзишдан қолмайман. Албатта, у қораламаларни шеър деб бўлмайди. Буни ҳам биламан. Лекин ёзаман-да!..

Ω

Бизнинг мактаб етти йиллик эди. Кенжа опам Саида қишлоғимиздаги мактабни битириб, Бойсун марказидаги 1-мактабда ўқий бошлади. Қишлоқ мактабида адабиётдан дарс берадиган муаллим тўпориқ одам эди. У бизга дарсликнинг фалончи бетидан фалон бетигача ўқишимизни тайинлаб, ўзи ташқари чиқиб кетар – қайтиб кириб, дарсини якунлаб қўя қоларди. Опам борган катта мактабда эса адабиёт ўқитувчилари жуда кўп – улардан бирини сиртдан жуда яхши танийман. Гап шундаки, учинчи синфда ўқиб юрганимда шу муаллимнинг туман газетасида эълон қилинган шеърини ўқиганман. Ана, худонинг қудрати билан шу шоир домла опам ўқийдиган синфда дарс бера бошлади. Шеърларимни шу домлага кўрсатсам, қандай бўлади? Уч-тўрт ойлик ўйловдан кейин икки шеъримни танлаб, опамдан шу кишига кўрсатишини илтимос қилдим...

Ҳар кун опамдан суриштираман. Бир ҳафталардан кейин жавоб келди. Аммо опам «ўқибди» деб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Домланинг нима деганини сўрайверганимдан кейин охири ростига кўчди: домла «бирор китобдан кўчирмаганими?» деб сўрабди опамдан...

Мен жим бўлиб қолдим. Ўзимни ҳақоратлангандай ҳис этдим. Кун бўйи бу адолатсизликка чидамай юрдим... ва эртаси бирдан кўнглим чарақлаб кетди. Муаллимнинг бу хавотири аслида энг катта мақтов эканлигини англадим! У шеърларимни, ўзи билмасдан, китобдаги шеърларга тенглаштирибди-да! Демак, ёзсам бўлади!

Сизни чалғитмаслик учун айтиб қўяй. Кейин билдим, ўша пайтда китоблардаги шеърларнинг ҳам кўпи жуда ночор экан...



Ω

Тўққизинчи синф чоғим биринчи шеърим вилоят газетасида босилди. Шу шеър туфайли Эркин Аъзам билан танишдим. Мен адабиётга шу пайтгача бу даражада қизиққан одамни кўрмаган эдим. Энди айтсам, ёлғони бўлмайди: мен бир умрлик дўст топган эдим. Икковимизнинг суҳбатларимиз оламга сиғмайди денг. Ёзганимизни бир-бировга ўқиб берамиз, тортишамиз... Ўқиган китобларимизни ва муаллифларни «бўлади-бўлмайди»га ҳам ажрата бошладик.

Бир кун шеър ўқиётганимда, Эркин ҳаёлланиб турди-да, шеър ўқиш оҳангим ўзгарганини айтиб қолди. Наҳотки... ўзгарибди? Шеърни янгича оҳангда – ҳозир шеърхонларга таниш бўлиб қолган тарзда ўқий бошлабман. Илгари радиодаги дикторларга тақлид қилиб ўқирдим шеклли. Ҳозир... Ўзгарибди. Энди билсам, ўша пайт шеърларимда, танқидчилар таъбирича, ўзимнинг «овозим» пайдо бўлган экан. Қуллуқ бўлсин дейдиган одам йўқ. Эркиннинг ўзи ҳам ҳозир бу «хулоса»сини эслай олмаса керак.

Бу оҳангнинг пайдо бўлиши муҳим бир босқичдан ўтганимга далолат эканлигини энди-энди тушунаман.

Ω

Олтмишинчи йиллар ўзбек адабиётида эврилишлар даври бўлди. Унгача замонавий адабиётнинг мундарижаси жуда тор эди. Бу йилларда эса адабиёт ўзгарди. Аввалдан ном чиқарган адиблар ҳам янгича ёза бошлади. Бирин-кетин янги номлар ҳам кўринди. Биз шу ўзгаришлар ичида улғайдик. Мактабда ёзганларимдан китобга кирган биргина шеър – «Қишки эртақ»ни ҳозир эслаяпман... Университетда ўқиб юрганимда ва кейинги ёзишларимни адабиётдаги ака-укаларим, дўстларим жуда яхши кутиб олди. Беш-олти китобим нашр бўлди. Аммо мен нимагадир етиб бормаганимни ҳануз ҳис қилиб юрардим. Олдимда яна бир довон бордай туюлаверар эди. У қандай довон?



Ω

Тахминан ўттиз беш ёшларимда бир воқеа рўй берди. Ичимда аллақачон «буюк» деб сифат берадиган устозим Шукур Холмирзаев уйига чақириб, ўша пайтлар ёзилаётган «Қилқўприк» романига қўшиққа тушадиган бир шеър ёзиб беришимни илтимос қилди. Бу ҳақда «Сўнгсўзлар» китобимда батафсил ёзганим учун воқеани қисқароқ баён этаман.

Хуллас, «қўшиқ» ҳам, ҳатто нақорати ҳам ёзилди.

Шукур акамининг тавсияси билан ҳофиз ва ёзувчи Холиқ Хурсандов бу шеърни қўшиқ қилди ва бу қўшиқ Бойсун аро машҳур бўлди.

*Менга бердинг осмоннинг бир тинигини,
Тошлар отдинг, териб олдим синигини...
Қаҳратоннинг қатронини*


мен тортдим, ёр,

Агёр билди сўзларингнинг илигини.

*Куйди жоним, куйди менинг жоним, куйди,
Бевафо ёр бизни қўйиб кимни суйди?*

Бу воқеадан уч-тўрт йиллар сўнг Шукур ака, раҳматли Рауф Парфи билан учовлон бўлиб Бойсунга бордик. Бойсунда дўкондан туркийшунос олимларнинг Москвадаги бир йиғинидаги ваъзалари асосида нашр этилган бир китоб сотиб олдим. Варақлаб кўраётиб, ишонинг, ногаҳон Шукур аканинг уйида ёзилган «қўшиқ»нинг нақоратига дуч келдим. Ёзилишича, бу сатрлар қарайим халқи оғзаки ижодига тегишли экан. Ана, холос! Бутун баданим музлаб кетди. Мен учун бу ҳол ниҳоятда ҳаяжонли эди.

Бу воқеанинг таъсиридан анча пайт ўзимга келолмай юрдим. Худойим! Бу нимаси? Бу нимага ишора? Қай қудрат бу икки сатрни аввал менга ёздириб, сўнг Москвада чиққан китобни Бойсунга келтириб, қўлимга тутқазди? Эй, Парвардигор!.. Мен сесканиб кетдим. Нима?.. Ҳа, Парвардигор!.. Парвардигор!..



Ω

Менинг ёзишимда ўзгариш рўй берди. Қачонлардир орзу қилганим шеърга етгандай эдим. Шеърларимга ёзишга кучим етмай тўлғонганим – дунё шовури, манзаралари, руҳи, ҳолати кириб кела бошлаганини сездим. Парвардигорга илтижоларим кўпайди. У мени ёзиш учун яратганини англадим. Истаган пайтда ёзишим мумкин бўлган ҳаяжон ихтиёрида қолдим. Наср ва драматургияга қўл урдим. Сценарийлар ёздим. Барчаси осон ва табиий кечди. Зарра ҳам зўриқиш бўлгани йўқ. Чунки мени қўллаб турган – бу оламнинг Ижодкори эканини фаҳмлаган эдим...

Мен шу охириги жумлани ёзмаслигим кераклигини англаб турибман. Бу мақола аввалидаги иккиланишларим сабабини тушунгандирсиз? Аммо қирқ ёшимга етар-етмас ёзишимда рўй берган ўзгаришлар моҳиятини бошқача қандай қилиб сизга англатаман?

Бу мақоладаги иқрорларим кимгадир оғир ботмайдими?

Эҳтимол, бу мақолани босмассизлар?

**Мен шу охириги
жумлани
ёзмаслигим
кераклигини
англаб турибман.
Бу мақола
аввалидаги
иккиланишларим
сабабини
тушунгандирсиз?**



Ω

Умримнинг етмиш олти ёшини яшаяпман. Яна қанча яшашимни Парвардигорнинг ўзи билади.

Ҳозиргача яхши кўрган ишим билан шуғулланишга имконият берган Парвардигор, сон-саноксиз шукроналаримни, ҳамду саноларимни қабул эт!

Бирни кўриб фикр қил

Мирзаали АКБАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ОЛМОНЧА ҲАЛОМЛИК



Инсон умри нақадар қисқа,
камолот йўли қанчалар йироқ.

Гёте



Бу воқеани водийлик бир дўстим сўзлаб берганди. У ишхонаси касодга учраб, нима қиларини билмай ҳайё-хуйт деб Тошкенти азимга кўчиб келади. Ижарага макон излаб юрган пайти «уй бозори»да аллақайси бир «ҳожатбарор зот»га йўлиқиб, қуюқ ваъдаларига лаққа учиб, ресторанда бир неча бор сийлайди. «Ҳожатбарор зот» тўкин зиёфатдан ийиб кетиб, содда дўстимизга яқин орада бузилажак жойлардан бирйўла пропискаси билан уй ваъда қилиб, хизмат ҳақиға атиги икки юз доллар закат сўрайди. Дўстим ва хотинининг паспортларини, айтилган пулни олгач, яна бир бор текин зиёфатни еб, ваъдани қуюқ қилиб хайрлашади. Шу кетганича ғойиб бўлади.

Содда дўстимиз икки юз доллар пул, қўшимча харажатга тушиб, дард устига чипқон дегандай паспортларини йўқотиб, чапак чалиб қолади.

Қадимда бир ўғри бўлган экан. Бир кун подшоҳнинг саройини тунашга тушибди. Хазинани ўмармоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёққа алангласа, ғира-шира қоронғиликда бир нима ялтираб турганмиш. «Ҳойнаҳой, тилла бўлса керак» деб ўйлаб суюниб, ялаб кўрса... туз экан. «Оббо, ҳай, бўлар иш бўлди» дебди-да, «бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» деган мақол эсига тушиб, хазинадан қуруқ чиқиб кетган экан. «Ўғри бўл, инсофли бўл» нақли ўша замонлардан қолган бўлса ажабмас. Ҳатто ўғриларда инсоф бўлган экан. Бугун айрим иккиюзламачи, қаллоб, товламачи замондошларимизга дуч келсак, бунақалар қачон ва қаердан пайдо бўлиб қолди экан деган саволлар мияга чақмоқдек урилади. Жўяли жавоб топишга қийналиб, ўйга толасан...

Европанинг Австрия, Германия, Швейцария каби мамлакатларида ижодий сафарда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. 2011 йили Дрезден-Хеллерауда чоғимда «Lidl» супермаркетига тез-тез тушиб турардим. Бир куни нон, колбаса ва мева-чева олиб, пулини тўладим-да, кета бошладим. Икки юз метрча юргач, кимдир чақиргандай бўлди. Сотувчи йигит қўли билан ишора қилиб, нимадир дерди. Қайтиб бориб, «нима гап, тинчликми?» деб сўрадим. Шунда у «қайтимингизни унутиб қолдирибсиз» дея бир цент узатди. «Кўяверинг» дедим унга, чақани олишга ўзимча уялиб. «Йўқ, олинг, – узрхоҳлик билан деди у, – бизга бировнинг ҳақи керакмас»...



Худди шунга ўхшаш воқеа Вернетсхаузен қишлоғида (Швейцария) ҳам бўлганди. 2016 йил, Лоорен таржимонлар уйида ижодий сафарда эдим, Цюрих поездига чиқиш учун Ҳинвилгача автобуста бормоқчи бўлдим. Европада йўловчилар жамоат транспортига олдинги эшикдан чиқиб, ўрта ёки орқа эшикдан тушади. Чиқиб, ҳайдовчига салом бердим-да, йўл ҳақи учун беш франклик танга узатдим. «Касса бузуқ, ишламаяпти» деди у рулни аста бошқараркан. «Ҳай майли, тушаётганда берарман» дедим ўзимга ўзим ва салон ичкарасига ўтдим. Сўнгги бекат – Ҳинвилга етиб боргач, тушаётиб ҳайдовчига яна бояги тангани узатдим, аммо у норози бўлгандек «Сизга айтдим-ку, кассамиз ишламаяпти» дегандан сўнг, «раҳмат» деб тушиб кетавердим. Одамлар ҳам ғалати-я, ахир ассанг ишламаса, кассанг бор-ку, берганни олиб қўявермайсанми, хумпар! Йўқ, уларга ҳам бировнинг ҳақи керак эмас экан...

Олмониянинг шимоли-ғарбида, Шимолий Райн-Вестфалия ўлкасида Штрален деган мўъжазгина шаҳарча бор, уни ўзимиздаги Наманганга ўхшаб, «Blumenstadt» – гуллар шаҳри деб аташади. Жуда чиройли маскан,



шаҳарчада турли муассасалар, жумладан, Европа таржимонлар ҳайъати – Халқаро мутаржимлар маркази ҳам жойлашган. У ерга илк бор 2007 йилнинг баҳорида боргандим, кейин яна бир неча марта бориш насиб этди. 2018 йилнинг ёзида (ўшанда Россияда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилганди) Штраленда бўлган яна бир воқеа эсимга тушди.

«Kaufland» супермаркетидан ҳар кун ил-бул харид қилиб турардим. Ўзим яхши кўриб истеъмол қиладиган, Ҳамбургдан келтириладиган мазали оқ нон ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларнинг нархи ёд бўлиб кетганди. Гавжум супермаркетда ўнга яқин кассирнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир гал зарур маҳсулотларни харид қилдим-да, пулини тўлаб, чекини олиб кўчага чиқдим. Қайтимни санасам, бир ярим евро камроқ кўринди. Супермаркетга қайтиб бордим. «Кечирасиз, озгина тушунмовчилик бўлганга ўхшайди» дея чек, қайтим ва харидимни кўрсатдим.

«Узр, – деди шунда кассир аёл хушмуомалалик билан, – битта нарсани икки марта босиб юборибман, пулни қайтариб бўлмайди, фалон бўлимга боринг, муаммо ҳал бўлади». У айтган «Informationsabteilung»га (маълумотлар бўлими) бордим. Қайтим ва харидимни кўрсатдим. Чекка бирров разм солди-да, 1 евро 49 цент (тўртта оқ ноннинг нархи) узатди. Раҳмат айтиб кетаётгандим, «ил-



тимос, бир дақиқа» деб қолди. Селлофан қоғозга бежирим ўралган кўйлакка ўхшаш нарса узатаркан, «овора қилганимиз учун узримиз сифатида арзимас совға, олинг» деди. Мулозаматдан ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Ётоғимга келиб очиб кўрсам, футбол бўйича жаҳон чемпионатига атаб машҳур фирма ишлаб чиқарган, чемпионат тасвири туширилган, нархи анча-мунча евро турадиган чарм рюкзак экан... Гап албатта кассир аёлининг адашганида ё «овора» бўлганимда ёки ўша «арзимас совға»да ҳам эмас. Мен, тўғриси, бундай муомаладан мутаассир бўлдим. Бундай муносабатни, таъбир жоиз бўлса, маданиятнинг, маънавиятнинг гўзал намунаси деб атаган бўлардим.

Ўзим таҳсил олган институтнинг (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) олмон филологияси факултетида талабаларга дарс бериб юрган йилларим. Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти ҳам худди шу факультет биносида жойлашганди. Кечки пайт уйга қайтаётиб Гёте институти раҳбари Фрау Гюнтерни учратиб қолдим. «Ишдан қайтаяпман, такси кутиб турибман», – деди хоним саломимга алик оларкан.

Одамлар ҳам
ғалати-я, ахир
кассанг ишламаса,
киссанг бор-ку,
берганни олиб
қўявермайсанми,
хумпар!

– Ие, такси дейсизми?
– ҳайрон бўлиб сўрадим.
– Янглишмасам, хизмат машинангиз бор-ку, шундайми?

– Ҳа, албатта, – жавоб қилди Гюнтер хоним вазминлик билан, – лекин ундан фақат иш пайтида фойдаланаман, ҳозир таксида кетишим керак. Чунки иш вақтим тугади...

Олмонларнинг ҳалол, ростгўй, тежамкор халқ эканини яхши биламиз. Аммо улар ана шу фазилатларни бизнинг ота-боболаримиздан ўрганганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Қадимги герман қабилалари, шунингдек, можор(венгер)ларнинг ҳам бир замонлар бугун сиз билан биз нафас олиб турган мана шу муқаддас заминда яшаганлари, буюк кўчиш даврида ҳозирги ҳудудларига бориб жойлашганлари тарихий манбалардан яхши маълум.

Аждодларимиз ўзганинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган, кўзи тўқ, сабрқаноатли бўлишган. Амир Темур бобомиз лашкарлари билан муҳорабадан қайтаётганида бир қишлоқдан ўтаётиб, овул этагида ястаниб ётган, мевалари фарқ пишиб, яшнаб турган серҳосил боғ устидан чиқиб қолади. Мевалардан жуда татиб кўргиси келади. Шунда соҳибқирон «агар мен ҳозир бир дона олма узиб есам, бу боғдан асар ҳам қолмайди» дея нафсини тийиб, боғнинг бевақт хазон бўлишига йўл қўймасдан йўлида давом этган экан...

Ўтмишда уламолар, мутафаккир ва олимларимиз хизмат вақтлари тугагач, идоранинг шамларини ўчириб, шахсий юмушлари билан ўз шамларини ёқиб машғул бўлгани ҳақидаги ибратли ҳикояларни ўқиганмиз. Одоб-ахлоқ, ибо, ҳаё шу қадар кучли бўлганки, аёллар ҳуда-беҳуда остона ҳатлаб кўчага чиқишга ийманишган, эркаги қазо қилиб кетган ҳовли ё хонадонлар олдига бўш челақ чиқариб қўйиш расм бўлган. Кўчадан ўтиб кетаётган кўни-қўшнилари сув тўлдириб, олиб келиб қўйишган.

Узоққа бормайлик, беш-олти ёшли бола пайтларимиз, 1960-йиллари қишлоқларимизда артезиан қудуқлар қурил-

маган, катта-ю кичик ҳовуз ва ариқлардан сув ичарди. Ҳеч қанақа касаллик бўлмасди, зилол сувга нонни оқизоқ қилиб, бўктириб ердик. Ариқларга чўпхас, ахлат супуриш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаш гуноҳи азим эди.

Дўконлар олдида айрим товарлар очик-сочиқ турарди, кимдир харид қилмоқчи бўлса, сотувчи «ташқарида, ўзинг олавер» дерди. Одамларда ўзаро ишонч, бировнинг ҳақидан кўрқиш тушунчаси кучли бўлган.

Энди эса дардимиз пул, аксарият нима қилиб бўлса ҳам пул топишнинг пайида, эрта-ю кеч ўзимизни ўтга-чўққа урамиз, ҳамма нарсамиз бору, қаноатимиз йўқ. Бир-биримизни алдашдан тоймаймиз, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат тушунчалари тобора йўқолиб бораётгандек...

Хўш, бунинг сабаби нимада? Ҳалоллик, тўғрилиқ сингари фазилатларни қадим ота-боболаримиздан ўрганган олмонлар ана шу хислатларни сақлаб қололган экан, бизларга нима бўлаяпти?.. Олмонияда банкка ишингиз тушиб, кассада пул олсангизу санай бошласангиз, бу ҳақорат ҳисобланади. Сиз уларга ишонмаган бўласиз.

Биз эса санаб олишимиз шарт, чунки бир-биримизга ишонмаймиз. «Пулингизни касса олдида санаб олинг» деган ёзув ҳам бизни огоҳ этиб туради. Олмонтилли мамлакатларда бўлган пайтларим жамоат транспортига кўп чиққанман, етти ёшдан етмиш ёшгача йўловчиларнинг қўлида китоб, мутолаа билан банд. Валақлаб ўтиришга вақти йўқ, билим, тафаккур бор жойда, шубҳасиз, тараққиёт бўлади.

Буюк боболаримиз меросини, тарихимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз сарчашмаларини ўрганиш ўрнига, ҳо-ю ҳаваслардан ортмай қолдик. Китоб ўқимай қўйдик, иллатларимизнинг туб сабаблари мана шунда деб ўйлайман.





«Ҳар куни қаҳрамон бўлиб яшаш шартмасдир, аммо ҳар куни ҳалол яшаш шарт» деган эди улуғларимиздан бири.

Айрим юрtdошларимизнинг ўтган аждодларимизга, ота-боболаримизга муносиб ворислар бўлиш ўрнига худбинлик, лоқайдлик, товламачилик каби иллатлар домида эканини қандай ва нима деб изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, заҳматкаш ва меҳнаткаш халқимиз фитратига бундай иллатлар бегона бўлган.

Сичула

БИЛАН
ҚЎШИҚНИНГ
ФАРҚИ
НИМАДА?



МАҚОМ ҲЕЧ ҚАЧОН
ОММАВИЙ САНЪАТ ТУРИ БЎЛМАГАН.

УНИ ХОСЛАР КУЙЛАГАН,
ХОСЛАР ТИНГЛАГАН.

угун ўзидан санъаткор ясаб олган, саҳнага чиқиб алмойи-жалмойи қўшиқ куйлашдан орқилмайдиганларнинг саноғи йўқ. Улар яратган «эъжод» намуналарини тинглаган одам на маданий ҳордиқ, на маънавий озуқа олади. Қайтанга дили хуфтон бўлиб, шунга сарфлаган вақтига аттанг дейди. Яхшиям, орамизда мумтоз санъатимизни асраб-авайлаётган, қадрқимматини ошираётган санъаткорларимиз бор. Улардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомаъруповдир. Унинг «Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма» (Лутфий ғазали), «Рухсоринг» (Бобур ғазали), «Салламно» (Фузулий ғазалига Амирий мухаммаси), «Парвона қилгансиз», «Мастона бўлдим», «Савдои муҳаббат» (Машраб ғазали), «Салом айтинг» (Худойберди Қорабоев шеъри) каби қўшиқлари санъатсевар қалбларга баҳрамандлик улашиб келаётир.

Абдулла Шомаъруповнинг мақом, ҳақиқий асарнинг жонбахшлик хусусияти, жонли ижро, «Шашмақом», устоз-шогирдлик мавзуларидаги мулоҳазаларига кулоқ тутдик.

Тахририят



Мақом ҳеч қачон оммавий санъат тури бўлмаган. Уни хослар куйлаган, хослар тинглаган. Адабиёт, дин ва тарихдан тушунчаси бор одамгина мақомдан лаззат ола билган. Шу боис «Мақомни илгари ҳамма эшитган, ҳозир ҳеч ким тингламаяпти» деган фикрларга унчалик қўшилмайман. Инсоннинг ёши улғайиб, ўзлигини англагач, унда мумтоз куй-қўшиқларга рағбат уйғонади.

Хоҳ мусиқа, хоҳ наққошлик, хоҳ хаттотлик ё тасвирий санъат бўлсин, ҳақиқий асаргина инсон руҳиятига таъсир этиш сирига эга. Улар орасида мусиқа ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, сурат бир марта чизилса-да, одамлар ундан бир неча асрлар давомида маънавий озуқа олиши мумкин. Мусиқа санъатида ижрочи ярим соат ёки йигирма дақиқа жонли куйлайди. Ўша лаҳзаларда ижрочи мусиқанинг руҳияти ва кайфиятини тингловчига етказиб бериши керак бўлади. Чунки ҳар ижрода мусиқий асар қайта туғилади. Бу юксак маҳорат ва тажрибага боғлиқ.

Мақомда шундай туркумлар борки, уларнинг ёшини ҳеч ким аниқ билмайди. Айримларининг яралганига беш-ол-

ти аср бўлган дейилади. Ушбу қўшиқлар бастакорининг номи ҳам номаълум. Масалан, «Шашмақом»да бастакор номи номаълум, бироқ жуда мукаммал асар. «Шашмақом»ни бир киши яратмаган деган тахминлар бор. Йиллар давомида ҳар хил бастакорлар сайқаллаб борган деган талқинларга ҳам дуч келиш мумкин. Унда «мўғулча», «қашқарча» деган усуллар бор. «Мўғулчаи дугоҳ», «Мўғулчаи чоргоҳ» деб бежиз айтилмаган. Бу унинг жуғрофияси кенлигидан далолат.

Кўпчилик мумтоз ашулаларимизнинг барини мақом деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. «Шашмақом» – асарнинг номи. «Шашмақом» худди ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса»сига ўхшайди. «Хамса»даги беш дostonнинг тартиби қатъий белгиланганидек, «Шашмақом»даги олти мақом – Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқда ноталарнинг қандай жойлашувига қараб товушлар оҳанги ҳам ўзгариб боради.

Одатда мумтоз ашулалар ўрин олган концертларга одамлар кам келади. Яхшиям ўзбекларнинг наҳорги оши бор. Бугун миллий мусиқамиз ошларда янграб турибди. Бошқа оилавий тадбирларда миллий мусиқа деярли ижро қилинмайди.



**ХОҲ МУСИҚА, ХОҲ
НАҚҚОШЛИК, ХОҲ
ХАТТОТЛИК Ё ТАСВИРИЙ
САНЪАТ БЎЛСИН, ҲАҚИҚИЙ
АСАРГИНА ИНСОН
РУҲИЯТИГА ТАЪСИР ЭТИШ
СИРИГА ЭГА.**



Санъат соҳасида шогирд тайёрлаш мураккаб жараён. Санъатнинг аниқ формуласи йўқ. Мусиқани ўқитиш, ўргатиш методикаси бор, холос. Етук санъаткор бўлиш учун фалон-фалон қилиш керак деган йўриқномалар ҳам бор. Мусиқа билим юртида шу йўсинда минглаб талабалар ўқийди, бироқ улар орасидан бирикки нафар санъаткор чиқади. Инсон қалбида илм олишга чанқоқлик бўлмаса, устози ким бўлишининг фойдаси йўқ. Мусиқа илми гишт қуйиш, бетон қориш каби мажбурий ўргатиладиган касб эмас. Бу инсон руҳияти билан боғлиқ ҳодиса.

Устозим Камолиддин Раҳимов ниҳоятда зийрак инсон эди. Илк кўришганимда ўн беш яшар эдим. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўқиб юрган йилларим хонадонига бордим. Тўйга кетаётган экан. Ўзи билан бирга олиб кетди. Шу тариқа тўрт йил ёнида юриб, мусиқа сирларини ўргандим.

Камолиддин аканинг шундай одати бор эди: ҳақиқий шинаванданинг кўнглини жуда ҳурмат қиларди. Бундай одамларни устоздек биларди. «Фалон жойида яхши айтмадингиз, мана бу ерида сўзи кетиб қолди» деган танбеҳларни ҳам кўтарарди. Устозга мухлисларининг

гапи оғир ботмас, уларнинг айтганини қиларди. «Мухлисларни хафа қилиб бўлмайди, улар санъатимиз ривожига ҳисса қўшадиган инсонлар», – дерди у киши.

Камолиддин Раҳимов «Тановар»нинг тўққиз усулини куйлашни билар эди. Шунингдек, «Нима учун “Тановар” деб аталади?» деган саволни қўяр ва ўзи жавоб берарди. Тилимизга араб тилидан, форс тилидан кирган сўзлар кўп. Араб тилида «анвор» – нурлар деган маънони англатади. «Анвор» сўзининг олдида феъл ясовчи «та» олд қўшимчасини қўйсак, у феълга айланади. Масалан, «калом»нинг «такаллум»га, «нуззул»нинг «таназзул»га, «раҳм»нинг «тараҳҳум»га айланиши. «Анвор»га «та» олд қўшимчаси қўшилса, «тановар», яъни «нурларнинг ўйини, ҳаракати, ўзидан нур сочиш» деган маъно келиб чиқади.

«Адолат тановари» тури аёллар томонидан куйланган. Эркаклар даврасида мақом ёки катта ашула айтилган.

Ҳақиқий санъаткор бўлиш учун ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўриш, мусофирчиликни ҳам бошдан кечириш керак экан. Ҳарбий хизматда ватандан олисда бўлганман. Постда қоровулликда турганимда ватанни, яқинларимни қўмсаб, овозимни баралла кўтариб қўшиқ куйлардим.



ИЗТИРОБ



ИЗТИРОБ ЧЕКИШ ҲАР БИР
ИНСОННИНГ БОШИДА БОР.
ИНСОН ДУНЁГА КЕЛДИМИ,
ИЗТИРОБСИЗ ЎТМАЙДИ.
ҚЎШИҚДА ИЗТИРОБ
БЎЛИШИ КЕРАК. ҲАММА
ГАП ШУНДА.



Изтироб чекиш ҳар бир инсоннинг бошида бор. Инсон дунёга келдими, изтиробсиз ўтмайди. Қўшиқда изтироб бўлиши керак. Ҳамма гап шунда.

Ҳар қайси кишига иқтидор берилади. У ижоднинг асосий ўзаги ҳисобланади. Кимдир иқтидордан фойдаланади, кимдир эса уни қўмиб ташлайди.

Қўпчилик ашула билан қўшиқнинг фарқига бормайди. Ашула ва қўшиқнинг муסיқий шаклида фарқ бор. Қўшиқда сўз бўлинмайди, оҳанг сўзга хизмат қилади. Масалан, «Иллила ёрим, уйғонсин...». Бу ерда сўз бўлинмаяпти.

«Сенсан севарииним...»да и товушида икки, учта нота бўлиб кетаяпти. Ашулада оҳангга сўз бўйсунди.

«Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...» ашуласи эстрада ритмидан тобора яна мумтозлашиб бораётгандек...

Ижодкор хоҳлайдими-йўқми, муҳитдан келиб чиқиб ижод қилади. Муסיқа ҳам давр нуқтаи назаридан ўзгарувчан оҳанг. Бир мусиқанинг эллик йил олдинги ижросини худди шундай тарзда такрорлаб бўлмайди, оқар дарёдек қайтарилмайди.

Ёшлик давримизда яхши чолғуни топиш қийин эди. Даставвал фабрикада чиқарилган рубоб ва дуторларни чалиб ўрганганман. Созанданинг сози асбоб дейилади, бу сўзнинг ўзаги «сабаб» сўзидан. Моҳирликда «сабабчи» мукамал бўлиши муҳим. Соз тингловчи ва созанда ўртасида куй етказиб берувчи восита, яъни сабабчидир.

Ҳозир чалаётган созимни устозим Камолиддин Раҳимов совға қилган. Сатони бўлса 1989 йилда созгар уста Фахриддин ака ясаб берган.

Мен санъатсевар оилада улғайганман. Амакимнинг оиласи билан бир ҳовлида яшардик. Эскишаҳардаги тор кўчадан кенг боғли ҳовлимизга кириларди. Ота-онам санъатга муҳаббатли инсонлар эди. Ҳар оқшом хонтахта атрофида патнис чертиб, халқ қўшиқлари ёки Аҳмад Яссавий, Хўжаназар Ҳувайдо ғазаллари куйга солиб айтиларди. Ўша пайтлар миллийлик қон-қонимга сингиб кетган бўлса, ажабмас.

Оилада қатъий бир тартиб белгиланмаган эди. Ҳамма болалар ўзини эркин тутарди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ижодкор бўлгандирман. Отам ишдан уйга қайтганда, онам биздан шикоят қилиб, «Буларни уришиб қўйинг, тўполончи бўлиб кетаяпти...» дерди, отам эса ёз пайти бўлса, «қиш келсин, буларнинг бир адабини бераман», қиш бўлса, «ёз келсин, буларнинг бир адабини бераман...» деб пўписа қилиб қўярди. У кишининг қаттиқ танбеҳ бериб уришганини эслолмайман.

«Ҳофиз» сўзида катта масъулият бор, юк бор, бурч бор. «Ҳофиз» сўзи «муҳофиз» – муҳофаза қилувчи, сақловчи маъноси-ни англатади. Ҳофизлик рутбаси фақат Қуръони каримни ўқувчиларга эмас, балки бошқа санъат соҳибларига нисбатан ҳам берилган. Ўтмишда, инқилобдан олдинги даврларда санъаткор минг байтдан ортиқ ғазални ёддан билса, унга ҳофизлик рутбаси берилган. Араб тилини билмайман, аммо мумтоз ғазалларда учровчи арабча, форсча сўзларнинг мазмунини тушунаман.

Нигора УМАРОВА ёзиб олди.

ҲОФИЗ



«ҲОФИЗ» СЎЗИДА КАТТА
МАСЪУЛИЯТ БОР, ЮК БОР,
БУРЧ БОР. «ҲОФИЗ» СЎЗИ
«МУҲОФИЗ» – МУҲОФАЗА
ҚИЛУВЧИ, САҚЛОВЧИ
МАЪНОСИНИ АНГЛАТАДИ.

Фото: Эрнест КУРТВЕЛИЕВ



Тиши

ТУШ билан ораси

Тиши бутун одам

Халқимиз ота-онаси ҳаёт бўлган одамни «Фалончининг тиши бутун» дейди. Бу гапни мен ҳам бир неча марта ишлатганман. Шукур, тишимиз бутун деб. Аммо нима учун айнан тишнинг тугаллиги, соғлом экани ота-онага нисбат берилишини билмасдим.

Яқинда жағ тишимнинг ўртаси тешилди. Емак чайнадим дегунча тўғри ўша тишнинг тешигини топиб боради. Ўша жойга зиғирдай нарса кириб қолса ҳам одамни бетоқат қилади. Овқатни бемалол чайнаш ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳам етмагандай, исталган

нарсани олиб, мазза қилиб чайнай олмай қолдим. Мўрт бўлиб қолган жағ тишим зирқирайди. Шундан сўнг кемтик тиш қанчалик азоб эканини билдим.

Не тонгки, бу ҳодиса айни отамни мангуга кузатишимдан бир муддат аввал содир бўлди. Аввал тишим, кейин отам кетди. Худо берган яхши кунлардан бирида ишга жўнадим. Йўл-йўлакай тишим кемтигига кириб қолган ушоқни олиш билан андармон эдим. Беихтиёр тиш бутунлиги ҳақидаги ибора ёдимга тушди. Ота-сиз ўтаётган кунларим ҳақида ўйладим. Тиш ва ота-она орасидаги боғлиқликни

топгандай бўлдим. Тиши соғлом одам исталган таомини ҳеч ўйланмай оғзига солади. Шу йўсин ризқини тўлиқ ҳазм қилади. Емак – қувват демак. Тиш бутунлиги шу боис ҳам куч-қудратни, шижоатни билдиради. Қалмоқ алплари Бойчиборнинг туёғига гулмих қоқади. Буни кўрган Барчиной гулмихни тиши билан суғуриб олади. Шу орқали эпос унинг ганимга нафрати қанчалик кучли эканини ҳам, Бойчиборга меҳрини ҳам, бу икисини изоҳ этишдаги куч-қудратини ҳам ифодалайди. Эл яна айтади: «Фалончи шунча дардни тиши билан тишлаб, елкаси билан судраб юрибди».

Дард улкан қопга маҳкамланган. Қопнинг оғзини фалончибой елкаси оша тортиб, тиши билан беркитган. Ана шу изтироб қопини ёлғиз ўзи судраб юрибди. Негаки, унинг тиши маҳкам, дардини ташга чиқармагани билан оғриғини сўзсиз тушунадиган ота-онаси бор. Уларни асраш учун ҳам одам ўша изтироб қопини очиб туриши керак. Бўлмаса, муттасил босим тишга заха етказади. Уни сув олиши мумкин...

Ҳа, элда «тиши сув олган» деган ибора ҳам бор. Агар фалончибой пистончибойга ёқмаса, уни хафа қилса, сўнг пистончибой бирон гапи, ҳаракати билан фалончибойга қарши борса, унинг бу қасд олишини изоҳлаб, «тишининг суви бор» дейдилар.


Тиши сув олган одамлар оғриқ ёмонлигини айтади. Бу дарднинг давоси этни тешиб, сувни чиқариб юбориш экан. Дилдаги ранж, алам, ҳасад ҳам шундай. Фақат ҳасадни духтир эмас, вақт, ҳаёт даволайди. Буни Бойбўри билан Бойсари мисолида ҳам биламиз.

Маслаҳатчилар Бойсари ҳам ўлпон тўласин деди. Бу бойга оғир ботди. «Шунча молим, элим бўлса ҳам қадрим йўқ экан. Тахт барибир акамга берилган, гапи сувни кесар экан!» деди.

Ўртага шайтон оралади. Бойсарининг тиши сув олди. Аразлаб юртни ташлаб кетди. Ўша зардоб, алам қисматнинг синовиға ташлади. Унга Қалмоқ юрти эгалари молбоқардай муносабатда бўлди. Бу дарддан қутулиш учун сув тўплаган этни ёриш керак эди. Шу боис Барчиной Алпомишни чақирди. Ҳаёт мажбур қилгач, Бойсари ҳам Алпомишга муштоқлигини билди. Сув тўплаган эт ёрилди. Гина кўтарилди. Одамнинг қўли баланд келди. Ҳасад ўзини ўзи ёқиб, йўқ қилди. Бойсари «Тутуқлашсанг ҳам тутатиб ўтир» деган нақл бекорга айтилмаганини билди.

Кенгликнинг тескариси ўлғами

«Тутуқлашсанг ҳам тутатиб ўтир» дегани жўн ибора. Лекин илдизи мустаҳкам. Тутуқлашиш – ёқалашишдир. Бу билан қариндошлар уришса ҳам тутатиб, бир-бирига яқин яшагани маъқул дейди эл. Бойсари шуни билмади.



Дунё кенг деди. Ўзим давлат қиламан, қилолмасам акамга ўлпон бергандан кўра бегонага чўри бўламан деди. Бойбўри ҳам шу фикрга шерик бўлди. Укасини олиб қолмади. Дунё кенг, қаерда бўлса ҳам боши омон бўлсин деди. Улар ўша пайтда бундай кенгликнинг тескари ўлчами борлигини билмасди. Шунини ўйлаб бир воқеа эсимга тушди.

Отамнинг икки укаси – Ҳакимхон ва Авазхон акаларим бир қишлоқда яшайди. Уларга бир-бирининг уйи шундоқ кўриниб туради. Ҳакимхон акамнинг уйи икки тепаликнинг ўртаси – сойнинг адоғида. Авазхон акам икки чақирим наридаги кичик тепалик устига уй тиклаган. Ўртадаги икки чақиримлик масофа очиқ майдон. Ҳали телефон йўқ пайтларда икки томон бир-бирини чақириб учун ойна тутарди. Қуёш нурида ялтираётган ойнани кўрган одам унга жавобан ойна кўрсатади. Чақириқ олган томон йўлга тушади. Акамлар болаларига айтади: «Чопиб акангнинг уйига бориб кел, ойна тутаяпти, нима деркан?». Ёки «Бобонг чақираяпти, билиб кел, тинчликмикан?».

Ўшанда биз бир қарич жужуқларга бу икки уйнинг ораси бир қадам эди. Ҳатто акамларнинг ўзи ҳам эринмасдан пиёда бориб-келаверарди. Бир куни Аваз акамнинг уйидан нарғи томон – Ҳакимхон акамнинг ҳовлисига кўз тикар эканман, ўйладим: «Дунё шунчалар тор бўлганмикан?!».

Ҳа, ҳозир дунё кенг! У шунчалар кенгки, шаҳарнинг бу бошидан нариги учига арзон ва маззали емак излаб борасану, икки уй орасидаги масофа малол келади – ойна тутиб ўтиргунча ўзи келса бўлмайдимми?! Ўртада икки чақиримлик масофа бўлса ҳам тутоқлашиб яшаш мумкин, лекин туташиб бўлмайди... Саратон кунлари бу қишлоқни «олов» забтига олади. Соё ва ҳув ўша тепалик орасида шайтон оғзидан чиққандай гармсел изғийди. Шукур, гармсел ўткинчи... куз келиб, кун тоб

ташлайди. Хирмон кўтарганлар тўй бошлайди. Икки акам телефон ойнасида бир-бирини кўриб гаплашади: «Фалончибой тўй бошлабди». «Чақирган бўлса борамиз, тайёр турунг, мошин билан уйингизга ўтаман».

Ака-укалар тўйга бориб-қайтгунча хирмон, бозор гурунги авж олади. «Ёрёнғоқни фалон сўмдан сўраб юрибди экан, тортишмасдан беркишмас, савдони пишитиб, бериб юбордим, эртага ҳашар».

Тортишиш таниш сўз. «Беркишиш» эса маҳкам бўлиш, жипслашиш дегани. Савдога нисбатан ишлатиладиган бу нақл биринчи марта Бойбўри билан Бойсарига қарата айтилган бўлса не тонг! Ахир Бойбўри ўлпон тўламайман деб юртдан кетганди. Бу эл-юртга адолатсизлик эканини кейин билган, қайтгач, ўз ихтиёри билан ўлпон тўлаганига шубҳа қилмайман. Илло, дунё адолат устига қурилган. Уни адолатсиз демоқ хато, нафс измига юришдир. Зеро, нафснинг қиёфаси кўп. У қандай кўринишда бўлмасин – бало. Шу боис халқ «Нафсим менинг балодур, ёнган ўтга соладур» дейди. Унинг бир шакли манманлик. Шайтон адолат қаршисида адолатсизлик дея кибрга берилди ва қиёматгача ҳасад ўтида ёнишга маҳкум бўлди.



«Минг қўйли бойнинг эшаклига иши тушибди» дейди халқ. Алпомиш минг қўйли бой эди. У бутун бошли мамлакатнинг эгаси бўлган. Камига жисмоний қудратда ҳам, ақл-заковатда ҳам тенгсиз эди. Ана шу Алпомишнинг иши битта эшаги бор Кайкубот деган чўпонга тушди. Чўпон йўқолган эчкисини ахтариб, чоҳ бошига келиб қолди. Алп уни сўроққа тутди: «Кимсан?».

Чўпон ўзини танитди. Муродини айтди. Алп чоҳга тушиб кетган эчкини ҳазм қилиб бўлган эди. Ана шу эчкининг суягидан чанқовуз қилиб, чўпонга берди. Чўпон унга марҳамат кўрсатди. Чанқовузни сотиб, бозордан нон олиб келди. Алп яна бир чанқовуз бериб айтди: «Бозорга бориб чанқовузни чаласан, ким ясаганини ҳеч кимга айтмайсан».

Бу чанқовуз Алпомишнинг тили эди. Унинг нағмаси мусофирнинг ноласи бўлди, юракни сел қилди. Шу тариқа Товка-ойим Алпомишни топиб келди. Озодлик сари йўл топилди. Бунга бир эчкининг ўлими, чўпоннинг меҳрибонлиги ва алпнинг хунари сабаб бўлди. Хуллас, мақолдаги ҳикмат шу, мингта қўйим бор деб керилма, кун келиб битта эшаги бор одамнинг қўлига қараб қолишинг мумкин.

Энди ана шу мақол, эпосдаги ҳолатга боғлиқ яна бир фикр.

Давлат қуши деган гап бор. Кунтуғмиш бор мулкидан – болалари, хотинидан айрилиб, қаландар бўлиб қолади. Ана шунда унинг бошига давлат қуши қўнади. Подшонинг вафотидан сўнг сарой аҳли одатга кўра қуш учиради. У кимнинг бошига қўнса, ўша киши подшо бўлиши керак. Қуш уч марта учиради. Аммо у ҳар сафар «қаландар»ни танлайди. Шу тариқа Кунтуғмиш подшо бўлади. Йигитнинг моли йўлда. Дунё ҳам йўл. Қаландар қайтиб Кунтуғмиш бўлади. Йўл-йўлакай хотини ва болалари топилади.

Халқда Кунтуғмиш, Алпомиш каби қаландар аҳволига тушиб қолишнинг яхши изоҳи бор. Яъни «Фалончининг давлати кўтарилди» дейди. Бундай гап одатда ўлган одамга нисбатан айтилади. Кимдир ҳаётдан кўз юмгач, унинг оиласи қанчалик бой бўлмасин, моддиятдан қийналиб қолади. Ваҳоланки, оиланинг пул топадиган одами ҳамон тик оёқда, ишлари ҳам яхши бўлиши мумкин. Шундай ҳолатни халқ вафот этган одамнинг исмини айтиб, «Фалончининг дунёси кўтарилди» дея изоҳлайди.

Алпомиш чоҳда ётганида унинг ҳам давлати кўтарилган эди. Шу боис ҳали тахтда ўтирган Бойбўри бирдан давлатидан, тахтидан айрилди, туябоқар бўлиб қолди. Алпомишнинг онаси, синглиси, хотини ва боласи ҳам бошқаларнинг югурдагига айланди. Нега? Чунки Алпомиш нафсига эрк берди, ақли кетди; ақли кетгач, жисмоний қуввати ҳам кесилди. У чоҳга тушди ва ўлган одамдан фарқи қолмади – давлати кўтарилди. Оқибат, ўғли кетаётганда тахт эгаси бўлган Бойбўри кўп ўтмай туябоқар бўлиб қолди. Алп қайтди, давлати ҳам ўзи билан бирга келди. Ултонтоз дунёга эгалик қиламан деб ўйлаганди, адашди. Чунки у бировнинг ҳаққи бошқа бировда қолиб кетмаслиги ҳақидаги ҳикматни билмасди. Ёки назарга илмасди.

Одамнинг табиати шундай. Кўп ҳикматни назарга илавермайди. Оқибат ўзини бахтсиз ҳисоблайди. Ўша бахтсиз ҳолида бахтиёр эканини ҳам билмайди. Ултонтоз мол боқиб юрганида бахтли эди. Ёнида онаси бор эди. Кўрган, билган Алпомишнинг бўласи дер эди. Алпомишнинг бедарак кетиши Ултонтоз учун бахт синови бўлди. У буни удда қила олмади. Бундай синовдан ўтганлар алп бўлишини эпос бот-бот такрорлайди.

Қоражон тиши кемтик қаҳрамон. Унинг онаси бор, отаси айтилмайди, йўқ ҳисобда. У яхши билан ёмонни фарқлайди. Қалмоқнинг саксон тўққиз алпида эса фақат жисмоний қувват бор. Ҳаёт – синов майдони. Унга келган борки, синовдан ўтади. Унда бошни тик тутиб ўтиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ултонтознинг синови Алпомишнинг бедарак кетиши эди. У Бойбўрига ўғлидай хизмат қилганида иззат топарди. Аммо Ултонтоз бу синовга дош бера олмади. Ўткинчи дунёнинг молига ёпишди. Охири хор бўлди. Қалмоқнинг саксон тўққиз алпи ҳам Алпомиш орқали синалди. Улар фирром йўлни танлади. Бойчиборнинг оёғига гулмих қоқди. Алпомишни маст қилиб, чоҳга ташлади. Ҳақимбекнинг синови эса ўша чоҳ бўлди. Муддао шуки, ким қайси йўлни танламасин, бари ўтди-ю кетди. Ахир донишманд эл бекорга дунёни бозор демаган. У қанча қизиқ бўлмасин, икки газ матони елкага ташлаб кетиш бор. Гап ўша матогача қандай етиб келишда...

Онам гўдаклигида Ҳақнинг ҳузурига кетган опа ва акамни эслаганида «Уларни тушимда кўргандай бўлдим» деган эди. Кейин укам ҳам Ҳақнинг ҳузурига кетди. Бунга ҳам сал демаса йигирма йил бўлди. Ҳозир ўтган умримга боқиб, уни ҳам тушимда кўргандай бўламан. Ҳа, дунё узок кўрилган тушга ўхшайди. Буни Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам айтган: «Дунё ҳаёти тушга ўхшайди. Дунёда мол-дунё эгаси бўлиш тушда хазина топгандай гап. Дунёнинг моли наслдан наслга ўтиб, дунёда қолиб кетади».

Ана шу тушни тўғри таъбир қила олиш – алпларга берилган синовдан мардона ўтиш демак. Қоражон ҳам тушини тўғри таъбир қилди. Ҳақимбек Қалмоқ юртига келаётганда бир жойда дам олади. Шу



кеча Алпомиш, Барчиной ва Қоражон бир вақтда туш кўради. Аввалги иккисининг туши яхшиликдан сўзларди. Улар дийдор яқинлигини кўради. Аммо Қоражон ўрнидан калима айтиб туради. Буни кўрган бир кам тўқсон алп «от торт», яъни «от миниб айланиб кел, кўнгил чигили ёзилади» деб маслаҳат беради.


Кўринадики, Қалмоқ юртнинг келажаги тўқсон алпнинг ичидан фақат Қоражонга аён бўлади. Сабаби, Қоражон бошқа алплардан фарқли ўлароқ, ўзлигини сақлаб қолган, ҳақиқий алплик мақомига яқин эди.

Ҳали кўнглидаги ғашлик тарқамаган Қоражон Ҳакимбекка дуч келади. Қоражон Алпомишни танийди ва бирдан унга дўст эканини билади. Демак, Қоражоннинг тушига Алпомиш Қалмоқ юртига эгалик қилиши кирган. Айни дам унга ҳақ йўлида бўлган Ҳакимбек билан дўст тутиниш айтилган (буюрилган) деб тахмин қилиш мумкин. Кўринадики, тақдирнинг ўзи Қоражонни емирилиб бораётган жамият – қалмоқлардан узоқлашиб, ўзлигини сақлаб қолиш учун кўнғирот элига қўшилишга мажбур эканини кўрсатган. Бунини филология фанлари доктори Шомирза Турдимов «Этнос ва эпос» китобида жуда чиройли тушунтириб берган.

Достон сўнгида Қоражон Ҳакимбек билан кўришади. Достоннинг мен биладиган вариантыда у ҳақида бошқа маълумот берилмайди. Хўш, унинг кейинги тақдирини маълум қилиш бўлди? Назаримда, Қоражон бир муддат ўтиб Қалмоқ юртига қайтган. Шунга ишонгим келади. Қоражон кўрган туш ҳам шунга ишора қилган бўлса ажаб эмас. Шундай ўйлар бизни яна Қоражон ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди. Агар бахши «Қоражон» деган достон айтганида уни Алпомишнинг қайтишидан бошларди. Қоражон тишига заҳа етгани, онасидан ҳам айрилиб, чин етим бўлиб қолганини кўнглининг бир чеккасидан ўтказарди. Бундай ўй ҳар қандай алпнинг ҳам тишини сув олдиради. Шунда Қоражон ўйлайди: «Бу дўст бўлса, элимга қаердаги чўпонни бош қилармиди? Мендайин ошнасини, Қалмоқнинг энг яхши алпини тахтга тайин этмасмиди?».

Шу тариқа Қоражоннинг тишини сув оларди... Лекин бахшиларда бундай достон йўқ. Менга ўхшаган бирон хаёлпараст шундай достонни тўқиб чиқарган бўлса ҳам оммалашмаган. Нега? Чунки Қоражон дўст эди. Уни эл дўст деб таниди. Шундай қабул қилди. Эл айтади: «Туғишганмас, топишган яқин».

Қоражон туғишган акалари қолиб Алпомиш билан топишди. Уларни яхшилик, тушнинг тўғри таъбир қилиниши топиштирди. Энди биз ўтган-қайтганни қанчалик тафтиш қилмайлик, уларнинг тишини сув олмайди.



ДУНЁ ҲАЁТИ
ТУШГА
ЎХШАЙДИ.
ДУНЁДА МОЛ-
ДУНЁ ЭГАСИ
БЎЛИШ ТУШДА
ХАЗИНА
ТОПГАНДАЙ
ГАП. ДУНЁНИНГ
МОЛИ НАСЛДАН
НАСЛГА ЎТИБ,
ДУНЁДА ҚОЛИБ
КЕТАДИ.

Шомирза
ТУРДИМОВ
чизган суратлар

№4, 2025

75

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ХАЗИНАГА
ЙЎЛИҚҚАН

76

—
ФАРЗАНД



Юнус Ражабий кўчаси 20-уй. Пойтахтнинг сўлим манзилида жойлашган. Кўча бўйлаб бораркансиз, муҳташамликни ҳис қиласиз, сокинлик юрагингизга инади. Бир пайтлар шу ерларда академик Юнус Ражабий яшаб ижод қилганини ўйласангиз, хаёлларингиз у киши яратган оҳанглар ила уйғунлашиб кетади. Ўзбек халқининг катта мусиқий мероси жамланиши-ю бунёд бўлишига гувоҳ хонадонда буюк бастакор ҳануз ижод қилаётгандай гўё – жим-жит, ҳамма нарса ўз ҳолича турибди, худди Юнус ота ҳозир қаёққадир чиққану қайтиб келиб изланишда давом этадигандай.

– Отамнинг ижодхонаси алоҳида эди. Онам «отангиз уйда ишляпти» деса бас, ҳаммамиз оёқ учида юрардик. Тик этган овоз ҳам у кишининг кайфиятига таъсир қиларди – дея эслайди устазода Ҳасан Ражабий. – Отам асосан тунда ишлар, кўпинча ярим кечаси соат икки-учларда уйғониб кетсам, ижод хонасидан тинғир-тинғир мусиқа овози келарди. Секин мўраласам, столнинг усти нота қоғозлар билан тўла бўлар, отам кўз қири билан менга қараб, «аччиқ чой дамлаб кел» деб чойнакни бериб юборарди. Бир кунда икки-уч соат ухлар эди, холос. Эслайман, ишхонада ҳам кечки пайт ишларди. Ай-тишларича, «Шашмақом»ни ёзиб оли-шаётганда трамвай овозининг тиниши-ни кутиб, асосий ишни тунги ўн иккидан кейин бошлашар экан.

Юнус Ражабий ўзига қандай талабчан бўлса, шогирдларига ҳам шундай талаб қўярди. Шогирдлари кўп эслайди, улар-га «Ашулани шунчаки ашула қилманг, ҳамма эшитадиган қилинг, унда қалб бўлсин» дер экан. Ҳақиқатан у киши ни-мага қўл урмасин, бутун қалбини бериб бажарган.

**Отам
асосан тунда
ишлар, кўпинча ярим
кечаси соат икки-учлар-
да уйғониб кетсам, ижод
хонасидан тинғир-
тинғир мусиқа ово-
зи келарди.**

Отамизнинг халқ куйларини тўплаб, қайта ишлаб халқимизга тақдим этиши игна билан қудуқ қазишдай машаққатли иш бўлган. Халқ куйларини йиғиш анча илгаридан бошланган. 1938 йили икки жилдлик «Ўзбек халқ кўшиқлари» китоби яратилган. Шу тўпламга кўпгина баста-корлар халқ куйларидан йиғиб киритиш-ган. Отам ҳам ўшанда 200 га яқин кўшиқни китобга ёзиб берган экан. Ва шу китоб

**«АШУЛАНИ
ШУНЧАКИ
АШУЛА
ҚИЛМАНГ,
ҲАММА
ЭШИТАДИГАН
ҚИЛИНГ, УНДА
ҚАЛБ БЎЛСИН»**





сабаб у кишида ўзбек халқ куйларини йиғишга қизиқиш кучайган. Қолаверса, мусиқаларни қувваи ҳофизасида бошдан охир сақлаб қолиш қобилияти ва ёзиш маҳоратининг кучли бўлгани боис атрофидагилар ўзбек халқ мақомларини йиғиб, бир китобга жамлаш таклифини беришган. Ва шу таклиф сабаб Юнус Ражабий мақомни ўрганиб, йиғиб, халққа беқиёс хазина тақдим этди. Бу ҳақда отамнинг ўзи шундай деган:

«Қадимдан мақом деб айтилиб келган классик мусиқий ёдгорлигимиз мақом ашулаларини IX, X, XIII асрларда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва бошқа олимлар чизма рақамлар ва ҳарфлар билан нота қилиб ёзишган. Ўша даврлардан то XVIII асргача “Ўн икки мақом” деб айтилиб келинган. XVIII асрдан бошлаб ҳамма мақомлар бирлаштирилиб, олти мақом, яъни шашмақом деб юритила бошланган. Олти мақомнинг номланиши куйидагича: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ. Бу олти мақомнинг ҳар бирида мушкулот, яъни чолғу қисми ва наср деб аталувчи ашула қисми бўлиб, бу мақомларнинг ҳар бирида 40 тадан то 60 тагача ашула ва мусиқа қисмлари бор. 1959 йилда радио-

комитет қошида мақомчилар ансамбли ташкил қилинди, бу жамоанинг маҳорат билан қаттиқ ишлаши натижасида 1967 йилга қадар мақомнинг ашула йўллари ўрганилиб, 25 соатлик ашула қисмини магнит плёнкаларига ҳамда узоқ айланадиган пластинкаларга ёздирдик».

Отам оилада ўн олти фарзанднинг энг кичиги бўлган. Юз билан юзлашиб яшаган бувимиз Ойшабиби ҳар доим отамни «хазинага йўлиққур» деб дуо қилар экан. Ота-она дуоси ижобат дейдилар, ҳақиқатан бувимнинг супрақоқдиси катта бир

хазинага йўлиққан эди десам муболаға бўлмас. Отамнинг отаси Ражаб бобо катта ер эгаси, ўзига тўқ, бадавлат бўлган, мол, от, қўй боқиб, қассобчилик қилгани учун халқ орасида Ражаб қассоб аталган. У киши етмиш ёшдан сал ўтиб оламдан ўтгани боис биз кўрмаганмиз. Бобомизнинг Новза даҳасида гектарлаб ерлари бўлиб, икки-уч жойига шийпон қилинган экан. Кейинчалик бу ерларни бобомиз уч ака-ука – Шукурвой, Ризқивой ва Юнусвойларга бўлиб берган. Ражаббой қассоб мусиқа шинавандаси бўлганидан ёз паллалари шийпонга Мирза Қосим ҳофиз, Мулла Тўйчи ҳофиз, самарқандлик Ҳожи Абдулазиз ва бошқа санъаткорларни чорлаб тонготар суҳбатлар қилишаркан. Катталарнинг хотирлашича, отамиз кичиклигида, тўрт-беш ёшлар бўлган чамаси, мусиқа эшитса, шу куйга маҳлиё бўлиб қолар экан. Маълумотларга қараганда, Моцарт симфонияни бир марта эшитса хотирасида сақлаб қоларкан. Кичик Юнусда ҳам шундай қобилият бор эди, куйни бир эшитишдаёқ бошдан оёқ ёдлаб қоларди. Бу хислат отамга бувимиз Ойшабидан ўтган экан. Бунни кузатган отаси ўзини доим ром қилиб келган санъ-



ат оламига ўғлини етаклаган. Кенжасини ўзи борадиган сайилларга, ҳофизлар тўпланадиган чойхоналарга, такияхоналарга бирга олиб борган экан. Ана шундай муҳитда ўсган Юнус Ражабий бастакор, мусиқа алломаси бўлиб элга танилиб, халқимизга битмас-туганмас мусиқий меросни китобларга жо қилиб қолдириб кетди. Отамиз бастакоргина эмас, ўзбек классик мусиқаларининг моҳир ижрочиси ҳам эди. Амакиларим ҳам эл орасида машҳур санъаткорлар бўлишди. Ражаббой ота истаги амалга ошган эди.

Серфарзанд Ражаб қассобнинг кенжаси, бўй-басти баланд, келишган Юнус Ражабий ҳам серфарзанд бўлди. Биз ўн икки фарзанд (беш қиз, етти ўғил) эдик. Онамиз Қумри момо уй бекаси, болаларини оқ ювиб, оқ тараб ўтирарди. Кўпинча отам

онамга «сен ҳаёт академигисан» дерди кулиб. Ўн икки фарзандни йўлга солиш, эплаш осонми ахир? Ҳаммамиз меҳнатда тобландик. Уйда ҳеч биримиз юмушсиз ўтирмасдик. Эрта баҳордан далага кўчиш учун от-арава келарди. Устига чиқиб, бир тўда бола чуғурлашиб далага кўчининг гашти ўзгача. Боққа етиб борсак, ўтлар бел баробар ўсган, ҳаммаёқ яшил.

ОЛТИ МАҚОМНИНГ НОМЛАНИШИ ҚҲЙИДАГИЧА: БУЗРУҚ, РОСТ, НАВО, ДУГОҲ, СЕГОҲ, ИРОҚ.

**XVIII
асрдан
бошлаб ҳамма
мақомлар бирлаш-
тирилиб, олти мақом,
яъни шашмақом деб
юрители бошлан-
ган.**



Сайроқи булбуллар саси атрофдаги жимликни бузиб турарди. Ҳаво ҳозиргидан юз чандон тоза, осмон тиниқ, ариқларда оқаётган зилол сувдан ичиб тўймасдик. Далада рўзғорга керакли ҳамма нарсани – полиз экинидан тортиб, резаворлару меваларгача ўзимиз етиштирардик.

Ортганини бозорга олиб бориб, пуллаб ҳам келардик. Қишга тайёргарлик кўрардик,

**Отам-
нинг сўзи биз
учун қонун эди. Тўпо-
лонни ошириб юборсак,
бир марта «ҳой» деб қўйса
бас. Ҳамма жимгина
иш-ишига равона
бўларди.**

меваларни қуритиб, мураббо-ю тузламаларни ғамлардик. Дон-дунлар, хумларда ёғни айтмайсизми, ҳаммасини қоплаб ғамлаганмиз. Отамиз рўзғорни бут тутарди, гўшларни тузлаб қуритарди. Тийрамоҳ келаркан яна аравамизга ўтириб шаҳар ҳовлига йўл олардик. Ўйлаб қарасам, болалигимиз ёмон ўтмабди. Ота-онам бизни меҳнатга, камтарликка ўргатибди. Отам доим ҳаёт қисқа, лекин ҳамма нарсага улгурса бўлади дер эди. Ростданам, ҳаракат қилсангиз, умрингизга барака бераркан худойим.

Бу болалар фақат далада ишлаган экан деб ўйламанг. Дала ишларидан ташқари қизиқ-қизиқ ўйинлар ҳам ўйнаганмиз. Масалан, диафилм аппарати оберишганини яхши эслайман. Қувончимиз ичимизга сиғмаган ўшанда. Ертўламызга жой қилиб, маҳалла болаларига филм қўйиб берардик. Ҳамма қизиқиб томоша қиларди. Ўқиш ҳам эсимиздан чиқмаган, мактабда аълога ўқиганмиз. Яна шахмат, шашка ўйнардик. Ҳайвонот боғига боришни ҳам яхши кўрардик. Маҳалланинг жинкўчаларида ғилдирак айлантириб орқасидан чопардик, ўзимиз варрак ясаб учирардик, чиллак, черта (катта катак чизикчалар чизиб, ўртасига тўртбурчак ёғоч ёки силлиқ тош отиб, чизилган чизикларга тегмай бир оёқ билан катаклардан тепиб ўтказиб катакларни

айланиб чиқиб кетиш керак) ўйнардик. Рўза пайти болалар билан йиғилиб, ҳар уй эшигига бориб рамазон айтардик.

Отамнинг сўзи биз учун қонун эди. Тўполонни ошириб юборсак, бир марта «ҳой» деб қўйса бас. Ҳамма жимгина



иш-ишига равона бўларди. Ҳаммамиз навбатма-навбат отамнинг оёқ-қўлларини уқалардик. Қайбиримиз қайсидир ишни эплотмасак, отам уришиб, танбеҳ бериб ўтирмасди. Эплотмаган ишимизга мос бирорта қизиқ воқеами, латифами ё афандими айтиб, «қилган ишингиз шунга ўхшайди» ёки «сизнинг ишингиз бундан ҳам ошиб тушди» деб мароқ билан куларди. Бу бизга жуда қаттиқ таъсир қилиб, чала ишимизни тезгина тузатиб, тўғрилаб қўярдик. Ҳар қандай масалани босиқлик билан ҳал қилиб, кулги билан тузатиб кетган экан донишманд отам.

Кўп фарзанд бўлганимиз учун отам кийимларнинг энг арзонидан сотиб олиб берарди. Шунгаям роса қувониб, раҳмат айтиб, ўпиб қўярдик. Ҳар биримизни яхши кўрарди, сизлаб гапирарди. Бирор муваффақиятга эришсак, мактаб, алқаб қўярди. Мактаб даврида ҳам ҳар биримизнинг муаллимимиз билан алоҳида гаплашиб, доим назоратда ушлаган.

Ўзимиз кўп бўлсак, бунинг устига уйга дўстларимизни ҳам бошлаб келардик. Кўпинча ётиб қолишарди. Талабалик пайтларимизда-ку, айтмай қўяқолай, вилоятдан келган дўстларимизнинг кўпи бизникида яшаган десам ҳам бўлади. Уйимизнинг бир хонаси меҳмонларга ажратилган бўлиб, тунаб қоладиган дўстларимиз шу хонада қоларди. Отам шу қадар камтар эдики, ҳатто баъзи дўстларимизнинг тўйларига бориб, тўйни ўтказиб ҳам берарди. Ота-онамиз бағрикенг эди, ҳаммани очиққўнгиллик билан кутиб олишарди. Уйимизда отамнинг дўстлари учун ҳам алоҳида хона ажратилган эди. У киши дўсту биродарларини шу хонада кутарди, тунаб қолишса айни хонага жой қилинарди. Эл суйган ҳофизу санъаткорлар билан тонготар



суҳбат қилишарди. Меҳмондорчилик ҳам шунчаки ўтмасди, отам уларга албатта ўзи ош дамлар ёки шўрва қиларди. У киши тайёрлаган таомлардан тотсангиз, мазаси оғзингизда қоларди. Қолаверса, отам шинаванда одам эди, суҳбатлашиб тўймайсиз, латифалардан айтиб, даврани қиздириб ўтирарди.

Юнус Ражабий ўзбек халқининг буюк бастакори, миллий мусиқий маданиятимиз ва ижрочилик санъатининг ривожланишига, ўзбек мақомлари – «Шашмақом»нинг шаклланиши, такомил топиши ва тикланишига салмоқли ҳисса қўшган улкан арбоб эди. Эл ардоғидаги санъаткор беқиёс мусиқий бойлигимизни бутун Ўзбекистон бўйлаб йиғиб, тўплаб, нота ёзувларига кўчирди, сайқал бериб, бойитиб, ўзининг беш жилдлик «Ўзбек халқ мусиқаси», олти жилдлик «Шашмақом» ва «Мусиқа меросимизга бир назар» номли рисоласига (аввалги нашрларига илова тарзида ёзилган) жамлади ва бир неча юзлаб ўзбек классик чолғу куйлари, қўшиқ ва ашулалари, олти ўзбек мақомининг ижроларини, ҳам устозлари, ҳам ўзи ва шогирдларининг бетакрор ижроларини магнит тасмалари ва грампластинкага кўчиртириб, халқимизга битмас-туганмас бебаҳо мерос қолдириб кетди. У киши ўзбек халқ мусиқий мулкининг забардаст хазинабони эди.

Гулжаҳон НАМОЗОВА ёзиб олди



ТИЛ ТУБИДАГИ ГАНЖА

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Замон оғриғини теран ҳис қилган зиёлилар борки, мудом миллат тили атрофида жам бўлган. Улар учун сўз – қурол, тил – руҳият, маърифат – чин маслак эди. XX аср бошларидаги ўзбек зиёлилари орасида Беҳбудий, Фитрат, Элбек ва бошқалар тилимизнинг маънавий кўрбошилари эди.

Камина учун янгидай кўринган айрим сўз ва мулоҳазаларни баён этсам. Беҳбудий асарларини варақлаб, ажиб сўзга дуч келдим. Маърифатпарвар адиб ота-онасига ёзган хатларида юксак ҳурмат ва эҳтиромини намоён қиларкан, тилимизда гўё сийқаси чиққан бир сўзнинг янгича кўринишини келтириб ўтади. «Ташаккурнома», «Мақтов ёрлиғи» каби бир энлик қоғозлар Беҳбудий тилида «Офариннома» кўринишида янграйди:



«Марҳаматлик қиблагоҳим! Мактабга келгандан бери, алҳамдулиллоҳ, тинч ва сихатдурман. Бошқа шерикларим қаторинда сабоқ ўқуб турибман. Биринчи ўқуганларимни имтиҳон бериб «офариннома» олдим. Мактабга асло хафа бўлганим йўқ».

Жадидларнинг нафақат фавқуллода илми, балки келажак юз йилларни ҳис қила олиши мени доим ҳайратда қолдиради. Масалан, Беҳбудийнинг бир даъвати худди кунимизнинг юраги бўлиб турган сунъий интеллект, электрон технологиялар илмини ўрганишга ҳамоҳанг келади:

«Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни худо таоло халқ этди, сизни замонангиздан бошқа, яъни келар замон учун». Профессор Фитрат тилимиз ислоҳига бел боғлар экан, туркий тилимиз қайси манбалардан озиқланиши лозимлигини ўқитиб ўтади:

«Тилимизнинг соф шаклини даладаги эл-аймоқларимизда кўра оламиз. Далада яшаган эл-аймоқларимиз орасида унларнинг жон озиғи бўлиб турган дostonлар, ашулалар, маталлар, лапарлар, кўшиқлар бор. Шунларнинг ҳаммасини буюк бир диққат билан ёзиб олиш керак, эл-улус орасида ёзув доирасига кирган ...каби аристуқрат шоирларимизнинг асарлари бор. «Қутадғу билиг», «Ҳибатул-хақойиқ», «Девони лугатит турк», «Муқаддиматул-адаб» каби эски васиқалар бор. Шунларнинг ҳаммасини қилни қирқ ёриб текширайлик; бири-бирига солиштириб, келиштириб, текли, тубли натижалар олайик...».

Олим шу жумлаи олами билан туркий тил ислоҳига борадиган жаридани чизиб бергандай. Адиб ҳар қандай «илмий ахтаришлар бўлмагунча бунларнинг биртаси ҳам бўлажақ эмас»лигини шу йўсинда таъкидлайди.

Яна бир маърифатпарвар Элбекнинг тилимиз ҳимояси йўлидаги жонбозлиги эҳтиромга лойиқ. У «Туркистон» газетасида «Луғат ва атамалар боби»ни очишни



таклиф этиб, жамоатчиликни фаол бўлмоққа чорлайди.

Тилимиздаги ўнлаб хорижий сўзларни матбуотда эълон қиларкан, туркийча муқобилларини ҳам таклиф қилади. Масалан, мамлакат – ўлка, етим – ўқсуз, духтир – эмчи, дори-хона – эмлок, инқилоб – тўнқариш, мусобақа – ўзишма, тақдир – ёзмиш...

«Тўнқариш»нинг яна бир халқона вариантини ўқиб қолдим – оёқланма! Бу сўз қўзғолон, исён, халқнинг оёққа туриши маъносида муомалада бўлган. Аҳад Андижоннинг «Туркистон учун кураш» асарида шундай ёзилади:

«Туркистонда Русияга қарши бирор исён чиқишига ишонмайман. Бундайин оёқланма содир бўлса, шафқатсиз бостирилади».

Истаймизки, бу топилмалар давомли-давомли бўлғай...

МЕҲМОН ВА МЕЗБОН



Меҳмоннинг туркий халқлардаги об-рўси юксак бўлиб, отадан улуғлиги чўп-чак эмас. Унга иззат-икром кўрсатиш, та-омлантириш, хушхулқ бўлиш мезбоннинг маънавий бурчи. Бу анъана аввало оила-да, сўнгра давлат миқёсида ҳам қадрият даражасида турган.

Алп Эр Тўнга жангномасида меҳмон-дорчилик ҳақидаги юксак фазилатларга урғу берилади:

*Келса ума тушурғил,
Тинсин анинг аруқлуқ.
Арпа саман йағутғил
Булсин ати йаруқлуқ.*

Яъни:

Сеникига меҳмон келса, уни қўндир, у ҳордиқ чиқариб, дам олсин, отига арпа, сомон сол, оти ёруғлик роҳатидан баҳра олсин.

Араб географи ва сайёҳи Абу Исҳоқ ал-Форисий ал-Истахрийнинг «Китаб масалик ал-мамалик» номли асарида Мовароуннаҳр тасвирлари ва аждодла-римизнинг гўзал фазилатлари ҳақи-даги кечинмалар бор. Асарда Мо-вароуннаҳрликларга келган меҳмон хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, ўзини ўз уйи-да деб ҳис қилиши айтиб ўтилади.

«...Мовароуннаҳрда одамлар бир хо-надон кишилари кабидир. Бир киши бошқасиникига ўз уйига киргандай тўхтай-ди. Мезбон йўловчининг бу ишида ёмонлик кўрмайди. Келган меҳмонни танимаса-да, ундан совга умид қилмай оғирини енгил қилишга бор кучини сарфлайди».

Жумлаларни давом эттирамиз: «Улар-да ҳар бир киши борини ўзи ва уйига келган меҳмондан аямайди. Борсанг, катта қаср ва меҳмон учун хона қураётган жой эгасини то-пасан. Унинг вақти кечаси келган йўловчига шароит ҳозирлашга кетишини кўрасан...».

Бу кун бир замонлардаги туркий бобо-ларимиз ер-мулк, бойлик эмас, меҳмон

талашишган десак лофга ўхшар. Аммо асарда шу хислат ҳақида очиқ-ойдин фактлар айтилади:

«...Бир йўловчи тўхта-са, унинг учун баҳслашиб, тортишадилар. Мовароун-наҳрда ҳеч ким на кечаси ва на кундузи одамлар бор жойда нарсасини йўқотиб қўйишдан кўрқмайди. Улар бу борада бошқалар давлат тўплашда баҳслашгани ва бойлиги билан мақтан-ганлари каби ўзаро белла-шади».

Яқингача қишлоқ дар-чаларимизга қулф тугул, чўпак ҳам осилмасди. Аммо асрлар аввал бундан-да улуғвор замона бўлган:

«...Мен Сўғдда шундай ҳовлини кўрдимки, у юз йил-дан кўпроқ вақтдан бери қулflanмайди, ҳамма вақт меҳмонлар учун очиқ. Тў-сатдан бу хонадонга юз-икки юзлаб меҳмон кела-ди, уй эгаси ҳеч қийналмай меҳмонларни от-уловлари билан жойлаштиради ва зиёфат қила олади».

Замонавий ресторан-ларда оқ қўлқоп кийиб хизмат қиладиган офи-циантларни кўп кўра-миз. Бу манзара европача ма-даниятнинг бир қисмига айланиб бўлган. Менинг ҳайратим XV аср бошла-рида Самарқандга, Амир Темур саройига келган Кастилия элчиси Руи Гон-салес де Клавихонинг

икрорида бўлди. У зиёфатларда қўлига махсус қўлқоп кийган хизматкорлар меҳмонларга овқат тарқатаётганини таажжуб билан тасвирлайди. Чунки бу пайтда Европада ҳали оддий гигиена қоидалари ҳам бир маромда эмасди...

Сайёҳ «Самарқандга – Амир Темури саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406-йиллар)» асарида шундай ёзади:

«...Чарм дастурхон устига шу қадар кўп гўшт қўйилган эдики, кўтарганда нақ йиртилиб кетиши мумкин эди. Гўшт келтирган хизматкорлар подшоҳдан йигирма қадамча нари кетганларидан сўнг гўшт майдаловчилар ҳозир бўлдилар, олдиларига пешбанд тутган, қўлларига чарм қўлқоп кийиб олган гўшт майдаловчилар чарм дастурхон ёнига тиз чўкиб ўтирдилар».

Вақтлар ўтса-да, меҳмон ва унинг дастурхонига ҳурмат яшаб қолаверди. Туркий халқлар шу ақидани доим ёдда тутди.

Чингизхон салтанатида ҳам бовурчи (дастурхончи) лавозими бўлиб, у «овқат ва ичимлик мудир», кейинчалик хоннинг асосий ошпази (баковул) бўлган. Буларнинг бари меҳмоннинг иззат-ҳурмати учун эди.

Мезбон меҳмоннинг кўнглини олишдан ташқари жонлиқларига ҳам масъул бўлган. От-уловнинг қорни тўйғазилган. Чорвадор кўчманчи туркийлар пиёда узоқ йўл босиб келган меҳмонга қайтарда от ҳам туҳфа қилгани дostonларимизда, тарихий манбаларда келтирилади.

Бобур мирзо «Бобурнома»да дарбадарлик чоғларида ҳам меҳмон сифатида улуғлангани, ҳатто отларига ғамхўрлик кўрсатилгани ҳақида ёзади:

«...Сешанба куни бирд (дуо) ўқиб, Ёнбулоқ йўли билан Кобулга қараб жўнадик. Аср намози вақти Алгату дарёсидан кечиб, намозшом пайти Қорабуғага келиб, отларга ем берилди. Тезда озгина овқат ҳозирладилар, отлар арпасини еб тугатгач, яна йўлга тушдик».

Меҳмон ва мезбон маданияти бурунги хонликларимизда ҳам давом этди. Саройда нафақат маҳаллий, балки хорижлик элчиларни қабул қилишга мутасадди бўлган шиғовул, дастурхончи, мунший, овқат сузувчи ва ичимлик қуввчи – тўқсоба каби лавозимлар бўлгани барчамизга аён.



ТУРКИЙЛАРНИНГ «ОНТ КОСАСИ»

Онт ичиш ва унга амал қилиш туркийлар учун ор, номус, ҳаёт-мамонт масаласи эди. Ҳатто ичилган онт учун халққа белги бериш мақсадида ош ва сув тарқатилган. Шу орқали аҳдга вафо янада мустаҳкамланган.

Фаолиятим юзасидан аскарларнинг қасамёдига кўп гувоҳ бўлганман. Эл олдида ичилган онт чиндан инсонни бошқа кишига айлантиради.

Нега онт ичилади? Бунинг тарихий асоси борлигига шубҳам йўқ эди. Манбаларда бу хусусида ажиб фактларга дуч келдим.

Қадимда скифлар нафақат ватан ҳимоясини, балки дўстликни ҳам бузилмас қасам билан мустаҳкамлар экан. Ичилган онт бир умр содиқлик, вафодорлик рамзи бўлган. Кўчманчилар жамиятида ҳам қасамёд маросимлари юксак даражада ўтказилган.



Онт атамаси қаердан пайдо бўлди? Бир қанча далиллар бор. Маъно-мазмуни бўйича энг ишонарлиси назаримда «Онт косаси»дир. Милоддан аввалги даврларда хунлар ва хитой элчилари ўртасида «онт косаси» бўлгани, битимлар шу косаларда ичимлик ичилган ҳолда тузилгани ҳақида маълумотлар бор.

Яна бир манбада Чингизхон салтанатида тахтга ўтирган кишининг онт ичиши учун Толу деб номланган коса бўлгани ҳақида айтилади. Онт косаси мўғуллар учун шу қадар муҳим эдики, ҳатто Чингизхон ўғилларидан бирининг исми Толуй (Толу) эди.

Кейинчалик коса халқларни бирлаштирадиган бирдамлик рамзига айланган. Қадимги туркийлар онт косасини қимизга тўлдирар, қасамёд қилганларнинг бари билагини кесиб, томчи қонини оқизарди. Сўнгра жамоа ўша аралашмани навбати билан ичар, қонлар бирлашуви уларга руҳий яқинлик, жипслик бағишларди.

Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида туркийларнинг темирга эътиқоди, унинг номи билан онт ичилишини ўзига хос рамзда ифодалайди. Улар қилични олдиларига кўндаланг қўйиб, «*Bu kök kirsün, qızıl çiqsın*» дейдилар. Маъноси: «ваъда бузилса, бу кўк кирсин, қизил чиқсин, яъни қонга беланиб чиқсин. Бу аҳд бузилса, темир сени ўлдирсин, ўч олсин».

Қасамёд қилиш тарихимизнинг барча этник ва замонавий қатламларида бўлган ва бўлаётир. Амир Темури қўшинидан тортиб Бобур лашкаригача муқаддас онтнинг мавқеи баланд сақланган.

Бобур мирзо қўшин ичида юриб, улар билан бирга қасамёд қиларди. «Бобурнома»да шундай ёзилади:

«Тангри таоло бундай саодатни бизга насиб қилибди ва бундай давлатни бизга яқин айлабди. Ўлган – шахид, ўлдирган – гозий. Барчангиз Тангрининг каломи номи билан бу урушдан ҳеч ким юз ўғришни хаёлига келтирмаслиги ва то танасидан



жони чиқмагунича бужанг ва урушдан чиқиб кетмаслигини айтиб, онт ичмоғингиз керак...».

Шу аснода барча бек ва навкарлар муқаддас Қуръонни қўлига олиб, юқорида айтилган жумлаларни такрорлаганча қасам ичишган. Бундай йиғинлар одатда барчанинг кўз ўнгида ўтказилиб, яқин-йироқдаги дўсту душмanning юрагига қўрқув солган.

Тилимиздаги айрим сўзларнинг маъноси тарихан онт ичишга тенглигини ёддан чиқаргандирмиз эҳтимол. Масалан, индалло сўзи. Гапнинг индаллоси деймиз баъзида. Худди пўсткалласини, лўндасини айтаман дегандай. Бу сўзнинг луғавий маъноси «Аллоҳнинг ҳузурда», «Аллоҳга яқин», «Аллоҳнинг ёнида» дегани. Яратганнинг ҳузурда ёлғон гапириб бўлармиди? Демак, Аллоҳ олдида айтилган сўз бажарилиши шарт бўлган онтга тенг.

СЌЗ БИЛАН УЛФАТЛИК...

Ёндафтаримга тез-тез бирнималар ёзиб юраман. Халқ оғзаки ижодидан, Навоидан, Бедилдан, Анбар Отиндан, Абдулла Қодирийдан...

Уларни на замон, на давр боғламаса-да, сўз қудрати олдидаги жасорат ва маҳорат бирлаштиради. Кутилмаганда бахши шундай дейди:

*Сени миниб доим тўдада чопдим,
Яхши улфатларнинг кўнглини топдим.*

Қаранг, гўё чавандознинг от миниб, гулгун давраларда чопгани кўз олдингизга келади. Аслида маъно ўзани бошқача. Бекмурод Жўрабой ўғлига тегишли ушбу термада бахши «Сени миниб доим тўдада чопдим» дея учқур тулпорга эмас, дўмбирасига мурожаат қилмоқда.

Бахшининг маҳорати, сўз ўйини устаси экани шунда эмасми?

Ҳазрат Навоий «Муншаот»ида узоқни кўра олувчи, ақли ҳар нарсага етадиган кишиларни нима деб атаганини ўқиб, мириқдим. Дурбин деган. Бу сўз форсчада «узоқни кўра олувчи» маъносини англатади. Инсоннинг заковати, тафаккурига нисбатан ишлатилган сўз кейинчалик узоқни яқинлаштириб кўрсатадиган асбобга нисбатан ишлатила бошланган. Ноёб топилма, шундайми?

Мирзо Бедилда ҳам бебаҳо сўз заргарлигини кўраман. Шоир ёзади:

*Нақши маъкуси нигин аз сажда мегардад
дуруст,
Сарнавишти вожгунро рост месозад
намоз.*

Муҳр ўйилган узукка терс хат нақш этилган. Бармоқ букиб нигин қоғозга босилса, муҳрнинг терс хати ўнг бўлади. Эй, инсон, сенинг ҳам пешонангга тақдир хати чаппа ёзилган. Уни ўнг хатга айлан-



тириш учун пешонангни саждага қўй. Сенинг халоскоринг намоздир... Бир муҳрга берилган таърифнинг гўзаллигини қаранг. Яна бир қиёси шундаки, узук оқ қоғозда букилиб сажда қилгани учун у доим эъзозда. Бедилона чуқур фалсафий байт!

Чиндан ҳам халқнинг ҳар сўзи ҳикмат. Абдулла Қодирий уни таърифлар экан, шундай дейди: «Халқ ҳикматлари турмуш онасининг дард чекиб туққан ўғли».

Ажабо, бахши дўмбирани тулпор қилиб чопар, сўз мулкининг султони узоқни кўра олувчи донишмандни дурбин атар, Бедил муҳр орқали инсон тақдирини ўнглари, Қодирий эса халқ оғриқларини ҳикматга йўяр. Буларнинг барчаси тил тубидаги ганжа, сўз қудрати қаршисидаги саждадир.



ЎЗЛИК МОҲИЯТИ



Умрида бир бор бўлса ҳам ҳар инсоннинг қалбидан шундай савол ўтади: «Мен кимман? Қандай яшаяпман? Бу дунёга келишимдан мақсад нима?». Ана шу саволлар инсоннинг ўзини англаш йўлидаги илк муждалардир. Бу йўл кўринадиганидан анча чуқур ва мафҳум, чунки ўзини англаш дегани фақат исм ёки жинс, миллат, касб ҳақида билиш эмас, балки **руҳий, маънавий ва илоҳий ўзлик**ни ҳис қилишдир. Замонавий тил билан айтганда, ўзликни англаш – фақат шахсий идентификация эмас, балки руҳий уйғониш, одамийликни, борлиқни ва Яратувчини англаш жараёнидир.

Дунё яралибдики, инсон ўзи ҳақида ўйлайди, ўзлигини топишга интилади. Унинг айнан ўзи ҳақда мушоҳада юритиши яралиш ва тириклик сабаби бўлмиш илоҳий моҳиятни англашга йўл очади. Аммо ҳамма ҳам бундай бахтга муяссар бўлолмайди. Ўзликни англаш саодати, муболағаси билан айтганда, бармоқ билан санарли инсонларга насиб қилади. Аслини олганда бутун борлиқ – ўн саккиз минг оламни Аллоҳ таоло ўзини танитиш, ўзлигини англатиш учун бунёд қилди. Шунинг учун ҳам у зот ҳадиси қудсийларидан бирида «Мен бир яширин хазина эдим, ўзимни танитмоқ учун дунёни яратдим» дейди. Хўш, Тангри таолони қандай таниймиз? Бунга набавий хабардан жавоб топиш мумкин: «Ким нафсини (ўзини) таниса, Раббини танибди». Демак, инсоннинг башарий ўзлиги бевосита илоҳий ўзликка боғлиқ экан. Зеро, илоҳий каломда айтилганидек, Парвардигори олам одамни яратар экан, унинг тупроқдан бўлган жасадига ўз руҳидан «пуфлайди», яъни жон ато этади. Демак, башарий ўзлик илоҳий ўзликдан бегона эмас.

Муқаддас китобларда келадики, Тангри таолонинг жон ато этган жонзотлари учга бўлинади:

1. Фаришталар. Улар Яратганга тўхтовсиз мақтовлар ёғдириб, тасбеҳ айтишади, унга сўзсиз итоатда туришади (айримларига махсус вазифалар ҳам берилган бўлиб, қайсидир бири ваҳий етказди, бошқаси жон олади ва ҳоказо). Фаришталарда емоқ, ичмоқ каби жисмоний эҳтиёжларни қондириш, умуман олганда нафс деган тушунча йўқ.

2. Ҳайвонлар. Бу жонзотларда фақат нафсоний эҳтиёжлар бўлиб, улар ақл юритиш неъматидан бебаҳрадир.

3. Инсонлар. Ўзида фаришталик ва ҳайвонлик сифатини жамлаган мукаррам яратик. Биз айтиш мумкин, хусусиятимиз – ақл ва нафсга эгаллигимиз билан бошқа жонзотлардан ажралиб турамыз. Шунга кўра

инсон – синтезлашган мавжудот. Агар ақл-тафаккур юксалса, у фариштадан улуғ мақомга кўтарилиши мумкин: малаклар нарсалар номини айтолмаган пайт Одам Ато уларни бирма-бир айтганда, Тангри таоло айнан илми сабаб Одамни улуғлаб, фаришталарни унга сажда қилишга буюргани илоҳий калом билан собит. Нафс қутқусига учиб, ҳайвон қилмайдиган тубан ишларни қилишга қодирлигимиз ҳам инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир.

Бизнинг асл ҳақиқатимиз, чин ўзлигимиз ақл ва нафс мутаносиблигини сақлай олишимизда. Табиийки, инсондаги нафс ҳайвонлардаги нафсдан фарқ қилади: одам боласи нафсини ўзига бўйсундириши, тарбиялаши, Қуръонга кўра айтсак, поклаши керак. Зеро, илоҳий каломда нафсдан баҳс юритиларкан, барчасида инсонга нисбат берилади. Аслида араб тилида «ўз» тушунчаси «ал-нафс» сўзи билан ифодаланади: арабча «нафси» – «ўзим» демакдир. Демак, ҳар бир инсоннинг қандай экани ўзлиги – нафсининг инъикосидир.

Шарқ классик адабиёти ва санъатида энг муҳим ҳамда бош мавзулардан бири ўзлик масаласидир. Ибн Синонинг «Тайр қиссаси», Абу Ҳомид Фаззолийнинг «Рисолаи тайр», Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут-тайр», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари учун асос бўлган «Найнома»си ва «Фиҳи мо фиҳи», Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» каби мумтоз асарларда рамзу мажозлар орқали «мен»ни – ўзликни топишга даъватлар бор, бу йўлдаги машаққат ва йўқотишлар эса маънавий-руҳоний юксалиш, асл ўзликка яқинлашиш сифатида кўрсатилади.

«Маснавийи маънавий» қуйидаги сатрлар билан бошланади:

*Тингла найдин: не ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардан шикоят айлағай.*

*Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нола чекдим, эл ҳама оҳ урдилар.*

Най, Румийга кўра, ориф инсон тимсоли. Ориф – маърифат соҳиби бўлган зот, у олам ва одам, тириклигу йўқлик, холиқ ҳамда махлуқ каби муҳим тушунчаларни бор моҳияти билан чуқур англайди, уларни теран мушоҳада қилади. «Айрилиқлардан шикоят» қилаётган най ўзлиги – қамишлик пайтини жуда қўмсайди; ориф инсон ҳам ўз асл ватани – руҳоният дунёсидан кўчиб, азият ва ранжу балолар маскани бўлмиш ерда қўним топганидан ёзғиради. Бундай зотлар жисман заминда бўлсалар-да, руҳан илоҳий руҳониятга талпинади.

Шарқ фалсафаси ҳамда тасаввуф таълимотида «ўзлик» иккига бўлиб талқин қилинган. Биринчиси – жисмоний-башарий ўзлик, иккинчиси эса маънавий ўзликдир. Башарий ўзлик инсоннинг савқи табиий, яъни туғма хусусиятлари, нафсоний майллари асосида шакллангани боис тасаввуф аҳли уни тубдан ислоҳ қилиш, ҳайвоний, шайтоний ҳирслардан фориг бўлган, сайқал топган бир «мен»ни шакллантириш ғоясини илгари суришган. Шунинг учун ҳам бунга маънавий жиҳатдан «иккинчи туғилиш» деб ном беришган. Айнан шундан кейин инсонда иккинчи – маънавий ўзлик («мен»лик) шакллана бошлайди. Бу «туғилиш» асосан сайри сулук – тариқат йўлида комил пир ёки муршиднинг таълим-тарбияси орқали юзага келади. Шу маънода, улуғ турк мутасаввиф шоири Юнус Эмро *«Мени менда деманг, менда эмасман, Бир мен бордир менда, мендан ичкари»* деганда ана шу «мен»ни назарда тутган.

Нақшбандийлик тариқатига кирган солик нафс мужодаласида ўзига хос ўн бир усулга таяниб иш тутмоққа одатлантирилган. Бу усул-йўл илмда «рашҳа» деб аталади. Шундай рашҳалардан бири «Сафар дар ватан» деб номланади. Бу усулнинг бир қанча маънолари бор, улар тасаввуфий-ирфоний китобларда батафсил шарҳланган.

Бизнингча, «Сафар дар ватан»ни яна шундай англаш мумкин: инсон ўз вужудини маънавий бир ватан деб билиб, унда тез-тез сафар қилиб туриши лозим: кўз ҳалол бўлмаган нарсаларга боқмаяптими, тил ғийбат ва лағв(беҳуда гап-сўз)дан йироқми, қадамлар марғуб ва мандуб жойларга етаклаяптими, энг асосийси, қалб гуноҳлардан харобага айланмаяптими – шуларнинг баридан бохабар бўлиш жуда муҳим. Бу, илм тили билан айтганда, ўз-ўзини тафтиш қилишнинг энг муросасиз, аммо энг зарур методларидан биридир. Шунинг учун мумтоз адабиётда сафар мотиви ўзлик концептининг моҳиятини ёрқинроқ очиб беришда муҳим воситага айланган.

Масалан, «Лисонут-тайр»да мусофир қушлар Семурғни излаб йўлга чиқади. Бир қанча водийлардан ошиб ўтади, йўл машаққатига бардош бера олмаган баъзи қушлар ортга қайтади. Қолган қушлар Семурғни жисман топишмаган бўлса-да, охири ҳар бири ўзининг Семурғ эканини англайдилар.

Дарҳақиқат, сафар мусофирни тоблайди, жисм ва руҳдаги маънавий хомликларни пиширади. Қушлар ҳам сафарга чиқиб, заҳмату машаққат чекмаганида ўзликларини – Семурғни топа олишмасди.

Вужуд, нафс, ахлоқ, қалб ва руҳ илми ўзликни таниш, одамийлик моҳиятини кашф этишга равнақ берганидек, тасаввуф адабиётининг ривожини ҳам таъминлаган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзлик моҳиятини очишда кўп ҳолларда нафс, фақр, фано тушунчаларига таянади. У бир ғазалида шундай дейди:

*Қил ўзлукунг кесагин поймол бирла губор,
Йўқ эрса балчиг ўлур фисқ суйи бирла кесак.*

Шоирга кўра нафс қутқуларидан халос бўлмаган ўзлик «кесагин»и парчалаш, чанг-ғуборга айлантириб юбориш лозим.



Акс ҳолда, фисқ (ахлоқсизлик, бузуқлик, адоват) суви кесакни балчиққа айлантиради ҳамда асл «мен»лик ботқоққа фарқ бўлади.

Тасаввуф таълимотига асосан фано (йўқ бўлиш) сўзи «мен»лик шууридан халос бўлиш ва «мен»нинг баъзи сифату хусусиятларига барҳам бериш мазмунини ифодалайди. Фано, шунингдек, нафсдан фоний бўлиш – қутулиш, вуслат – Ҳақ висолига етишишнинг асосий шарти саналган. Шу боис Навоий бир ўринда ёзади:

*Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано музди.
Ул иморатни бузмайин солиқ,
Бўла олмас бу нақдга молик.*

«Ўзлук иморати» дея шоир, шубҳасиз, нафсни назарда тутмоқда. «Ўзлук иморатин» бузиб, нақди фанони қўлга киритиш – башарий-нафсоний сифатлардан фориг янги бир маънавий «мен»га эга чиқишдир.

Тасаввуф назариётчиларининг нуқтаи назарига кўра, башарий «мен» ва «менлик»нинг ўрни, мақоми паст, иккинчиси – маънавий «мен»ники жуда юқори ҳисобланади. Чунки дастлабкиси башарий, яъни жисмоний, моддий, ҳайвоний ва нафсоний ўзликдир. Иккинчиси эса маънавий, руҳоний, ғайбий, малакий сифатларни ўзида мужассамлаштирган.

Фано аслида йўқни бор, борни эса йўқ деб билишдир. Чунки бор (ва аслида ортиқча) бўлган иллатлар йўқолган лаҳзада йўқ (ва энг муҳим) маънавий фазилатлар барпо бўлади. Мавжудлик, яъни дунё адам (йўқликдан) яралган ва яна йўқликка юз тутажак. Шунинг учун инсон энг аввало эришишда йўқотиш, йўқотишда эришув борлигини англаши зарур. Ана шунда у нимагадир боғланиб, маънан тўхтаб қолмаганидек, хом ва ўткинчи мақсад, нафсоний манфаат ва иддаолар тузоғига тушиб, умрини ғафлатда ўтказмайди.

**Тасаввуф
назариётчиларининг
нуқтаи назарига
кўра, башарий «мен»
ва «менлик»нинг
ўрни, мақоми паст,
иккинчиси – маънавий
«мен»ники жуда юқори
ҳисобланади.**

Шу маънода, орифу комил зотлар ҳур ва фаол «мен»ни камолга етказишга алоҳида диққат қаратишганки, улар нафс таъсиридан халос бўлмагунча, сўзлаш ёки ёзишдан кўра сукут сақлашни афзал билиб, бунга қатъий риоя қилганлар. Шунинг учун ҳам улар «мен» деган сўзни истифода қилишдан узоқ бўлишган. Чунки «мен» баъзида фақат ўзни эътироф этиш, ўзгаларни назарга илмаслик суратида ҳам кўриниш беради. Шу боис ҳам «мен (оловдан яралганман)» деган Азозил ўзлигини йўқотиб, Иблисга айланди. Шу боис тасаввуф аҳли орасида ужб деган иллатдан эҳтиёт бўлишга қаттиқ ҳаракат қилинган. Ужб – ўз-ўзига маҳлиё бўлиш, ўз-ўзидан ажабланиш, қилаётган амалларидан кеккайишдир. Ужб секин-аста манманликка, кибрга олиб боради. Бунинг натижасида инсон ўзидан бошқаларни кўрмайди, уларни писанд қилмайди, фақат ўзининг шахсияти ва амалини юқори санай бошлайди. Кибр эса инсонни маънавий жиҳатдан ҳалокатга етаклайди.

Яна Навоийда шундай муҳташам байт бор:

*Десанг фалакка чиқай, фоний ўл аносирдин,
Нединки, рухунгдадир чормих бу тўртов.*

Бу байтни теран англамоқ учун биринчи мисра сўнгидаги аносир сўзи ва унинг моҳиятини яхшироқ билмоқ керак. Аносир – унсурлар демакдир. Қадимдан инсон тўрт унсур – ҳаво, тупроқ, сув, оловдан ташкил топган дейилади.

Бу тўрт унсур нафақат инсон табиасти, балки бутун олам таркибини ҳам ифода этади деб қаралади.

Тасаввуфда ҳам инсоннинг комилликка эришиши шу тўрт унсурнинг уйғунлиги орқали амалга ошади. Инсонни «кичик олам» (олами суғро) деб аташган. Бу дегани, инсон бутун оламнинг бир кичкина намунаси – микрокосмосдир. Ушбу унсур-

ларга тасаввуфдаги маънавий рамзийлик нуқтаи назаридан қарасак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Олов – ирода ва руҳий ғайрат. Тасаввуфда бу унсур «ишқ» ва «шавқ» билан боғлиқ. Масалан, Мавлоно Румий айтади: «*Ман оташи ишқам, на сухтаму на сўзандам...*». Олов – ички руҳий ёнғин, Ҳақни излашдаги улкан сўзсиз чорлов. Бу унсур комил инсонда башарнинг Аллоҳга интилиши сифатида зоҳир бўлади.

Сув – қалб ва муҳаббат. Сув – тасаввуфда фақат жисмни тозартирувчи эмас, балки «қалбни покловчи» унсур сифатида ҳам талқин қилинади. Сув мисолида инсоннинг руҳий равшанлиги, муҳаббати, кўз ёшлари келади. Шайх Аҳмад Яссавий ёки Машраб ижодида «сув каби пок дил» ҳақида сўз юритилган.

Ҳаво – нафас ва руҳ. Бу унсур нафас олиш, зикр қилиш ва руҳий тозалик билан боғлиқ. «Ҳаво» сўзи тасаввуфдаги «ҳавойи нафс» тушунчаси билан ҳам боғлиқ, яъни уни тарбия қилиш орқали инсон нафси ортидан эмас, руҳи ортидан юради. Шу сабабдан ҳам нақшбандийликдаги юқорида эслганимиз ўн бир рашҳанинг бири бўлган «Хуш дар дам» усулида солиқ ҳар бир нафасидан хушёр – хабардор бўлиб юриши, ҳатто икки нафас оралиғидаги вақтнинг ҳам беҳуда ўтмаслигига аҳамият бериши лозим.

**Сув – қалб ва муҳаббат.
Сув – тасаввуфда фақат
жисмни тозартирувчи
эмас, балки «қалбни
покловчи» унсур
сифатида ҳам талқин
қилинади.**



Ер – сабр ва хокисорлик. Ер унсури сабр, хотиржамлик, барқарорлик рамзи бўлиб, комил инсон ер каби хокисор, қувватли ва баракали бўлиши керак.

Маълумки, нафс мартабаларидан дастлаб Ҳаким Термизий сўз юритиб, уларни нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулҳима, нафси мутмаинна дея номлаган. Навоийшунос ва тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққулга кўра, нафсининг мазкур мартабалариникиейинчаликсўфийлар «аносири арбаъа» – тўрт унсурга қиёслашган. Чунончи, нафси аммора оловга, нафси лаввома шамолга, нафси мулҳима сувга, нафси мутмаинна тупроққа ўхшатишган ва уларнинг ҳар бирига ўн хусусият нисбат берилган. Бундай моддийлаштирув эса нафсни, демакки, инсоннинг ўзлигини яқинроқдан англашга хизмат қилган.

Ўзини англаш йўлида инсон албатта нафси билан юзлашади. Бу нафсда ҳирс, ғазаб, кибр каби салбий хислатлар бор. Лекин Аллоҳ инсонга ақл ва қалб орқали бу нафсни тарбия қилиш қудратини берган. Бу риёзат, узлуксиз маънавий курашнинг талаб қилади. Қуръонда шундай дейи-

лади: «*Ким нафсини покласа, нажот топибди*» (Шамс сурасининг 9-ояти). Бу фақат «гуноҳ қилмаслик» эмас, балки қалбни мусаффо этиш, руҳни юксалтириш, шубҳа ва ғафлатдан қутулиш демакдир.

Энди яна байтга қайтсак. Аносирдан фоний бўлиш – ўзликдан кечиш, илоҳий файзга эришиш, руҳий-маънавий юксаклик демакдир. Тўрт унсурдан бунёд бўлган инсон жисми ичида латиф, ҳузури илоҳийдан инган руҳ мавжуд бўлиб, у инсон маъсияту гуноҳга боғлангани сари азоб чекади, укубат тортади. Шу боис инсон «аносир» муаммоси – ўзликдан фоний бўлишни етарли зайлда билиб, имкони етгани қадар уни ҳал этмаса, у юксалдим деб ўйлагани сари ботинидаги чиркинлик, тубанлик ва ҳайвонийлик офатларидан тўла халос бўлолмайди.

Башарият яралгандан бери нозил бўлган барча динлар ва уларнинг муқаддас битикларида, улуғ донишманд ҳамда файласуфларнинг ваъзу насиҳатларида инсон доимо тўғриси бўлиши, ҳаётдан маъно излаб яшаши, ўз асл моҳиятидан узоқлашмасликка даъватлар бор.

Куръони каримда Одамнинг туп-роқдан, унинг болалари эса нутфадан яратилгани, шундай арзимас моддадан бунёд бўлган инсонни Яратган зот мукарам қилгани эслатилар экан, бандаларининг бунга муносиб тарзда итоат ва ибодатда яшаши лозимлиги кўп уқтирилади.

Шу ўринда ибодат сўзини ҳам бироз кенгроқ тавсифлаш зарур. Бу сўз тор маънода намоз, рўза, ҳаж каби шариат амалларини бажаришни англатади. Лекин куръоний моҳиятга кўра ибодат жуда кенг маъноларни ўз ичига олади.

Ибодат арабча «аъбада» феълидан ясалган бўлиб, «бўйсунуш», «итоатда бўлмоқ», «қуллик қилмоқ» каби маъноларни англатади. Илоҳий каломда «Жин ва инсонни фақат менга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зориёт сурасининг 56-ояти) дейилади. Ибодат сўзи юқорида айтилганидай тор маънода тушунилса, тамоман бошқача моҳият касб этарди: жинлар ва инсонлар эрта-ю кеч фақат ибодат билан машғул бўлишлари лозим бўларди. Тўғри, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллар улуғ ибодатлар саналиб, шулар воситасида банда ўз Яратувчисига яқинлашади. Лекин Тангри таолонинг биз бандаларига ёлғон гапирмаслик, чақимчилик, туҳмат ва ғийбат қилмаслик, ўзгаларнинг моли ва жонига ноҳақ зиён етказмаслик, гўзал сўзлаш ва кишиларга манфаат етказиш, ота-онага яхшилик қилиш, илм олиш ва ҳалол яшаш ҳамда шу каби бир қанча амрлари ҳам борки, буларни бажариш ҳам қуллик ва итоат намунасидир.

Демак, илоҳий мезонга кўра ёмон ишлардан тийилиб, нимаики гўзал амал бўлса, ўшаларни сидқидилдан бажариб, халқ ва Холиқни хушнуд этиш бандаликнинг асл моҳиятидир.

Олий таълим муассасасида билим бераётган ўқитувчи сифатида жамиятда, айниқса келажагимиз эгалари бўлган ёшлар орасида айнан уларнинг ёшида

шаклланиши керак бўлган гўзал фазилатларнинг камайиб бораётгани мени баъзан хавотирга солади. Арзимаган баҳога эга бўлиш учун устозини алдаш, сабоқдошларига таъна тошлари отиш, туҳмат қилиш каби иллатлар кўп кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, тўрт йил давомида уларга ахлоқни сайқаллаш, умрни беҳуда ўтказмаслик, суратни зийнатлаш эмас, аксинча, сийратни гўзаллаштирмоқ каби улуғ фазилатлар тарғиб қилинган «Қутадғу билиг», «Ҳибатул-ҳақойиқ», «Ҳайратул-аброр», «Саботул-ојизин», «Роҳати дил» ва шунга ўхшаш яна ўнлаб асарлар ўқитилади, улуғ устозлар жидду жаҳд билан мазкур асарларнинг моҳиятини онгу шуурларига, қалбларига синдиришади. Лекин самараси жуда кам.

Бир йили асосан қўшимча тўлов («суперконтракт») эвазига ўқишга қабул қилинган кечки таълим талабаларига дарсга кирдим. Иккинчи босқичда ўқишарди. Аслида кечки таълим талабаларининг ўқишга қизиқиши кундузги таълимдагиларникига қараганда бироз паст, шундай бўлса-да, талабни қаттиқроқ қўйиб, дарсларни бошладим. Лекин улар борган сари ўқишга юзаки қараб, айримлари очиқчасига тирикчилик учун ишлаётгани, шу сабабли ўқишга имкони йўқлигини писанда қилишарди. Орадан икки ойча вақт ўтиб, вазият ўнглазмаётганига амин бўлгач, талабаларни сал сергак торттириш ва ўқишга ундаш учун уларнинг ота-оналарига қўнғироқ қилиб, деярли ҳаммасига одоб доирасида «Болангиз аслида яхши ўқийди, фақат охирги кунларда ишлаш билан андармон бўлиб, дарсларга беэътибор бўлиб қолди. Сал жиддийроқ назоратга олиб, ўқишларини суриштириб турунг. Биз ўқитувчиларга қўнғироқ қилиб, болангизни сўраб турунг, ўқишига бефарқ бўлмаг» дедим. Аммо барибир бу «одобга чақириш» усули талабаларни ўзгартиролмади...



**Болангиз аслида
яхши ўқийди, фақат
охирги кунларда
ишлаш билан
андармон бўлиб,
дарсларга безътибор
бўлиб қолди.
Сал жиддийроқ
назоратга олиб,
ўқишларини
суриштириб туринг.**

АЛекин энг аламлиси, ота-оналарнинг бирортаси фарзанди учун қайғуриб менга қўнғироқ қилмади...

Бир қарашда бу гапларнинг мавзуга алоқаси йўқдай кўринади. Лекин моҳиятан биз очишга ҳаракат қилаётган масаланинг бир жиҳати шунда намоён бўлиб турибди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги вазифани, инсон-фуқаро сифатидаги миссиясини тўла бажармаётгани кўринади: ўқувчи-талаба илм олиши кераклигини, ота-она фарзандини мустақил ҳаётда ўрнини топунига қадар назорат қилиши лозимлигини, шифокор ҳеч бир тамасиз беморга шифо топишда ёрдам бериши зарурлигини, адолатни таъминлаши керак бўлган суд тизими ҳодимлари пора эвазига айбланувчига ён

босмаслиги кераклигини муҳим санамаслик ҳолатлари жуда кўп учрамоқда. Буларнинг бари иллат, бора-бора жамиятни емиради, мамлакат тараққиётига путур етказа бошлайди. Буларнинг давоми, ечими эса асл ўзликда – миллий, диний, ахлоқий қадриятларимизда, донишманд халқимизнинг бир неча минг йиллик ҳаёт тажрибаси, аجدодларимиз қолдирган маънавий меросда.


Бу масала фақат адабиёт ёки тасаввуфнинг мавзуси эмас, балки социология, психология, фалсафа каби фанлар учун ҳам алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланади. Агар шундай тадқиқотлар олиб борилса, умумбашарий муаммо ва фожиаларга ечим топиларди, миллатлар ва жамиятлар янада тараққий этган бўларди.

■ ЭЛ ОДАМЛАРИ

Собиқ Ҳарф терувчи ва қурғошчи

Бек АЛИ

О
И
Д
И



Т

оғам бизникига келган ўша куни ҳали мактабга чиқмагандим. Мен учун борлиқ уч хона ва олди очиқ айвонли чўпкори уй-

имиз, кўча устидаги оғзига тунука бостирилган бақай тандиримиз, тос суяклари айридек чиқиб турган оқ сигиримиз, қулоқлари шалпайган ҳайбатли итимиз, кўча бўйлаб бўй чўзган тераклар, ота-онам ва укамдан иборат эди. Бироз одамови эдим.

Кўчада болалар пайпоқдан ясалган тўп тепар, қизлар ҳаптак, гоҳ биргалашиб яшинмачоқ ўйнардди. Уларга камданкам қўшилардим. Менинг ҳам севимли машғулоти бор эди: уйимиз ёнидаги супага расм чизардим. Қўлимга чўп олиб, ота-онам, укам, уйимиз ҳамда дарахтларни чизардим, ўзимни ҳам қўшиб қўйишни унутмасдим. Мен учун бу ўхшар-ўхшамас, майишиб-қайишган тасвирлар санъат асари эди.

Кейин бу асар устидан бир гала тенгқурларим югуриб ўтиб кетарди, тўхтатиб қолишга журъатим йўқ. Улар баъзида билмасдан, баъзан атайлаб мени таҳқирларди. Зинҳор ота-онамга шикоят қилмасдим. Фойдаси ҳам йўқ. Кўпинча арз-додим бирор юмуш, масалан, сигирга ўт териш бериш билан барҳам топарди.

Шундай кунларнинг бири эди. Қуёш қишлоғимиз осмонига осилиб қолгандай қимирламас, теракларнинг учи силкинадигу шамол сезилмасди. Мен қўлимдаги чўп билан тупроғи кўпчиган супага аллақандай расм чизардим. Бу ишга киришиб кетганимдан қаршимда турган одамни ҳам пайқамабман.

Бош кўтариб, қаршимда басавлат кишини кўриб, учиб тушдим. У эгар ортига каттакон ёғоч қути ортилган кулранг велосипедга суяниб, мулойим жилмайиб турарди. Қалин қошлари остидаги кўзлари самимий боқар, юзида мамнуният балқиб турарди. Оппоқ сочлари улуғворлик улашиб, устидаги катак-катак, ёқали кўйлагига хокисорлик бағишларди. Шу ҳолатни



Қўлимдаги сарғиш қоғозлар кўзимга мен кашф этадиган дунёнинг хомашёси бўлиб кўринди.



ҳозир эсласам, тоғамнинг Хемингвайга қуйиб қўйгандек ўхшаш бўлганлигини сезаман. Фақат қиртишланган соқолини айтмаганда. Бу албатта биринчи учрашув эмас, тоғамлигини билардим. Унинг қучоғига отилдим, ҳарна-да, ота томондан ҳам, она томондан ҳам бобо меҳрини туймаган болага, тоға ҳам бўлаверади.

У мени даст кўтариб бағрига босди, юзимдан ўпди. Тағин мен чизган суратга маҳлиё бўлди. Бизнинг суҳбатимизни эшитиб, уйдан ота-онам чиқиб келди. Улар ҳол сўрашаётганда тоғам келтирган «жўхори қаламчалари»дан бирини укамга беришга шошилдим.

Дастурхон атрофида ўтирганимизда тоғам ота-онамга мен ҳақимда, аниқроғи, келажакда рассом бўлишим мумкинлиги борасида гап очди. «Рассом» сўзини тушунмасам-да, энди ҳар ҳафта тоғам менга қоғоз олиб келишини, фақат қоғозга расм чизишимни эшитиб, рассом бўлиш ёмонмаслигини билиб олдим. У тағин таҳририятда қоғоз кўплиги-ю хоҳлаганча сарфлаш мумкинлигини айтди. Бу «таҳририят» деганларини шу қадар яхши кўриб кетдимки, ўша жойда отам ҳам ишлаганда эди деб бироз ғашландим.

Тоғам биз билан хайрлашиб, шиминг ўнг балоғини қистирғич билан тишлатаётганда, велосипед эгаридан оёқ оширганда, педални вазмин-вазмин босганда укам иккимиз у кичрайиб-кичрайиб, муюлишда ғойиб бўлгунча ортидан тикилиб турдик.

У кетар олдидан менга бир тутам қоғоз тутқазди. Ҳа, бу зўр иш бўлди. Қўлимдаги сарғиш қоғозлар кўзимга мен кашф этадиган дунёнинг хомашёси бўлиб кўринди. Энди бу қоғозларда қалбимни қамраб олган тасвирларни ифодалашим мумкин эди. Дейлик, учар одам, қўли бор ўрдак, икки оёқда юрадиган сигир, оёғи бор уй, хуллас, нимани истасам ва қандай бўлишини хоҳласам бас. Муҳими, энди ҳеч ким бу қоғозлар устидан юриб ўтолмайди, ўчириб ташлолмайди!

Уйдагилардан сўраб билиб олдим, етти марта ухлаб турсам тоғам келаркан. Отам бахиллик қилмади, бозордан рангли қалам кўтариб келди. Назаримда атрофимдагилар менга меҳр беришда кимўзарга баҳслашарди. Укам қаламлар учини чиқариб берар, онам чизган расмларимни олқишларди. Орзуларим ушала бошлагач, янги орзу пайдо бўлди. Қанийди, дердим хаёлан, ҳеч қачон




Қанийди, дердим хаёлан, ҳеч қачон чироқ ўчмаса-да, орқа уйда ухلامасдан расм чизсам. Бунинг имкони йўқ экан...



чироқ ўчмаса-да, орқа уйда ухلامасдан расм чизсам. Бунинг имкони йўқ экан... Майли, яхшиям беминнат қуёш бор, беминнат мойчироқ бор, шишаси қунт билан артилса, анча равшанлашади.

Биринчи гал қоғоз уч ухлаб турганимда тугади. Демак, шошмашошарлик қилибман. Тоғам учинчи марта қоғоз олиб келганда буни ҳам изга тушириб олдим. Унинг айтишича, ўша қоғоз сероб бўладиган таҳририятда тоғам ҳарф тераркан. Мен нодон буни далада ўт теришдай тасаввур қилгандим, йўқ, бу ҳарфлар кичик қўрғошинларга муҳрланган эмиш. Тоғам қаршисидаги дастгоҳда қайси ҳарф кераклигини танласа, темир қўллар ўша ҳарфни оларкан-да, юқорига кўтариб, кетма-кет қўйиб кетавераркан. Сўнг сўзлар, ундан кейин гаплар ҳосил бўларкан. Гарчи бу дастгоҳни умрим бино бўлиб кўрмаган бўлсам-да, бу жараён жуда қизиқ туюлди.





Онам мактабдан кўтариб келган дастурхондек газета ўша, тоғам таърифлаган қўрғошин ҳарфларнинг маҳсули экан.

Тиззасида ўтириб, укам иккимиз тоғамни мароқ билан тинглардик. У зангори экрандаги Қундуз амакидек хотиржам сўзларди. Онам мактабдан кўтариб келган дастурхондек газета ўша, тоғам таърифлаган қўрғошин ҳарфларнинг маҳсули экан. Тагин дастурхонга фотиҳа қилинар, тагин тоғам шимининг ўнг балоғини елим қистирғич билан тишлатар, тагин муюлишгача унинг ортидан қараб қолардик.

Дарвоқе, тоғам қўшни қишлоқда яшайди. У ишга бориш учун туман марказигача йигирма чақирим юриши керак. Борди-ю, бизнинг қишлоқ билан айланса, яна беш чақирим қўшилади. Бундан кейинроқ хабар топдим. Бир сафар онам билан уларникига меҳмонга бордик. Икки қишлоқ орасидаги Хўжа ариқнинг лойқа суви пишқириб оқарди, мен шу баҳона тасавурумни бойитиб олдим, уларни кейинги расмларимга киритиб ўтдим.


Бизни кутиб олган иморат ҳашаматли эмас, бироқ файзли эди. Тоғамнинг биздан бир ёш катта ўғли укам иккимизни ўйинчоқлар, янги ўйинлар, уйдан бекитиб олиб чиқилган ширинликлар билан сийлади. Тоғам ишдан қайтганда бизни кўриб севиниб кетди, бағрига босиб, пешонамиздан ўпди. Юзимга соқолини ишқалаганди, тикандек ботди. Укам уларнинг меҳмонхонасидан ғаройиб бошқийим кўтариб чиқди. Бу худди «Денгизчи Папай» деган мулфилмдаги кепканинг ўзгинаси эди. Тоғам уни укамга совға қилди.

Ўша куни тоғамнинг денгиз флотда хизмат қилганини билиб олдик. Гўё мени тақдир тинимсиз сийларди. Шусиз ҳам ғаройиботга бой таҳририятда, қўрғошин ҳарфлар ичида, ҳарф терувчи темир қўллар билан тил топишиб олган тоғамнинг флотда хизмат қилгани мен учун катта топилма эди.

Охири кўринмайдиган уммон ҳамда улкан кемалар ҳақида гапирса, нигоҳларида олис ўтмиш йилтиллари, у ўша кемада чағалайларга термулар, ватан соғинчи, тўлқинлар шовқини ва чексиз бўшлиқ ҳақида гапираётгандек туюларди. Укамнинг сабри чидамайди, «Милтигингиз ҳам бўлганми?» дейди чаккасини қасиб. Тоғам улкан гавдасини силкитиб кулади-да, «Ҳа, жиян, бўлган, – дейди бош бармоғини маънилатиб. – Зўри бўлган!». Укам яна саволга тутди: «Ўқи ҳам бўлганми?», «Ҳа, ўқи ҳам бўлган!». Бироз ўйланиб қолган укам «Ўқи қанақа бўлган?» дейди эзмаланиб. Тоғам кулади, «Эй тинмас жиян-е, ўқи кўрғошиндан бўлган-да!».

Эътироз билдираман, «Тоға, тоға, ҳарф кўрғошиндан бўлади, ўқ эмас!». Бир лаҳза менга қараб ўйланиб қолади, сўнг бир хўрсиниб, «Ўқ ҳам кўрғошиндан бўлади, жиян» дейди.

Уйга қайтгач, тобимиз қочди. Кўрпатўшак қилиб ётишга тўғри келди. Бунинг асл сабабини болалар ҳеч қачон катталарга ошкор қилмайди. Ахир кун бўйи ўйин-кулгидан терга ботиб, муздай сув ичаверганини, тоғачалари музқаймоқ билан сийлаганини, улар ҳам эртани ўйламай, қўлига тушганни оғзига тикқанини айтиб бўлмайди-ку!



«Тоға, тоға, ҳарф кўрғошиндан бўлади, ўқ эмас!». Бир лаҳза менга қараб ўйланиб қолади, сўнг бир хўрсиниб, «Ўқ ҳам кўрғошиндан бўлади, жиян» дейди.

Укам денгизчилар бошқийми билан қўшни болаларнинг оғзини очиб қўйди. Мен ҳам етти марта ухлаб, қоғозга эришишда, уларни суратга тўлдиришда давом этдим. Билмайман, бу қачонгача чўзилди, аммо туман таҳририяти «истеъдодим»ни яхшигина қурбонликка тайёрлаётган эди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда замонавий компьютерлар кириб кела бошлади. Қўл телефонлари оммалашди. Бундай цивилизация тоғамнинг ишини тортиб олди. Менга эса отам аллақачон расм чизишдан фойда йўқлигини уқтира бошлаганди. У қаршилиқ қилмаган тақдирда ҳам тушгача мактаб, кейин мол боқиш ёки ўт териш келишининг ўзиёқ ҳолдан тойдирарди. Мойчироқ ёруғида уйга вазифаларни тайёрлаб бўлгач, тарашадай қотиб ухлардим.

Йиллар жуда тез ўтди. Ҳеч нарсага улгуриб бўлмас, ўн саккиз ёшида ўлган укам учун аза тутишга ҳам вақт йўқдек эди. Аммо «таҳририят» сўзини эшитсам, эгим жимирлаб кетар, ҳатто менинг ўрним ўша ерда деб ўйлардим. Бундай лаҳзаларда маҳбубасини узоқдан кўриб қолган ошиқдек энтикиб-энтикиб нафас олардим. Коллежни битириб, университетга имтиҳон топширдим. Бу кўнгилсиз воқеани эслашни истамайман. Хуллас, мактабдаги аълочилик бу ерда иш бермади.



Бироқ тоғамга газета олиб бориб, у умрини бағишлаган соҳага ҳисса қўшаётганимни айтганимда кўзлари ёшланди.

Тақдир экан, шаҳарда яшай бошладим, тўғрироғи, қишлоққа қайтишга юзим чидамай, кун кўрардим. Газета тарқатувчи бўлиб ишлардим. Вақт ўтгани сайин машаққатлар унутилади. Бироқ тоғамга газета олиб бориб, у умрини бағишлаган соҳага ҳисса қўшаётганимни айтганимда кўзлари ёшланди. Ўша пайтлардагидек бағрига босди, энди қиртишланмай қўйган оппоқ соқоли юзимни силаб қўйди. Газетани ҳидлаб кўрди, сўнг варақлади, нималарнидир эслашга уринди. Тагин гавдасини силкитиб-силкитиб кулиб, шунча ривожланган технология билан бўғинни тўғри кўчирмаётганимиздан ранжиди.

Ҳар соҳадан бир шингил ўрганиб, пойтахтга етиб келдим. Бу ерда республика даражасидаги газетчиликнинг илмини ола бошладим. Қишлоққа бориб, тоғамга саргузаштларимни айтиб берардим. Тақдирга тан бериб, косиблик қила бошлаган собиқ ҳарф терувчи ҳар бир сўзимни эътибор билан тингларди. Бир гал сиёсий саҳифанинг рукни «Буни ҳаёт дейдилар» бўлиб кетганини айтганимда, тоғам шунақа кулдик, йўталавериб, қизариб кетди. Анча вақтгача «Ҳа, жиян-а, вой жи-

ян-е, боплабсан-ку» деб қўлидаги бигизни оғзи очилиб ётган бошмоққа ботирарди.

Ўшанда тоғамнинг товони ёрилиб кетганига кўзим тушди. Тарсиллаб-тарсиллаб ёрилиб кетганди. Бир оёғини боғлаб олган. Бу ҳақида гаплашишни истамади. Гапни расм чизишим кераклигига, бу истеъдод ҳаммага ҳам берилавермаслигига бурди. Чизган бир-иккита расмимни телефоннинг галереясидан кўрсатдим. У қалин шишали кўзойнагини қўйлагининг барига артиб, бурнининг устига қўндириб, бироз тикилди-да «Яхши, сен буни қўйма, бу кўнгилни тозалайди» деди. Тоғамнинг ўғли – тоғачамдан отасининг қанд касалига чалинганини билиб олдим.

Пойтахтда ташвишлар кўпайди. Тақдир тақозоси билан эрта уйлангандим, бир пасда болалар улғая бошлади, ҳар хил тадбирлардан бошим чиқмай қолди. Расм ишлаш кўнгилга сиғмасди. Молбертдаги икки ой олдин бўёқ урилиб, тугамай қолиб кетган картина яна уч ой шу ҳолида ётди. Қишлоққа ҳам гоҳида олти ойлаб боришга фурсат топилмас, тўғрироғи, ҳафсала йўқ эди. Очиғини айтсам, қишлоқ сафарининг турган-битгани азобдан иборат.

Ҳар гал борганда бирор қариндошим ўлган бўлади. Унинг болалик нигоҳимга муҳрланган сурати кўз олдимда жонланади. Менга дўкондан нимадир олиб бергани ёки қандайдир ҳикматга бой ҳикояси. Сўнг қайтиш олдидан тоғамнинг уйига кираман, ўнг оёғини борган сари юқорига қараб кесиб бораётганини кўраман. Бу ҳақида оғиз очишни хоҳламайди. Ногиронлар аравачасида косиблик ишини давом эттираётган собиқ ҳарф терувчи «Газет чиқаяптими? Олиб келдингми? Қани? О, зўр замонлар келди-да. Рангли расмлар, жимжимадор ҳарфлар. Эҳ, жиян. Навоий кўчасидаги нашриёт ишляптими? Ўшанда ҳам ишлаганман, бизни ёрдамга чақирган...» деб, кўпроқ ҳикояларимга қулоқ тутди.

Унинг оёғини яна кесишди, кесмаса бўлмаяпти. Ҳа, ҳали яна кесишади. Унинг оёғи ва рассомлигим жуда ёқимсиз ташбеҳ. Унинг оёғи – менинг рассомлигим. Унинг оёғи – менинг рассомлигим... Чўчиб уйғонаман, болаларнинг устини ёпаман. Олти ойдики, ижодхонамда тугалланмай қолиб кетган расмга мунғайиб боқаман. Шам ёниб турибди, акси деразага тушган, дераза ортида оқшом – бу расм одамга умид беради, бироқ бу умид қанд касалига чалинган, унинг оёғи чириб кетаяпти, кесмаса бўлмаяпти. Қонга ўтиб кетиши мумкин. Но-



Эҳ, жиян.
Навоий кўчасидаги
нашриёт ишляптими?
Ўшанда ҳам
ишлаганман,
бизни ёрдамга
чақирган...

гиронлар аравачасида бўлса ҳам хийла узоқроқ яшайди.

Охирги марта кўргали борганимда тоғам мени эслолмади. Дард енгибди. Тўшакда боладек илжайиб ётарди. Ҳеч кимдан норози эмасди. Унинг кесадиган оёғи қолмаган, бу сафар шифокорлар ҳам бошқа келманглар дейишган. Тоғачамнинг сочлари оқариб, кўзлари киртайиб қолган. Унга ҳам осонмас дейман ичимда, бир йил олдин онасини тупроққа қўйди, уч йилдики, отаси тўшак тортиб ётибди, хотини темир экан, келин бўлиб тушгандан буён бурнини жийирмай касал боқади... Мўминнинг имтиҳони тугамайди деганларидек, мендан бир ёш катта шу бечора тоғачамнинг косаси оқармаяпти. У отасига тортди, бировни ранжитмайди, кулиб тураверади. Савлатдан ҳам худо берган.

Ҳовлига чиққач тоғачам билан ўша, қайта-қайта айтилса ҳам бадга урмайдиган воқеани эсладик. Мустақиллик йилларининг бошларида «Ўзбекистон» нашриёти ҳарф терувчилар етишмагани боис вилоятлардан ёрдам сўрайди. Ўша кўмаклашувчи гуруҳда тоғам ҳам бўлган, ишдан бўйин товламаслиги ва шинавандалиги нашриёт бошлиқларига маъқул келиб, мукофотга ҳам тавсия қилган. Вилоят ҳокими мукофотни топшириб, тоғамнинг қўлини дўстона сиқиб қўйган.



Тоғам бу воқеадан сўнг ўша, ҳоким билан кўришган қўлини ҳоким даражасига чиқариб, кимни кўрса «Ҳоким ушлаган қўлни ушлаб қўйинг!» деб ишонч ва самимият билан таъкидлаган. Бу воқеани нега яхши кўришимни биласизми? Бу ҳангома «фалонча ўзи содда одам эди, ҳаёт уни муғомбир қилиб қўйди» деган бетайин ҳикматни томири билан суғуриб ташлайди. Инсоннинг шакли ўзгариши мумкин, бироқ руҳи дунёга келганида қандай бўлса, қайтаётганида ҳам худди шу ҳолда бўлади. Инчунин, икки елкасидаги бироз савоб ва гуноҳни айтмаганда, собиқ ҳарф терувчи ҳам шунақасидан эди.

Қишлоғидан чиқиб кетган одам борки, бемаҳал телефон бўлса, юрагини ҳовучлаб жавоб беради. Бу сафар ҳам ҳадигим ҳақ бўлиб чиқди. Ярим кечаси йўлга чиқдим. Тонгда етиб бордим. Ҳовли тўла одам, бу манзилда қандай бахтиёр дамларимиз ўтмаган дейсиз. Денгизчилар бошкийимини кийиб олган укам, бўйи узун ва озгин тоғачам, ортига ёғоч кути маҳкамланган кулранг велосипед, савлати одамни эсанкиратиб қўядиган тоғам, кулиб турган янгам, катта қизи. У биздан ўн ёшлар катта эди, шу сабаб у билан ўйнаб бўлмасди. Аммо ширинлик-




лар билан сийлашни канда қилмасди... Тагин тобутни елкаладик, қабристонга ошиқдик, тупроққа топширдик. Бошимиз ҳам бўлиб ортга қайтдик. Қабристон йиғилиш ўтказди, орамиздан тоғамни танлаб олиб қолди. Худди болалигимдаги, девлар ҳақидаги уйдирмага ўхшайди бу. Дев бир қишлоқни босиб олади-да, ҳар гал қорни очқаганда уларнинг орасида биттасини танлаб олиб кетади.

Эътироз билдираман, «Тоға, тоға, ҳарф қўрғошиндан бўлади, ўқ эмас!». Тоғам бир лаҳза менга қараб ўйланиб қолади. Сўнг бир хўрсиниб, «Ўқ ҳам қўрғошиндан бўлади, жиян» дейди... Алаҳсираб уйғонаман, терлаб кетибман. Бу тушни иккинчи марта кўришим. Худди ўшандагидек, тоғамнинг ҳовлиси, укам бошига денгизчилар бошкийимини қўндириб, қўзиқоринга ўхшаб қолган. Тоғамнинг эғнида чорхона қўйлак, бутун юзи, қошлари, кўзлари, бурни, лаби, ҳамма-ҳаммаси табассум қилиб турибди. Воҳ тоғам-а! Мен таниган дунё ҳарф терувчи ва қўрғошин ҳарфлардан воз кечди. Энди жами қўрғошиндан ўқ ясаб, Ғазо болаларининг устига ёғдирмоқда.

Жойингиз жаннатда бўлсин, собиқ ҳарф терувчи. Омин!



Воҳ тоғам-а! Мен таниган дунё ҳарф терувчи ва қўрғошин ҳарфлардан воз кечди.





Қаҳрамон УМИДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон миллий университети катта
ўқитувчиси, юридик фанлар доктори (DSc)

ТАРБИЯ

ҚИЛГУВЧИЛАР *ТАБИИ* КАБИДИР

Ҳар томонлама етук, билимли, соғлом ва баркамол ёшлар мамлакат тараққиёти ва келажаги учун муҳим таянчдир. Шу боис халқимиз ҳамма даврларда ёшларнинг таълим ва тарбиясига асосий вазифа сифатида қараб келган. Бугун ҳам юртимизда жамоатчилик ёшларни қўллаш, саломатлигини мустаҳкамлашга доир ишларда фаол қатнашмоқда.



Ёшлар камолоти сифатли таълим, малакали тиббий хизмат, яхши овқатланиш, спорт билан шуғулланиш каби бир қатор омилларга боғлиқ. Бу борада аввало таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм ва инновацияларни тараққий эттириш лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун имконият яратиш ва кўмак бериш барчамиз учун устувор вазифа бўлиши зарур.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақол бор. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, эзгу мақсадлар, халқимиз ва давлатимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш туйғусини шакллантириш муҳим. Бу борада ота-она, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ишлаши керак. Ахборот асрида ёшларни турли кўриниш-

ларда кириб келаётган, қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлардан ҳимоялаш, уларда халқимизга хос ор-номус, ўзаро ҳурмат, ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини шакллантириш барчамизнинг бурчимиздир.

Боланинг шаклланиши аввало оиладаги тарбияга боғлиқ. Бунинг учун катталарнинг ўзи намуна бўлиб, турли иллатлардан холи бўлиши даркор. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбия қилгувчилар табиб кабирки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани сингари тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига яхши хулқ деган давони ичидан, поклик деган давони устидан бериб катта қилмоғи лозимдир.

Шунингдек, Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида ёшлар тарбияси ҳақида «Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Қуш уясида кўрганини қилар» деб ёзган.

Дунё миқёсида кечаётган хатарли сиёсий ўйинлар, маънавий таҳдидлар қуршовида яшаймиз. Бундай шароитда ёшларнинг тарбиясига эътиборли бўлиш, тараққиётни, барқарорликни таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва айна пайтда муҳим.

Демократия ва оммавий маданият ниқобида ёшлар онгини заҳарлаш, беҳаёлик ва ваҳшийликни тарғиб қилишга қаратилган ҳаракатлар кундан кунга кучаяётганига ҳар қадамда гувоҳ бўлиш мумкин. Интернет орқали ёлғон хабар тарқатиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни йўқ қилиш, ҳаёсизликни тарғиб қилиш каби ахборот ҳужумлари кўпаймоқда.

Афсуски, айрим ёшлар қадриятларимизга зид бўлган ғояларга кўр-кўрона, саводсизларча эргашаётгани сир эмас. Эзгу қадриятларимизни, муқаддас анъаналаримизни эскилик сарқити деб қараш ижтимоий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлаяпти.

Ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш ота-оналар, таълим ва тарбия масканлари, маҳалла ва жамоатчиликнинг доимий эътиборини талаб қиладиган устувор вазифадир. Ёшларимизнинг тақдирига барча бирдек масъул эканини юртимизнинг ҳар бир фуқароси унутмаслиги, бефарқ бўлмаслиги лозим.



DE
STO
KTABDAN
HILANAD





Нуриддин ОЧИЛОВ,

Термиз давлат университети Педагогика ва ижтимоий иш кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

ҚАЛБ

ТАСДИФИ, ТИЛ ИҚРОРИ

Қадимдан маърифатпарварлик ўчоғи ҳисобланган Термиз шаҳридан жаҳон илм-фани ривожига мислсиз ҳисса қўшган қатор аллома, адиб ва шоирлар етишиб чиққан.

Ана шундай буюк зотлардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишир ибн Ҳорун Ҳаким Термизий бўлиб, у ёшлигидан оилада ҳадис илмини ва фикҳни пухта ўрганди. Аллома Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур ҳамда Шарқнинг Рай, Ҳамадон, Бағдод, Басра, Самара, Куфа, Макка, Мадина каби шаҳарларининг илм аҳли билан қизғин суҳбатлар қуриб, ўша давр илм-фани ва маърифати тараққиётининг барча жиҳатларини жамлади.

Хаким Термизий ўз асарларида «Аллоҳни билим билан таниш» ғоясини илгари суради. Қалб гуноҳдан қанча покланса, илм шу қадар мунаввар ва мукаммал бўлишини таъкидлаб, «Ақл ва ҳавойилик ҳақида китоб» асарида Аллоҳни англашда қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор бўлиш лозимлигини қайд этади. Асарларининг бош ғояси ҳам шахсни илмли, маърифатли қилишга қаратилган.

Рисолаларининг кўпчилиги тасаввуф илмига оид бўлиб, мутасаввуфларнинг энг салмоқли китобларидан ҳисобланади. «Қайтарилган амаллар» («Ал-манҳиёт») ана шундай асарлардан бири бўлиб, унинг бизгача икки қўлёзма нусхаси етиб келган. Асарнинг мавзуси исло-



мий ахлоқ, инсоний фазилатлар ва ижтимоий одоб масалаларидир. Буларнинг талкинида Пайғамбар(САВ)нинг суннатларига алоқадор ва ҳадисларда баён этилган жиҳатлар нуқтаи назаридан ёндашилган. Муслмон кишини катта-кичик гуноҳдан, макруҳ ишлардан, хато ва камчиликлардан қайтарувчи ҳадислар танлаб олиниб, шарҳланган.

Расулulloҳ (САВ) қайтарган нарсаларнинг айримлари одоб-ахлоқ юзасидан, баъзилари ҳаром бўлгани сабаблидир. Қуръони каримнинг Ҳашр сураси 7-оятда «Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар!» деб таъкидланган.

Ҳаким Термизий мазкур асарида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим ҳисобланган фазилатларни таснифлаган. Жумладан, ёлғон гапиришдан қайтарди. Агар рухсат этилганда, бирон бир хабарга нисбатан қалбларда ишонч бўлмасди. Ёлғондан сақланиш ҳукми жорий бўлгач, қалблар хабар берувчиларнинг гапларидан хотиржам бўлди.

Ғийбатдан ва ғийбатга қулоқ солишдан қайтарди. Ғийбат инсоннинг обрўсини тўкишдир. Динимизда инсоннинг қони, моли, обрўсини тўкиш ҳаром қилинган. Бундай гапга қулоқ тутган кимса шерик ҳисобланади. Пайғамбар (САВ) «Ғийбатчи жаннатга кирмайди» деган. Бундай инсонлар бузғунчилик қилиб, бир муҳаббатли жамоани тарқатиб юборишга қодир.



Чақимчилик қилишдан қайтарди. У ўртада нифоқ ва адоватни пайдо қилиб, нафрат ва ёмонликлар юзага келишига сабаб бўлади.

Ёлғон қасам ичишдан қайтарди. Ҳадиси шарифда «Кимки аччиқ ёлғон билан қасам ичса, бу иши билан кишининг обрўсини тўкса, Аллоҳ таолога йўлиққанда, унга ғазаб қилган ҳолатда бўлади» деб таъкидланади.

Тушкунликдан қайтарди. Бу моҳиятан Аллоҳнинг ҳукмларидан қочишдир. Ваҳоланки, бўлиши тақдир қилинган нарса инсон қаерга қочса ҳам эргашиб бораверади.

Ўйинлар ва ботил ишларда ҳозир бўлишдан қайтарди. Инсон беҳуда ишлар билан шуғулланса, кейинчалик ҳасрату надоматда бўлади. Ёки бунинг акси.

Хол қилишдан қайтарди. Танада туғма яратилган каби из қолиши учун игна санчиб чиқилади. Булар калондимоголик, манманлик билан ҳавойи нафсга ва шайтонга эргашишдир.

Чап қўл билан таом ейишдан қайтарди. Бу шайтонга хосдир, ўнг қўл эса фаришталарга. Ейиш, ичиш, кийиш, олди-берди қилиш кабилар ўнг қўл билан қилиниши лозим. Рад қилиш, зарарларни, кирларни кетказиш каби амаллар чап қўл билан бажарилади.

Аразлашиб юришни ман қилди. Расулulloҳ (САВ) «Кимки бу ишни қилишга мажбур бўлиб қолса, асло уч кундан кўпга биродарини тарк қилмасин. Биродаридан аразлашган ҳолда вафот этган киши дўзахнинг энг биринчи талабгоридир» деди. Шу иш билан сабоқ бериш зарурати туғилса, фақат уч кунга рухсат берилади. Ундан ўтиб кетмаслиги лозим. Кимки одобни тарк қилса даражаси пасаяди, кимки ҳаромга қўл урса, ҳалокатга учрайди.

Аждодларнинг илмий меросини ўрганиш асосида ёшларни билимга йўналтириш маърифатпарварликни ривожлантиришга, ижодий фикрлаш ва тафаккур қилишларига асос бўлади.





Шахло АҲРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти катта илмий ходими

ГЛОБАЛЛАШУВ: МАКОН ВА ЗАМОН



Қандай муҳитда яшамайлик, ҳар куни ижтимоий-маънавий ҳодисаларга дуч келаверамиз. Гоҳида бу воқеаларга дахлимиз йўқдек кўринса-да, билвосита алоқадор бўламиз. Биз айтаётган бу муҳит қадриятлар асосида шаклланади ва ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Қадриятлар эса шахс ва жамиятга оид қоидалар, ахлоқий меъёрлар ҳамда мақсадларни қамраб олади. Мазкур мезонлар орқали ҳалоллик, тинчлик, ватанпарварлик каби тушунчалар юқори поғонага кўтарилади.

Миллий қадрият фалсафаси умминсонийликдан айро бўлиши мумкин эмас, муштарак ривожланади. Миллат бор экан, қайси манзил ва маконда бўлишидан қатъи назар, унинг ўзлиги ҳамда қадриятлар тизими бўлади. Бу тизим миллатнинг ўтмиши, ривожланиши, таназзули, маданияти, феъли, маънавий меросидан ташкил топади.

Миллат тарихий-ижтимоий бирлиқдир. Қадриятларнинг чуқур томир отиши ва давр билан ҳамнафаслиги унинг яшовчанлигини оширади. Жуда кўп қадриятларнинг келиб чиқиши ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими, табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитига боғлиқ. Масалан, Мовароуннаҳр халқлари қадимдан деҳқончиликка мослашган.



Генофонд ҳам авлоддан авлодга ўтадиган ирсий, биологик, табиий хусусият, белги ва жиҳатлар йиғиндиси бўлиб, у миллатнинг асосини ташкил қилиш билан бирга давомийлигини ҳам таъминлайди. Бу томирларда аجدодлар қони оқиши баробарида уларга хос феъл, маънавий тутумлар ҳам такрорланади демакдир.

Миллий қадриятларнинг умуминсоний қараш ва ғоялар асосида шаклланиб, миллий одат, ўйинлар, кўникма, маросим ва байрамлар тарзидаги кўриниши ҳам маънавий муҳитга катта таъсир кўрсатади. Ҳар қандай урф-одат аслида эҳтиёж асосида пайдо бўлган. Жумладан, меҳнат қўшиқлари, лапарлар, халқ ўйинлари сабаб турли одат, байрам ва анъаналар шаклланган.

Миллий қадрият хусусиятларига кўра моддий ва маънавий турга бўлинади. Моддий қадриятга архитектура, қурилиш, ер ости ва усти бойликлари билан боғлиқ ашёвий топилмалар, миллий ҳунармандчилик намуналари, миллий либос ва ҳоказоларни мисол келтириш мумкин. Маънавий қадриятга анъаналар, урфлар, кўникмалар, одатлар, байрам ва маросимлар киради.

Кейинги йилларда демократия, оммавий маданият ниқобида пайдо бўлаётган бузуқ муҳит; шарқона ахлоққа зид турмуш тарзини сингдиришга уринишлар; зўравонлик, эгоцентризм ғояларининг тарғиб этилиши; наркотик моддалар, оммавий қирғин қуроллари ва одам савдосининг чегара билмаётгани; ахлоқ меъёрларига зид унсурларнинг оилаларга кириб бораётгани айрим маънавий қадриятлар моҳиятини ўзгартириб юбормоқда. Ўз навбатида, бу жараён миллий-маънавий қадриятларни такомиллаштириш заруратини миллатлар олдидаги энг муҳим вазифага айлантираяпти. Шу сабабли глобаллашув даврида миллий қадриятларга амал қилиш, уларни такомиллаштиришда қуйидагиларни эътиборда тутиш муҳим деб ўйлаймиз.

Биринчидан, умуминсоний қадриятларни ҳеч кимнинг ҳаётига миллий қадриятларсиз сингдириш мумкин эмас.

Иккинчидан, миллий қадриятларни такомиллаштиришда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ривожланиши ва ўзгариши учун шаброит яратиб бериш лозим.



Учинчидан, гарчи глобал жараёнлар бутун инсониятга хавф солиб турган бўлса-да, бир маконда ёки бир миллатга муаммолар туғдиришини инобатга олсак, хусусийлик касб этади. Миллат ва ҳудудга мос бўлмаган глобал ўзгаришлар эса бегоналашувга олиб келади.

Тўртинчидан, ижтимоий-маънавий муҳитда миллий қадриятларнинг яшаши, кейинги авлодларга ўтиши миллий-ижтимоий муҳитни юзага келтиради. Бусиз миллат жаҳонда ўз ўрнини йўқотади.

Бешинчидан, миллий қадриятлар такомиллашмас экан, уларнинг яшовчанлиги ҳам йўқолади.

Олтинчидан, миллий қадриятлар такомиллашувига ҳар бир миллатнинг ўзи масъул.

Хулоса ўрнида глобаллашув даврида миллий қадриятларни такомиллаштиришда бегона давлатлар таъсирига тушмаслик; турли зарарли таъсирлардан ёшларни ҳимоя қилиш; дунёдаги интеллектуал беллашувда ўз позициясига эга бўлиш; умуминсоний тушунчаларни миллий-маънавий, ахлоқий меъёрлар билан уйғунлаштириш; глобал ахборот майдони яратишда ҳуқуқий, сиёсий ва миллий маданиятни таъминлаш чораларини кўриш давр талаби эканини эслатиб ўтиш жоиз.



Фарида АБДУРАҲИМОВА,

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти профессори,

Шерзод МУҲАММЕДОВ,

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи.

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАР ... ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМЛАР

XXI асрдаги никоҳлар ва ажралишлар тўғрисидаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, никоҳларнинг ярми ўз фикрларини ифода эта олмаслик ва бир-бирига қарши тўпланган даъволарга жавоб беролмаслик туфайли бузилади.

Аслида оилавий низо жамиятда умумий мажбуриятлар, ҳис-туйғулар, қариндошлик ришталари билан боғлиқ омиллар пайдо бўлганидан бери мавжуд. Баъзан энг кучли севги ҳам бир кун келиб қатор жанжалларга ўрнини алмаштиради, ўртада тушунмовчилик девори пайдо бўлади. Баъзи жуфтликлар нима бўлишидан қатъи назар бирга бўлишади, бошқалари ажралишади.

Норозилик эр-хотин орасида ҳам, ота-оналар ва болалар ўртасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ота-оналарнинг болаларни танқид қилиши ва тенгдошларига таққослашни одат қилиши хафагарчилик ва тартибсизликка олиб келади. Доимий назорат, кўрсатмаларга риоя қилишни талаб қилиш болаларда



қаттиқ қаршиликни пайдо қилади. Фарзандларга ортиқча мустақиллик берилганда эса улар ўзларини кераксиз ҳис қила бошлайди.

Яна бир гап, болалар билан келишмовчилик манбаи ота-оналарнинг ўзаро муносабатларида яширин. Эр-хотин ўртасидаги жанжалларнинг аксарияти ҳаётдаги ўзгаришларга мослаша олмаслик билан, баъзи ҳолларда янги шароитларга кўникишда қалтис муҳитдан чиқиб кетишнинг объектив усуллари йўқлиги билан боғлиқ.

Муносабатларда доимий рақобатга интилиш; бирор нарсани ўзгартиришни истамаслик; ўз шеригига доимий шубҳа билан қараш, бир-бирини тушунмаслик каби омиллар одамнинг оила қуришга тайёр эмаслигини кўрсатади. Психофизиологик фарқлар ҳам муайян тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Пул етишмаслиги, даромадлардаги сезиларли фарқ, алкоголизм, гиёҳвандлик каби ҳолатлар ҳам мураккаб келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир оила тўртта инқироз даврини бошдан кечиради. Никоҳнинг биринчи йили моддий ва уй-жой масалалари билан боғлиқ муаммолар урчибди. Болалар туғилиши билан янги масъулият пайдо бўлади, эҳтиёжлар кўлами ўзгаради, болаларни тарбиялаш бўйича келишмовчиликлар юзага келади. 10-15 йил турмуш қургандан кейин туйғулар камайиб, унинг ўрнини кундалик ташвишлар эгаллайди. 20 йилдан сўнг “бўш уй” синдроми пайдо бўлади.



Охирги пайтларда ижтимоий бегоналашув кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Жуфтликлар бир-бирларини англашга интилишлари, муаммоларга айблов ва танбеҳларсиз ечим топишга ҳаракат қилишлари лозим. Эътиборсизликдан, шахсни камситишдан қочиш, аксинча, бир-бирларини тинглашга одатланишлари зарур. Акс ҳолда эр ҳам, аёл ҳам ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди, тушкунликка тушади, бегоналашув ортиб боради.

Социологик сўровларга кўра, эр-хотинлар бир-бирларига психологик ёрдам кўрсатадиган оилаларда низолар муваффақиятли ҳал қилинади. Ўзаро ҳурмат, мураса, бағрикенглик, хатоларни кечириш, меҳр-оқибат оилавий низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Америкалик тадқиқотчи Д.Скоттнинг психология бўйича асарларида оилавий муносабатлардаги низоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик эр-хотиннинг келишмовчиликларини бартараф этишдаги энг муҳим восита, мураса эса икки томоннинг маънавий хоҳишлари мувозанати деб таъкидланади.

Қисқача айтганда, низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш учун аввало жанжалнинг туб сабабини аниқлаш керак. Агар эр-хотинлар муаммони мустақил ҳал қила олмаса мутахассисга мурожаат қилиши лозим. Психолог томонларнинг ўзаро муносабатлари учун шароит яратиб, норозиликнинг асосий сабабини аниқлайди ва тарангликни бартараф этиш усулини айтиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, бир оиланинг бунёд бўлиши, мустаҳкам сақланиб қолиши учун бутун жамият ўзида жавобгарлик ҳиссини туйиши керак. Нафақат қайнота-қайнона, балки маҳалла-қўй ҳам бирдек ҳисоб бериши лозим. Бунини ҳар биримиз ҳис этишимиз зарур.

SUMMARY

The final issue of the journal “Ma’naviy Hayot” for the year 2025 has been published. This issue of the journal features a wide range of articles on diverse topics related to historical, spiritual, social, and philosophical aspects.

“Ma’naviyatchi bo’lsam” section of the magazine features an interview titled “Eshiklar o’z-o’zidan ochilmaydi” with the People’s Poet of Uzbekistan Iqbol Mirzo and journalist Shahnoza Rofiyeva, discussing the current state of our spiritual life.

In the “Tilga e’tibor” section, the article titled “Millatning tayanch nuqtasi” by G’ulom Bobojonov, Doctor of Philosophy in Philological Sciences and Associate Professor, presents important conclusions about the significance and role of the Uzbek language.

In the “Karvon qo’ng’irog’i” section, the article titled “Nima qilmoq kerak?” by Komila Karomova, Senator and Head of the Kashkadarya Regional Department of the Republican Center for Spirituality and Enlightenment, presents her views on the problems in our society and their possible solutions.

This time, “Qaltis savollarga nozik javoblar” were provided by Abdug’afur domla Niyozqulov, Chief Specialist of the Fatwa Center of the Muslim Board of Uzbekistan.

Additionally, the section “Sharqdan nur” features an article titled “Imom Abu Mansur Moturidiy” by Mirzo Kenjabek, an Honored Youth Mentor of Uzbekistan and recipient of the “International Babur Award.”

In this issue, “Millat va illat” section features an article titled “Xo’jako’rsinmi, Jujako’rsin?” by Anvar Boboyev, a researcher at the Imam Bukhari International Scientific Research Center, which presents profound quotes and significant insights from world-renowned and Uzbek scholars.

The “Buri’ish nuqtasi” section features an article by the People’s Poet of Uzbekistan, Usmon Azim, titled “Mavjarlar, tinimsiz mavjarlar”. Furthermore, in the “Birni ko’rib fikr qil” section, you can read Mirzaali Akbarov’s article “Olmoncha halollik”.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ
№4 (48), 2025

Муассис:

Республика Маънавият
ва маърифат маркази

Бош муҳаррир:

Эшқобил ШУКУР

Ижодий гуруҳ:

Азим РЎЗИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Муслмон НАМОЗ
Ҳасан КАРВОНЛИ
Шаҳноза РОФИЕВА
Гулжаҳон НОМОЗОВА
Азиз НОРҚУЛОВ
Дилмурод ДЎСТ

Масъул котиб:

Орзу АЪЗАМ

Фотограф:

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Манзил:

Тошкент шаҳри,
Бобур кўчаси, 6-уй.
e-mail: manaviyhayot@inbox.ru
Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);
97 731 87 01 (маркетинг ва
реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
30.06.2015 йилда 0828-рақам
билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.
Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Босишга 09.12.2025 да рухсат
берилди. Бичими 60x84 1/8.
Офсет усулида босилди.
Босма табоғи 14,0.
Буюртма № 26-330.
Адади 5217 нусха.
Обуна индекси: 919
ISSN 2181-7766

Журнал «Ўзбекистон нашриёти» да
чоп этилди.

Манзил: 100129, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур тумани, Навоий
кўчаси, 30 уй.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг
кўмакчингиздир.
Журналга обуна бўлинг!

Обуна
индекси:

919



